



Ҳазрат А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада  
Кришнани англаш Халҳаро жамиятининг асосчи-  
ачарйаси

# Раджа-видья



**Бхактиведанта бук траст**

Бу асарнинг муаллифи, Илоҳий Ҳазрат А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада - XX асрнинг энг йирик файласуфи деб тан олинган. Санскрит тили ва ведалар фалсафасининг тенги йўқ билимдони сифатида у Ҳиндистоннинг асосий фалсафий ва диний асарларини инглиз тилига таржима қилиб, уларни замонавий ўқувчиларга тушунарли қилиб изоҳлаб берган. Ҳазрат инсониятга олтмишга яқин асар қолдириб кетган. Бу асарлар ўқувчини қадимий Ҳиндистоннинг донишмандлик илми дурдоналари билан таништиради ва унинг қалбида оламга ва унда инсоннинг тутган ўрнига бошқача кўз билан қараш туйғусини уйғотади.

**“Бу илм - барча илмлар шоҳи, сирларнинг сири. Бу - энг пок илм, рухий ўзликни англаш ёрдамида инсонга ҳақиқий ўзлигини яққол ҳис қилиш(таниш) имконини бергани туфайли бу илм ҳақиқий диннинг камолот чўққиси ҳисобланади. Бу илм мангу, уни ўрганиш одамга шодлик келтиради”**

**"Бхагавад Гита". 9.2**

**Ўзимизнинг дунёвий илмимиз билан мағрурланиб, қанчалик гердаймайлик, биздан аслида ким эканимизни сўрасалар биз ҳеч нарса деб жавоб бера олмаймиз. Биз ҳаммамиз ўзимизни танамизга қиёслаб юрибмиз, аммо Ведавий муқаддас китоблардан билиб оламизки, биз тана эмасмиз, танамиз биздан, “мен”дан, тананинг эгасидан фарқ қилади. Фақат бу танам “мен” эмаслигини англаб етгандан кейингина биз ҳақиқий илмга эга бўлишимиз, ҳақиқий ўзлигимизни англаб олишимиз мумкин. Мана шу - илм ўрганишнинг бошланғич поғонасидир.**

## “Қуръони Карим” оятларидан

Бақара сураси. 120. Айтинг: “Оллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир!”

Фотир сураси. 28. Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва хайвонлар орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Оллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларигина кўркур.

Луқмон сураси. 21.(Моида 104, Бақара,170) Қачон уларга: “Оллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар!” - дейилса, улар: “Йўқ, бизлар ота-боболаримизни ниманинг устида топган бўлсак, шунга эргашурмиз”, дейишади. Агар шайтон уларни ўт азобига чақириб турган бўлса ҳам-а?!

Юсуф сураси. 104. Бу Қуроон фақатгина барча оламлар учун бир эслатмадир, холос.

Моида сураси. 68. Айтинг: “Эй аҳли китоб, то Тавротга, Инжилга ва сизларга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмагунингизча, ҳеч қандай динда эмассизлар”.

Ал-Исро сураси. 85. Эй Мухаммад, сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир”.

Раод сураси. 38. Ҳар бир вақт-Замон учун китоб - ҳукм бордир. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани ўчирур ва устивор қилур. **Асл Китоб Унинг даргоҳидадур.**

Нисо сураси. 150-151. Албатта, Оллоҳ ва пайғамбарига ишонмайдиган, Оллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини

ажратишни истайдиган ва “айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз” дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар - ана ўшалар **ҳақиқий кофирлардир**.

Нисо сураси. 136. Эй мўминлар, Оллоҳга, Унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган Китобларига иймонингиз комил бўлсин. Кимки, Оллоҳга, фаришталарга, китобларига, пайғамбарларига ва охираат кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди.

Шўро сураси. 13. “Эй мўминлар, Оллоҳ сизлар учун ҳам диндан Нуҳга буюрган нарсани ва Биз сиз(Муҳаммад)га ваҳий қилган нарсани Биз Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани шариат(қонун) қилди, - динни барпо қилинглр ва унда фирқа-фирқа бўлиб кетманглр!”

15. Айтинг: - “Мен Оллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим ва сизларнинг ўртангизда адолат қилишга амр этилдим. Оллоҳ Парвардигорингиз ва Парвардигоримиздир...”

Ғофир сураси. 78. Аниқки, Биз сиздан илгари ҳам пайғамбарлар юборганмиз. Уларда Биз сизга ҳикоя қилиб берган кишилар ҳам бор, яна улардан Биз сизга ҳикоя қилмаган кишилар ҳам бордир. Бирон пайғамбар учун Оллоҳнинг изну-иродасидан ташқари бирон оят-мўъжиза келтириш жоиз бўлган эмас...

Нисо сураси. 125. Ҳақиқий мусулмон бўлган ҳолида ўзини Оллоҳга топширган ва ҳақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?

164. Айрим пайғамбарлар ҳақида сизга илгари ҳикоя қилдик, айрим пайғамбарларни эса сизга ҳикоя қилганимиз йўқ.

Ол-и-Имрон сураси. 84. “Оллоҳга, бизга нозил қилинган нарса(Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлодларига нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Ийсо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. У пайғамбарлардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Ва биз Унинг Ўзигагина бўйинсунгувчилармиз”, - деб айтинг. 85. Кимда-ким

ислом(Худонинг қонунларига бўйсунуш)дан ўзга дин истаса, бас ҳаргиз қабул қилинмайди ва охиратда зиён кўргувчилардандир.

179. Оллоҳ мўминларни сизлар бўлган мана ҳолатда ташлаб кўйгувчи эмас. Ҳали У нопокни покдан ажратади. **Оллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади.** Лекин Оллоҳ пайғамбарлардан Ўзи истаган зотларни сайлаб олур ва уни ғойибдан огоҳ қилур. Бас Оллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтиринг!”

130. Иброҳимнинг динидан фақат енгилтакларгина юз ўгирадилар.

Ҳазрат А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада  
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-ачарйаси

# **РАДЖА-ВИДЬА**

## **ИЛМЛАР ШОҲИ**

**Худои Таоло индус ҳам эмас, мусулмон  
ҳам эмас, масихий ҳам эмас. У - ҳамма  
учун бир,  
ягона Парвардигордир.**

---

---

---

## Бхактиведанта бук траст

Ҳазрат А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг ўзбек тилида чоп  
этилган асарлари

Шри ишопанишад

Ўзликни англаш таълимоти

Насихатлар лаззати

У дунёдаги ҳаёт

Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади

Бошқа сайёраларга енгил саёҳат

Йўга камолоти

Нашрга тайёрланаётган асарлари:

Асл ҳолидаги "Бхагавад Гита"

Худонинг хоҳиши(Послание бога)

Бхакти-йога(Вқсшая система йоги)

Камолот йўли(Путь к совершенству)

Бебаҳо неъмат(Бесценный дар)

Кришнани англаш- энг буюк йога.(Сознание Кришнк - вқсшая йога )

Қалбингга назар сол(Путешествие вглубь себя)

Раджа-видья - илмлар шоҳи(Раджа-видья царя знаний)



# 1. Раджа-видья - илмлар шоҳи

*шри бхагаван увача*

*идам ту те гухйатамам правакшйамй анасуйаве*

*джнанам виджнана-сахитам йадж джнатва мокийасе “шубхат*  
“Парвардигор шундай деди: - Азизим Аржун, сен ҳеч қачон Менга ҳасад қилмаганинг учун Мен сенга энг махфий илм сирини ошкор этаман. Уни эгаллаб олиб, сен бу моддий оламнинг барча мусибатларидан озод бўласан”.(БГ.9.1)

"Бхагавад Гита"нинг тўққизинчи бобининг биринчи жумлалари биз Худои Таолонинг гапларини эшитаётганимиздан дарак беради. Бу ерда Шри Кришна “Бхагаван” деб аталган. *Бхага* ибораси “мукамаллик” деганни билдиради, *ван* ибораси эса - “соҳиби”, “эгаси” деган маънони билдиради. Ҳар ким Худои Таолони ўзича тасаввур қилади, аммо Ведавий муқаддас китобларда “Худо” тушунчасининг аниқ мазмуни таърифланган ва У “Бхагаван” деб аталади. Бхагаван қуйидаги барча мукамалликларнинг тўла эгаси бўлиши шарт: илм, бойлик, қудрат, гўзаллик, шухрат ва боғланмаслик. Мана шу сифатларга тўла эга бўлган зотни Худо деб тан олиш мумкин. Жаҳонда бой, донишманд, машхур, чиройли, қудратли кишилар кўп, аммо уларнинг бирортаси: “Мана шу мукамалликларнинг ҳаммаси менда бор!” деб айта олмайди. Фақат Парвардигор Кришна шундай деб айта олади:(БГ.5.29)

*бхоктарам йаджна-тапасам сарва-лока-махешварам*

*сухридам сарва-бхутанам джнатва мам шантим риччхати*

“Барча қурбонлик маросимлари ва риёзатларнинг олий мақсади, барча сайёра ва фаришталарнинг олий ҳукмдори, шунингдек барча тирик мавжудотларнинг ғамхўри ва саодатманди - Мен эканимни билган донишмандлар моддий дунёнинг азоб-уқубатларидан халос бўладилар ва мустаҳкам осойишталикка эришадилар”.

Бу ерда Шри Кришна барча фаолият натижаларидан ягона Ўзи

лаззатланишини, барча сайёраларнинг эгаси ҳам Ўзи эканини айтяпти(*сарва-лока-махешварам*). Кимдир катта ер эгасиман деб гердайиши мумкин, лекин Кришна барча сайёралар тизимининг эгаси эканини айтяпти. У барча тирик мавжудотларнинг дўстиман деб айтяпти(*сукхридам сарва-бхутанам*). Ҳамма нарса Худоники эканини англаб етган ва Худои Таоло ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти, олий лаззатланувчи эканини англаб етган одам бутунлай хотиржам бўлиб, мустаҳкам осойишталикка эришади. Осойишталикка, тинчликка эришишнинг ҳақиқий формуласи ана шундай. Лекин, “ҳамма нарса меники” деб ўйлаб юрган одам бу дунёда ҳеч қачон тинч, осойишта яшай олмайди. Бу дунёда қайси бир одам қандайдир мулкнинг ҳақиқий эгасиман деб даъво қила олади? Бир неча йил аввал индеецлар Американи ўзларининг юрти, мулки деб юрганлар. Энди оқ танли одамлар бу ерларни ўзларининг ватани деб биладилар, яна тўрт юз, балки минг йилдан кейин бошқа бировлар келиб, ўзларини Американинг хўжайини деб даъво қилишлари мумкин. Бу ерлар аввалдан бор эди, қаердандир европаликлар келиб, ҳеч қандай асосиз равишда унга эгаликни, хўжайинликни даъво қила бошладилар. Лекин бундай сохта мулкдорларнинг бемаъни фалсафаси муқаддас Ведавий битикларнинг кўрсатмаларига тўғри келмайди. Муқаддас “Шри Ишопанишад” асарида шундай дейилган: *ишавасйам идам сарвам* - “Бутун борлиқдаги барча жонли ва жонсиз нарсаларнинг ҳаммаси Худонинг мулки ҳисобланади ва Унга бўйсунади”. Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат, аммо, алданиш таъсири остида, биз ўзимизни ҳамма нарсанинг эгасимиз деб ўйлашда давом этаверамиз. Аслида ҳамма нарса Худои Таолоники, шунинг учун Уни “энг бой, бадавлат” деб айтадилар.

Албатта, ўзини Худо деб эълон қилиб юрган жуда кўп одамларни учратиш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда ўзини Худоман деб юрган одамлардан албатта ўн-ўн бешта кишини учратиш мумкин. Аммо, сиз уларнинг бирортасидан “Сен бутун борлиқнинг ҳукмдори, эгасимисан?” деб сўрасангиз, саволингизга аниқ, дангал жавоб беришга қийналади. Ким Худо-ю, ким Худо эмаслигини шундай тушуниб олиш мумкин. Худои Таоло ҳамма нарсанинг эгаси, демак, ҳеч ким У билан куч-қудратда тенглаша олмайди. Кришна шу сайёрада юганида ҳеч ким Уни енга олмаган. Кришна қайсидир бир жангда кимдандир енгилгани ҳақидаги маълумотни ҳеч қаердан тополмайсиз. Кришна бу дунёга *кшатрий*(жангчи)лар табақасига мансуб бўлган хонадонда ташриф буюрган, кшатрийларнинг жамиятдаги вазифаси ожизларни ҳимоя қилишдан иборат.

Кришнанинг бойлигига келсак, Унинг 16.108 хотини бўлиб, уларнинг хар бирининг алоҳида ҳашаматли саройи бор эди. Кришна бир вақтнинг ўзида 16.108 қиёфада намоён бўлиб, уларнинг хар бири билан алоҳида лаззатланарди. Бунга ишониш қийин, аммо "Шримад Бхагаватам"да шундай деб ёзилган. Ҳиндистоннинг барча буюк донишмандлари "Шримад Бхагаватам"ни муқаддас китоб деб, Кришнани эса - ягона Парвардигор деб тан оладилар.

"Бхагавад Гита"нинг ўнинчи боби, биринчи шеъридаги *гухйатамам* ибораси Кришна Аржунга ошкор этмоқчи бўлган илм энг сирли, махфий илм эканини кўрсатади. Нимага Кришна шу нодир илмни айнан Аржунга ошкор этишни раво кўряпти? Чунки Аржун - *анасуйу*, яъни ҳасадгўй эмас. Моддий оламда биз ҳамиша бирор нарсада биздан устунроқ бўлган одамга ҳасад қиламиз: биз фақат бир-биримизга эмас, ҳатто Худога ҳам ҳасад қиламиз. Шунинг учун Кришна: "Мен - ҳамма нарсанинг эгасиман!" - деса, биз Унинг гапларига ишонмаймиз. Аржун ундай эмас: Аржун Кришнага ҳасад қилмайди, Унинг айтган гапларини инкор этмасдан ҳаммасини айни ҳақиқат деб қабул қилади. Кришнага бўлган ана шундай муносабати уни "Бхагавад Гита" илмини қабул қилишга муносиб даражага кўтаради. Фақат шундай онг билангина "Бхагавад Гита" илмини англаб етиш мумкин. Фалсафий фикрлашлар ёрдамида Худои Таолони англаб бўлмайди: бунинг учун биз ишонарли манбадан эшитганларимизга ишонишимиз, уларни ҳақиқат деб қабул қилишимиз керак.

Аржун ҳасадгўй бўлмагани учун Кришна унга энг махфий, энг сирли илмни ошкор этди. Бу илм фақат назарий таълимот эмас, у амалий илмдир (*виджнана-сахитам*). "Бхагавад Гита"да баён этилган илмни ҳаёлан тўкиб чиқарилган ёки тахминий афсона деб ўйламаслик керак. Бу илм *гйана* ва *вигйана* илмининг бирикмаси, яъни чуқур назарий илм ва илмий асосланган амалий билимдир. Бу илмни эгаллаган хар қандай одам албатта руҳий озодликка эришади. Моддий оламда ҳаёт кечириш шароитлари шундай тузилганки, биз ҳамиша қийинчиликларга дучор бўлиб, қийналиб яшаймиз. *Мокша* ибораси "озодлик" деган маънони англатади. Бу ерда айтилганки, ҳаётда мана шу илм асосида яшаб юрган одам барча қийинчиликлардан халос бўлади. Шунинг учун Кришнанинг Ўзи бу илм ҳақида нима деганини тушуниб олиш зарур.

*раджа-видйа раджа-гухйам навитрам идам уттамам  
пратйакшавагамам дхармйам су-сукхам картум авйайам.*

"Бу илм - барча илмлар шоҳи, сирларнинг сирини. Бу - энг пок илм,

рухий ўзликни англаш ёрдамида инсонга ҳақиқий ўзини яққол ҳис қилиш(таниш) имконини бергани туфайли бу илм ҳақиқий диннинг камолот чўққиси ҳисобланади. Бу илм мангу, уни ўрганиш одамга шодлик келтиради”.(БГ.9.2).

"Бахавад Гита"нинг тасдиқлашига кўра, энг олий илм(*раджа-видйа раджа-гўхйам*) - Кришнани англаб етишдан иборат, чунки, "Бахавад Гита"дан биламизки, мукаммал илмга эга бўлган одамнинг бошқалардан ажралиб турадиган асосий белгиси - унинг Кришнага бўлган садоқатидир. Кришнага ўз ихтиёрини топширмасдан, шунчаки Худои Таоло ҳақида фикр юритиш билан мукаммал илмга эришиб бўлмайди. "Бахавад Гита"да мукаммал илм қуйидагича таърифланади:

*бахунам жанманам анте жнанаван ма прападйате  
васудеваҳ сарвам ити са махатма су-дурлабхаҳ*

“Кўплаган туғилиш ва ўлишлар орқали ўтиб, барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси ва бутун борлиқ Мен Ўзим эканини тушуниб етган ҳақиқий донишманд одам ўз ихтиёрини Менга топширади. Шундай буюк зот бу дунёда жуда кам учрайди”.(БГ.7.19).

Худои Таолога ўз ихтиёрини бутунлай топширмай туриб Уни англаб бўлмайди. Худои Таолога ўз ихтиёримизни топширишга кодир бўлишдан аввал биз жуда кўп умрлар яшаб ўтишимиз лозим, аммо, Унинг улуғворлигини тан ола билган киши ўз ихтиёрини дарров Унга топшириши мумкин. Лекин, одатда бу моддий оламда биз ҳатто бунга ҳаракат ҳам қилиб кўргимиз келмайди. Аксарият кўпчилигимиз ҳасадгўймиз, шу боис: “Ўз ихтиёримни Худога топширишнинг нима кераги бор? Мен мустақил одамман, хоҳлаган ишимни қилавераман!” - деб ўйлаймиз. Ана шундай алданиш, адашишдан халос бўлиш учун биз жуда кўп умрлар давомида оғир меҳнат қилиб, азобланиб яшашга мажбурмиз. Бу маънода “Кришна” номи алоҳида муҳим аҳамиятга эга. “Криш” дегани “қайта туғилишлар” деганни билдиради, “на” дегани эса, - “бартараф қиладиган зот” деганни билдиради. Туғилиб-ўлишлар чархпалагини биз учун фақат Худои Таоло тўхтата олади. Унинг бесабаб марҳаматисиз туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан ҳеч ким қутулиб кета олмайди.

Тўққизинчи бобда *раджа-видйа* ҳақида гапирилган. *Раджа* дегани “шоҳ”, *видйа* - “илм” деганни билдиради. Ҳаётда кўпинча кимдир илм-фаннинг бирор соҳасида, яна биров бошқа соҳасида юқори поғонага эришган бўлади. Аммо, *раджа-видйа* ўзининг таркибий қисми бўлган бундай илмларнинг барчасидан устун туради. *Раджа-видйа* ибораси энг буюк илм махфий, сирли эканини,

*навитрам* ибораси эса, бундай илм соф, пок илм эканини билдиради. Бу илм *уттамам*: уд ибораси “устун туради” деганни, *тама* ибораси эса, ғофиллик, қоронғуликни билдиради. Шундай қилиб, *уттамам* ибораси бу илм биз бу дунёда биладиган илмлардан устун туришини, бу дунёдан ташқаридаги илм эканини билдиради. Бу илм ёруғликка мансуб бўлиб, бу дунёдаги ғафлат қоронғулиги унга таъсир қила олмайди. Бу илмни ўрганишга киришган одам ўзининг ёруғликка, мукамалликка, камолот чўққисига қанчалик яқинлашганини, дарров ҳис қила бошлайди (*пратйакшавагамам дхармйам*). *Су-сукхам картум* дегани бу илм одамга бахт келтиришини, унга амал қилиб яшаган одамнинг ҳаёти қувончга тўла бўлишини билдиради. *Авайайам* ибораси эса, бу илмнинг замонга боғлиқ эмаслигини, яъни мангу илм эканини билдиради. Моддий оламда ҳар бир одам ҳар хил илмларни ўрганишга ёки кўпроқ бойлик орттиришга интилади, аммо, уларнинг бирортаси *авйайам*, яъни мангу эмас, чунки танаси ўлгандан кейин ўрганган илми ҳам, тўплаган бойлиги ҳам мутлақо кераксиз бўлиб қолади. Танамиз ҳалок бўлган заҳоти олий маълумотимиздан ҳам, илмий унвонимиздан ҳам, банкдаги пулларимиздан ҳам, оиламиздан ҳам - ҳаммасидан бирданига биратўла маҳрум бўламиз. Бизнинг бу моддий оламда қилаётган ишларимизнинг барчаси ўткинчи. Фақат мана шу, Парвардигор Кришна баён этган “Бхагавад Гита” илми мангу.

*нехабхикрама-нашо “сти пратйавайо на видйате  
св-алтам апй асйа дхармасйа трайате махато бхайат*

“Бу йўлдан бораётган одам ҳеч нарса йўқотмайди. Бу йўлдан ҳатто озгина юрган одам ҳам ҳаётидаги энг катта хавф-хатардан халос бўлади”(БГ.2.40)

Кришнани англаш йўлида олинган илм шу қадар мукамалки, ҳатто Кришнани англаш йўлига кириб, умрининг охиригача бу йўлда бирор муваффақиятга эриша олмай қолган одам ҳам кейинги ҳаётида илм ўрганишни келиб қолган жойидан давом эттириш имкониятига эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Кришна онгида қилинган фаолият ҳеч қачон изсиз йўқолиб кетмайди, ҳар қандай дунёвий фаолиятда одамнинг эришган барча муваффақиятлари эса, фақат тана билан боғлиқ бўлгани сабабли, тана ҳалок бўлган заҳоти бутунлай йўқ бўлиб кетади. Ҳар хил атамаларга боғлиқ бўлган моддий илм мангу эмас. Одам моддий танасини “ўзим” деб, ўзини эркак, аёл, америкалик, индус, масихий, мусулмон деб ҳар хил атамалар билан атамасин, танасини тарк этиши билан бу атамалардан бутунлай маҳрум бўлади. Аслида бизлар мангу рухлармиз, шунинг учун

қилаётган рухий фаолиятимиз қаерга борсак ҳам ҳамиша биз билан бирга бўлади.

Шри Кришна айтадики, *раджа-видйа*, илмлар шоҳини амалий ўрганиш натижасида одам ҳақиқий бахтга эришади. Ҳаммага маълумки, Кришна онгида қилинган ҳар қандай фаолият кишига чексиз қувонч, шодлик келтиради. Биз қўшиқ айтамыз, рақсга тушамиз, ажойиб *прасад* еймиз, ҳар хил мавзуларда муқаддас китобларни ўқиймиз, "Бхагавад Гита", "Шримад Бхагаватам"ни ўрганамиз. Бизларнинг қиладиган асосий ишларимиз шулардан иборат. Кришна онги билан яшаш жараёнида қатъий, бажариш қийин бўлган чеклашлар, қоидалар йўқ. Елкани тўғри тутиб, бир ҳолатда кўзғалмай узоқ вақт ўтириш, ҳар хил оғир жисмоний машқларни бажариш ёки нафас олишни тартибга солиб қийналишнинг ҳожати йўқ. Йўқ, бизнинг усулимиз жуда осон, эркин ва кишига қувонч бағишлайди. Рақсга тушиш, қуйлаш, *прасад* ейиш ва Ҳақиқат илмини ўрганиш ҳаммага ёқади. Бу жараён ҳақиқатан ҳам жуда қувончли.

Моддий оламда таълим олишнинг ҳар хил босқичлари бор. Бировлар ҳатто бошланғич ёки ўрта мактабни тамомлашга кодир эмас, бошқалар - илм олишни давом эттириб, олий маълумотли бўладилар, илмий унвон оладилар. Хўш, *раджа-видйа* - барча илмлар шоҳи, энг буюк саодат(*суммум бонум*) нима экан ўзи? Бу илм - Кришнани англаш, Кришна онги билан яшаш илмидир. Ҳақиқий илм - ҳар ким ўзининг аслида ким эканини, ҳақиқий "мен"и кимлигини билиб олишдир. Токи биз ўзимиз аслида ким эканимизни билмагунча ҳақиқий илмга эга бўла олмаймиз. Санатана Госвами давлат ишини ташлаб, биринчи марта Чайтанйа Махапрабҳунинг олдига келганида Унга берган саволи шундай эди: "Ҳақиқий илм қандай бўлади?" Шунини айтиш керакки, Санатана Госвами жуда маълумотли одам бўлган, бир неча тилларни, ҳатто санскрит тилини ҳам билган, лекин барибир у Чайтанйа Махапрабҳуга шундай савол берган.

"Одамлар мени маълумотли одам деб ҳисоблайдилар, - деди у Парвардигорга, - мен ҳам аҳмоқ бўлиб уларнинг гапларига ишониб юрибман".

Парвардигор унинг гапларига ҳайрон бўлди:

- Нимага сен ўзингни олий маълумотли, зиёли, маданиятли одам деб ҳисоблагинг келмаяпти? Сен билимли одамсан, санскрит ва форс тилларини биласан.

- Балки шундайдир, лекин мен аслида ўзимнинг ким эканимни билмайман, - жавоб берди Санатана Госвами ва яна қўшиб қўйди: - Мен ҳаётда қийналишни истамайман, лекин қийналишга мажбурман.

Одамлар мени маълумотли одам деб ўйлайдилар, мен эса ҳатто бу дунёга қаердан келганимни, қаерга боришимни ҳам билмайман. Мени буюк олим одам деб айтишлари менга ёқади, лекин аслида мен энг гофил нодонман, чунки ўзимнинг ким эканимни билмайман.

Аслида Санатана Госвами бу гапларни бизларнинг номимиздан гапиряпти, чунки ҳозир бизларнинг ҳар биримиз худди шундай ҳолатдамиз. Ўзимизнинг дунёвий илмимиз билан мағрурланиб, қанчалик гердаймайлик, биздан асл ўзлгимиз ким эканини сўрасалар биз ҳеч нарса деб жавоб бера олмаймиз. Биз ҳаммамиз ўзимизни танамизга қиёслаб юрибмиз, аммо Ведавий муқаддас китоблардан билиб оламизки, биз тана эмасмиз, танамиз биздан, “мен”дан, тананинг эгасидан фарқ қилади. Фақат танам “мен” эмаслигини англаб етгандан кейингина биз ҳақиқий илмга эга бўлишимиз, ҳақиқий ўзлгимизни англаб олишимиз мумкин. Мана шу - илм ўрганишнинг бошланғич поғонасидир.

*Раджа-видйанинг чуқур маъноси* - фақат ўзимизнинг асл ўзлгимизни англаб олиш билан чекланиб қолмайди, аксинча англаб олган ана шу ҳақиқат, ана шу тушунча асосида фаолият кўрсатишни ҳам ўз ичига олади. Одам ўзининг ким эканини билмай туриб ҳаётда тўғри яшай оладими? Агар биз ўзимизнинг ким эканимизни билмай адашиб юрган бўлсак, қилаётган ишларимиз ҳам нотўғри бўлади. Биз моддий танамиздан фарқ қилишимизни билиш билан чекланиб қолмаслигимиз керак, одам ўзининг руҳий ўзлгини қанчалик англаб етгани унинг ҳаётда кўрсатаётган фаолияти орқали маълум бўлади. Энг олий, мукамал илмга асосланган шундай руҳий фаолият Кришна онгида қилинган фаолият ҳисобланади. Бир қарашда бу илмни эгаллаш осон эмасдай туюлиши мумкин, лекин, Худои Таоло ва Парвардигор Чайтанйа Махапрабхунинг марҳамати билан бу илмни ўрганиш ҳозирги даврда ҳамманинг қўлидан келади, чунки Улар бизга бунинг энг осон усулини бериб қўйганлар: бунинг учун Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб, куйлаб юрсак бас:

*Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.*

Чайтанйа Махапрабху тушунтирган эдики, тирик мавжудотлар асосан икки тоифага бўлинади: кўзгалувчан ва кўзгалмас. Дарахтлар, ўсимликлар, тошлар - кўзгалмас тирик мавжудотлардир, чунки уларнинг онги етарлича ривожланмаган. Уларнинг ҳам онги бор, лекин уларнинг онги ҳозирги танасида намоён бўла олмайди. Агар тирик мавжудот ўзининг ҳақиқий ҳолатини англаб олишга қодир бўлмаса, ҳатто у инсон танасида бўлса ҳам, онгсиз тошга ўхшайди.

8.400.000дан ортиқ ҳаёт турлари мавжуд: кушлар, судралиб юрувчилар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, одамлар, фаришталар ва ҳоказо, - уларнинг орасида одамлар, инсон танасига эга бўлган тирик мавжудотлар жуда озчиликни ташкил этади. Кейин Чайтанья Махапрабху тушунтирдикки, 400.000 турли одамлар орасида жуда кам одамлар маданиятли одамлар бўлиб, шу маданиятли одамларнинг ичида эса, камдан кам одам муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида яшайди.

Ҳозир аксарият одамлар ўзларини у ёки бу динга мансуб деб ҳисоблайдилар: масиҳий, индус, ислом, буддизм ва ҳоказо, лекин аслида улар ўз динларининг муқаддас китобларига ишонмайдилар. Ҳатто муқаддас китобларга ишонадиган одамлар ҳам одатда ҳар хил савоб ишлар қилишга боғланиб, шу билан чекланиб қолган. Уларнинг фикрича дин бу - қурбонлик маросими(*яғйа*), *дана*(хайр-эҳсон қилиш) ва *танасйа*(риёзат)дан иборат. *Танасйа*, риёзат чекаётган одам ҳаётда ўз хоҳиши билан қандайдир оғир чеклашларга амал қилиб яшайди: масалан, *брахмачарий*(жинсий поклик сақлаб юрган шогирдлар), *саннйаси*(таркидунё қилган зоҳидлар). *Дана*(хайр-эҳсон), яъни “савобли ишлар қилиш” деганда одам ўзининг ҳалол ишлаб топган пулларини ўз хоҳиши билан хайрли ишларга сарфлашини тушуниш керак. Ҳозирги даврда қурбонлик маросимлари ўтказилмайди, аммо тарихий асарларда, масалан “Махобҳорат”да ёзилишига кўра, қурбонлик маросими ўтказилаётган пайтда шохлар Худо йўлида юрган одамларга қимматбаҳо тошлар, қумуш ва олтин буюмлар эҳсон қилганлар. *Яғйа*, қурбонлик маросими ўтказиш шохлар учун мўлжалланган, оилали одамлар эса, унча катта маблағ сарфлашни талаб қилмайдиган савоб ишлар қилиши лозим бўлган. Муқаддас китобларга ишонадиган одамлар шундай қонун-қоидаларга амал қилиб яшаганлар. Ҳозир биз яшаётган даврда эса, аксарият одамлар фақат тилининг учигагина ўзларини бирор динга мансуб деб айтадилар, амалда эса шу дин қоидаларининг бирортасига ҳам амал қилмайдилар. Ана шундай миллионлаган “диндор”лар орасидан бирорта одам савоб ишлар қилиши, риёзат чекиши ёки қурбонлик маросими ўтказиши мумкин. Чайтанья Махапрабхунинг айтишига кўра, диний қонун-қоидаларга амал қиладиган миллионлаган шундай одамлар орасидан биргина одам муқаммал илмга эга бўлиб, ҳақиқий ўзлигини, ўзи аслида руҳ эканини англаб етиши мумкин.

Аммо, “мен тана эмасман, мангу руҳман” деган тушунчанинг ўзи кифоя эмас. Комил инсон моддий табиат қонунлари чангалидан бутунлай қутулиб кетиши керак. Мана шу *мукти* - “озодликка чиқиш”



деб аталади. Рухий ўзлигини англаб етган, ўзи аслида мангу рух эканини англаб етган миллионлаган одамлар орасидан биргина одам ҳақиқий озодликка эришиши мумкин. Рухий озодликка эришган ана шундай минглаб одамлар орасидан биргина одам Кришнанинг ким эканини тушуниб олиши мумкин. Шундай қилиб, Кришнани англаб етиш жуда мушкул. Шунинг учун ғофиллик ва пала-партишлик асри бўлган Кали-югада амалда ҳеч ким озодликка эриша олмайди. Бундай буюк мақсадга эришиш учун инсон аввало маданиятли одамлар қаторига қўшилиши лозим, маданиятли одамгина диндор бўлиши мумкин, диндор одам бўлишнинг ўзи кифоя эмас, - савоб ишлар қилиш, қурбонлик маросими ўтказиш, шу тариқа рухий илм олишга муносиб бўлиш керак, шундан сўнг одам рухий илм асосида рухий озодликка эришиши, ниҳоят озод рух бўлган ҳолда Кришнани англаб етиши, Кришна онги билан яшашга муносиб бўлиши мумкин.

Бу йўл "Бхагавад Гита"да таърифланган:

*брахма-бхутах прасаннатма на шочати на канкшати  
самах сарвешу бхутешу мад-бхактим лабхате парам*

“Илоҳий даражага кўтарилгандан кейин одам дарров Олий Брахман табиатига эга бўлади ва унинг қалби қувончга тўлади. У ҳеч нарсадан пушаймон бўлмайди, ҳеч нарсага интилмайди ва барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Шу пайтдан бошлаб одам ўзининг бутун ҳаётини Менга садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлайди”.(БГ.18.54).

Озодликка эришган одамнинг сифатлари шундай. Озодликка эришган одамнинг биринчи аломати шуки, у ўзини жуда бахтиёр сезади, у ҳеч қачон тунд, хафа бўлиб ёки қаттиқ ташвишга тушиб юрмайди. У ҳеч қачон: “Менга шу нарса етишмайди. Қардан бўлса ҳам мен шуни албатта топишим керак. Мен бунга пул тўлашим керак. У ёққа чопишим керак, бу ёққа чопишим керак!” - деб ташвишга тушиб юрмайди. Озод одам ташвиш нималигини билмайди. У дунёдаги энг қашшоқ одам бўлиши мумкин, аммо у ҳеч қачон ўз тақдирдан нолимайди, ўзини ҳеч қачон қашшоқ деб ҳисобламайди. У ҳатто мен қашшоқман деб ўйламайди ҳам. Фақат моддий танасини “ўзим” деб юрган одамларгина ўзини танасига қиёслаб, бировларни бой, бировларни камбағал деб бир биридан ажратиши мумкин. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан халос бўлган одамнинг моддий бойлик ва муҳтожликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. “Менинг йўкотадиган ҳам, эга бўладиган ҳам бирор нарсам йўқ, - деб ўйдайди у, - мен бу дунёдаги нарсаларга бутунлай бегонаман”. Шундай одам бой ва камбағал одам орасида, маданиятли ва маданиятсиз одам орасида,

чиройли ва хунук одам орасида ҳеч қандай фарқ кўрмайди. Ҳамма нарсага руҳий назар билан қарагани сабабли у моддий оламнинг намоеън бўлган карама-қаршиликларига эътибор бермайди, ҳар бир тирик мавжудотга Кришнанинг бир бўлаги деб қарайди. Шу тариқа, ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий табиатини кўрган ҳолда у уларнинг барчасини Кришна онги билан ҳаракат қилишга ундайди. У ўйлайдики, ҳар қандай одам - хоҳ у шудра ёки браҳман, оқ ёки қора танли, индуc ёки мусулмон бўлсин, - қалбида Кришна онгини уйғотиб, Худога, ягона Парвардигорга хизмат қилиши лозим. Агар одам ана шундай онгга эришиб, унда мустаҳкам ўрнашган бўлса, *мад-бхактим лабхате парам* - у ҳақиқатан ҳам Кришнанинг содиғи бўлишга муносиб одамдир.

Лекин Кали-югада бунга эришиш жуда қийин. "Шримад Бхагаватам"да Кали-югада яшайдиган одамларнинг сифатлари келтирилган: уларнинг умри жуда қисқа бўлади; улар жуда суcт ва дангаса, кўп ухлайдилар, уйқудан бўш вақтларида эса фақат пул топиш билан машғул бўладилар. Руҳий фаолият билан машғул бўлиш учун уларнинг кунига ошиб борса атиги икки соат вақти қолади. Шундай экан, уларнинг руҳий илм эгаллашига умид қилиб бўладими? Ҳатто кимдир руҳий илм олишга интилса ҳам, ҳозир жуда кўп тарқалиб кетган сохта руҳий устозлар қармоғига илиниб қолиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги даврда яшаётган одамлар жуда омадсиз. Ўзларининг оддийгина еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш, тирикчилигини ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун улар кеча-кундуз оғир меҳнат қилишлари лозим, ҳатто ҳайвонлар ҳам ўзларининг бу эҳтиёжларини ҳеч қийналмасдан қондира оладилар. Ҳатто, мана шу эҳтиёжларини бемалол қондириб, ҳаётда ҳамма нарсаи бор одамлар ҳам ҳамиша хавотирда яшайдилар, чунки жаҳонда ҳамиша бирор уруш бошланиш хавфи таҳдид солиб туради. Агар уруш бошланиб кетса, одамлар ўзларини ҳимоя қилишга ёки ўзлари кимгадир ҳужум қилишга мажбур бўладилар. Бунинг устига Кали-юга одамларини ҳамиша қандайдир юкумли касалликлар ва иқтисодий инкирозлар таъқиб қилиб юради. Шунинг учун Парвардигор Кришна шундай қарорга келдики, муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб яшаш орқали руҳий юксалишга интилиб Кали-юганинг одамлари мукаммал озодликка эриша олмайдилар.

Шунда Ўзининг бесабаб марҳамати билан Шри Кришна Парвардигор Чайтанья Махапрабху киёфасида Ер сайёрасига ташриф буюрди ва одамларга руҳий камолотга эришишнинг, илоҳий лаззатга

тўла чексиз бахтга эришишнинг энг осон йўлини берди. Бу йўл шундан иборатки, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш орқали одам тўла мукамалликка эришади:

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре,  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Мана шу - энг самарали усул, чунки бизнинг қандай ҳолатда бўлишимизга қарамай - озодликка эришдикми, йўқми, атрофимиздаги шароит рухий ҳаёт кечиришга яроқлими, йўқми, -бу усулдан фойдаланиб, биз дарров покланамиз. Шунинг учун бу усул *навитрам*, “бенуқсон пок” деб аталади. Бунинг устига, Кришнани англаш усулига мурожаат қилган киши ўзининг аввалги ҳаётларида қилган барча гуноҳлари оқибатидан ҳам бутунлай халос бўлади. Худди олов унга ташланган ҳар қандай нарсани ёқиб кул қилиб юборгани сингари, Кришна онги билан яшаш усули ҳам бизнинг аввалги ҳаётларимизда қилган гуноҳ ишларимизнинг барча оқибатларини куйдириб юборади.

Ғофиллигимиз туфайли аввалги ҳаётларда қилган гуноҳларимиз оқибатидан ҳозир ҳаётда қийналиб юрганимизни билишимиз лозим. Фақат ҳеч нарсани билмайдиган ғофил одамларгина гуноҳ, жиноий ишлар қиладилар. Масалан, ҳеч нарсани билмайдиган бола ўйламасдан қўлини оловга тиқиб, куйиб қолиши мумкин, чунки олов ҳаммага баробар, у ҳатто ҳеч нарсани билмайдиган ёш болани ҳам аяб ўтирмайди. Олов ҳамиша олов. Худди шундай, биз ҳам ўзимиз яшаб турган моддий олам, моддий табиат қандай ҳаракат қилишини, унинг қандай тузилганини, уни ким бошқариб турганини билмаймиз, ғофиллигимиз сабабли ҳар хил гуноҳ ишлар қилиб кўямиз. Аммо табиат қонунлари бешафқат, у қилган гуноҳларимиз учун бизга албатта жазо бермай кўймайди. Лекин, ҳақиқий илмга эга бўлгандан кейин, биз ўзимиз аслида ким эканимизни, Худои Таоло ким эканини, У билан қандай муносабатда эканимизни билиб олишимиз мумкин.

Ҳаётда учрайдиган ҳар қандай мусибатлардан халос этувчи бу илмни фақат инсон танасидагина ўрганиб олиш мумкин, чунки ҳайвонлар бу илмни ўрганишга қодир эмаслар. Ҳар хил муқаддас китоблар инсонларга фақат шу мақсадда нозил қилинган. Улар ҳар хил тилларда ёзилган бўлиб, одамлар шу илмни эгаллаб, шунга асосан маданиятли яшаш имкониятига эга бўлишлари учун жаҳоннинг ҳамма бурчакларига тарқалган. Парвардигор Чайтанья Махапрабху айтадики, қадим замонлардан бери одамлар ўзларининг Худои Таоло билан ўзаро мангу муносабатларини эсидан чиқариб келадилар, шунинг учун Парвардигор Кришна уларга Ўзининг

вакилларини юбориб, одамларга ҳар хил муқаддас китоблар ёрдамида Худои Таоло ҳақида, У билан одамларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида илм берадилар. Биз шу муқаддас китоблардан, айниқса барча замонларнинг энг муҳим муқаддас китоби бўлган "Бхагавад Гита"дан фойдаланиб, ҳақиқий илмга эга бўлишимиз, шу илм асосида яшаб ҳозирги ҳаётимиздаёқ мукаммал бахтга эришишимиз лозим.

## 2. Самсара чегарасидан ташқаридаги илм

Парвардигор Кришна алоҳида таъкидлаб айтяптики, рухий юксалишнинг Кришна онги билан яшаш усули - *су-сукхам*, яъни жуда осон ва қувончли. Ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни жуда қизиқарли ва ёқимли: биз ҳар хил мусиқа асбоблари жўрлигида ёқимли куйларга солиб кўшиқ айтаемиз, шу кўшиқлар оҳангига маҳлиё бўлиб, бошқалар ҳам бизга жўр бўладилар (*шраванам киртанам*). Албатта бизларнинг ҳар бир кўшиғимиз ҳам, куйларимиз ҳам Худонинг Олий Шахси билан боғлиқ бўлиб, Уни шарафлайди. "Бхагавад Гита" таълимоти ҳақида маърузалар тинглаш ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бир қисми, шунинг учун бундай маърузаларни фақат тинглабгина қолмасдан, улардан ўрганган илм асосида яшашга ҳаракат қилиш керак. Кришна онги - амалий илм, шунинг учун уни кўр-кўрона қабул қилиш ярамайди. Муқаддас китобларда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури кўрсатилган: тинглаш, такрорлаш, эслаш, сажда қилиш, илтижо қилиш, хизмат қилиш, хизматкор сифатида Худонинг кўрсатмаларини бажариш, Худои Таоло билан дўстона муносабат

ўрнатиш, ўз ихтиёрини биратўла Худога топшириш. Бу усулларни амалда қўллаш жуда осон, шу боис уларни қувониб, ихлос билан бажариш керак.

Албатта, "Бхагавад Гита" ва Ҳаре Кришна мантриси индусларнинг динига мансуб нарсалар" деб, уларни қабул қилишни истамайдиган одамлар бошқа черковларга бориб, у ерда Худони шарафлаб куйлашлари мумкин. У ёки бу усул орасида ҳеч қандай тафовут йўқ: муҳими Худои Таолони англаш ва Уни тан олиш лозим. Худои Таоло индуc ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас, христиан ҳам эмас. У - Худои Таоло, ҳамма учун ягона Парвардигор. Одамларни ҳам масиҳий, мусулмон ва индусларга бўлишнинг мутлақо ҳожати йўқ, - буларнинг ҳаммаси шунчаки ўткинчи тана билан боғлиқ бўлган нарсалардир. Бизлар барчамиз - пок руҳлар, Худои Таолонинг ажралмас руҳий заррачаларимиз. Худои Таоло *навитрам*, яъни пок, Унинг заррачаси бўлганимиз учун бизлар ҳам аслида пок руҳлармиз. Аммо, қандайдир сабаблар билан бизлар ҳозир бу моддий оламга, мусибатлар уммонига тушиб қолганмиз, шу боис ҳар хил мусибатлар дастидан азоб чекиб яшайпмиз, чунки унинг тўлқинлари бизни ҳар тарафга олиб юрибди. Аслида моддий оламдаги мусибатлар уммонининг тошқин тўлқинлари билан бизнинг ҳеч қандай алоқамиз йўқ. Биз шунчаки Парвардигор

Кришнага илтижо қилишимиз лозим: "Кришна, илтимос, мени бу ердан олиб кет!" Биз Парвардигор Кришнани унутган заҳотиёк адашиш, алданиш уммони бизни ўз домига ютиб юборади. Ана шу уммон чангалидан қутулишнинг энг осон йўли - Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш:

*Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.*

Мана шу товушлар бирикмаси Парвардигор Кришнаниннг Ўзидан фарқ қилмайди. Кришна билан Унинг номи бир биридан фарқ қилмайди. Биз мантра куйларига жўр бўлиб рақсга тушганимизда Кришна ҳам биз билан бирга рақсга тушади. Албатта, бунга эътироз билдириш мумкин: "Мен Уни кўрмайман-ку!" Лекин, нимага сиз уни албатта кўришни истайсиз? Нимага Уни тинглашни истамайсиз? Кўриш ҳам, эшитиш ҳам, таъм билиш ҳам, ҳид билиш ҳам, тана орқали сезиш ҳам - ҳаммаси бизни ташқи олам билан боғлайдиган, биз илм ва тажриба оладиган сезги аъзолари ҳисобланади. Нимага энди фақат кўз билан кўришни бошқа сезгилардан устун қўйиш керак? Худонинг содиғи Кришнани кўришга интилмайди, у Кришна ҳақида тинглашнинг ўзи билан тўла қаноатланади. Албатта, вақти

келиб Кришнани якқол кўриш қобилиятига ҳам эга бўлиш мумкин, лекин Кришна ҳақида тинглашни нимаси биландир кўришдан паст туради деб ўйламаслик керак. Ҳаётда биз фақат эшитадиган, аммо кўрмайдиган, шунда ҳам тўла қаноат ҳосил қиладиган нарсалар жуда кўп. Масалан, биз шамолнинг увиллашини фақат эшитамиз, уни кўра олмаймиз. Шундай экан, тинглаш ҳам кўришдан кам бўлмаган аҳамиятга эга сезиш аъзоси ҳисобланади. Шунинг учун Кришнанинг номини эшитиб, Унинг шу товушларда мужассам эканини ҳис қилиш мумкин. Парвардигор Кришнанинг Ўзи бизга шундай дейди: “Мен Ўзимнинг руҳий оламдаги даргоҳимда эмасман; Мен муроқабага берилиб ўтирган йогнинг қалбида ҳам эмасман. Мен - содикларим Мени шарафлаб куйлаётган жойдаман!” Руҳий юксалишда сезиларли натижага эришгандан кейин биз Ҳаре Кришна мантрасини куйлаётганда ҳақиқатан ҳам Кришна шу ерда иштирок этаётганини ҳис қиладиган бўламиз.

Лекин, бунинг учун биз Кришнадан ҳамиша бирор нарса сўраб олаверишимиз, Унга ҳеч қачон бирор нарса таклиф қилмай юравермаслигимиз керак. Одатда одамлар Худои Таолодан фақат нимадир сўраш, нимадир олишга интиладилар. Нимага ҳеч ким Унга бирор нарса бергиси келмайди? Биз Кришнадан шунча ёруғлик, ҳаво, сув, озиқ-овқат оламиз. У бизга шу нарсаларни бериб қўймаганида биз умуман яшай олмаган бўлардик. Наҳотки Худои Таолога бўлган муҳаббат шундай бўлса - фақат “Бер, бер, бер!” Худои Таолодан шунча нарса олсагу, ўрнига бирор нарса беришга ярамасак. Севиш - севганингга бирор нарса совға қилиш, унинг берган нарсасини қабул қилиш демақдир. Лекин биз фақат олишни истасагу, ҳеч нарса беришни истамасак, бу ҳеч қандай муҳаббат эмас, бу шунчаки - зулм, зўравонлик, Худои Таолонинг бизга бўлган муҳаббатини суистеъмол қилиш бўлади. Қандай қилиб ҳамиша Кришнанинг бераётган нарсаларини еб-ичиб, фойдаланиб юриш, лекин ҳеч қачон Унга бирор нарса таклиф қилмаслик мумкин? Парвардигор Кришна "Бхагавад Гита"да шундай дейди:(9.26-27)

*патрам пуштам пхалам тойам йо ме бхактия прайаччхати  
тад ахам бхакти-упахритам ашнами прайататманах  
йат кароши йад ашнаси йадже джухоши дадаси йат  
йат тапасйаси каунтейа тат курушва мад-арпанам*

“Агар одам Менга муҳаббат ва садоқат билан барг, гул, мева ёки бироз сув тақдим этса, Мен унинг эҳсонини қабул қиламан. Эй Кунтининг ўғли, нима иш қилсанг ҳам, нима есанг ҳам, нимани қурбон қилсанг ҳам, бировга нимадир берсанг ҳам, қандай риёзат

чексанг ҳам - ҳаммасини Менга бағишлаб қил”.

Худога садоқат билан хизмат қилишда фақат Унга бирор нарса тақдим қилиш ва Ундан бирор нарса қабул қилибгина қолмасдан, содиқ Кришнага ўзининг ҳамма дардларини, шахсий муаммоларини, ички сирларини ҳам изҳор этиши керак. Кришнага шундай мурожаат қилиш мумкин: “Кришна, мен жуда қийналиб кетдим. Мен бу моддий оламда алданиш, ғофиллик ботқоғига жуда чуқур ботиб кетдим. Илтимос, мени бу ердан қутқариб ол. Мен бу ерда бутунлай бегона эканимни энди англаб етдим. Бу ерга қандай тушиб қолганимни ҳам билмайман, лекин худди чексиз океан ўртасида ёлғиз ўзим қолгандайман. Гарчи менинг бу дунёга ҳеч қандай алоқам бўлмаса ҳам, моддий оламнинг мусибат тўлқинлари мени ҳар тарафга улоқтириб, чексиз азоб беряпти. Ахир мен Сенинг бир заррачангман-ку, мени қутқариб ол, Кришна!” Бахтга қарши, ҳаётда биз одатда ўзимизни моддий олам билан қаттиқроқ боғлайдиган бирор нарса излаймиз, унинг ҳаётнинг оғриқли тўлқинларини пасайтиришга ҳаракат қиламиз. Лекин, бунга ҳатто уриниб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ, чунки океанни тинчлантиришнинг ҳеч қандай иложи йўқ, у ҳамиша тошиб, тўлқинланиб туради. Моддий табиат қонунлари ҳам шундай. Шунинг учун фақат ғофил, нодон одамларгина бу дунёдаги ҳаёт шароитларига мослашишга, ўзларига ҳар хил қулайликлар яратишга уринадилар, фаросатли одам ундан тезроқ, биратўла қутулиб кетиш йўлини ахтариши керак. Бу дунёдаги ҳаётга мослашиб олишдан умидвор бўлиб, ҳеч қачон Кришнага мурожаат қилмайдиган одамлар ҳамиша кетма-кет бир танадан иккинчи танага ўтиб, туғилиб-ўлишлар уммонида қолиб кетаверадилар.

*ашраддадханаҳ пуруша дхармасйасйа парантапа*

*апраййа мам нивартанте мритйу-самсара-вартмани*

“Эй рақибларни мағлуб қилувчи зот, Худога садоқат билан хизмат қилишга ишонмайдиган иймонсиз одамлар Менга эриша олмайдилар. Шунинг учун улар бу моддий оламда такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга мажбур бўладилар”.

Дин деганда одатда бизни Худои Таоло билан боғлайдиган жараён тушунилади. Қайси бир дин бизни Худои Таоло билан боғлай олмаса, демак у ҳақиқий дин эмас. Дин деганда Худои Таолони излашни, Уни англаб етиш, таниш, У билан қандайдир ўзаро муносабат ўрнатишни тушуниш керак. Мана шу ҳақиқий дин бўлади. Кришнага садоқат билан хизмат қилар экан, одам Худо учун ҳаракат қилади, ўзининг шу хизмати орқали Худо билан боғланади: демак, Кришна онги билан яшаш, Кришнани англаш жараёни - ҳақиқий дин

ҳисобланади.

Ҳеч ким янги дин ўйлаб чиқаришга қодир эмас. Ҳақиқий дин қонун-қоидалари ҳақиқий манбадан чиққан бўлиши керак, ҳақиқий манба эса, фақат Худои Таолонинг Ўзи ёки Унинг ҳақиқий вакили бўла олади. Ҳақиқий дин - Худои Таолонинг яратган қонун-қоидаларидир. Оддий фуқаро давлат қонунларини ўзича ўйлаб чиқара олмайди. Қонунлар мавжуд, уларни ҳукумат белгилаб, чиқариб қўйган. Кимдир жамиятдаги айрим одамларгагина таъсир қиладиган қонунлар ишлаб чиқиши мумкин, лекин улар албатта давлат қонунларига мос бўлиши, уларнинг доирасидан чиқмаслиги, уларга зид келмаслиги керак. Худди шундай агар биз қандайдир дин қонунларини яратмоқчи бўлсак, албатта асосий муқаддас китобларга, Ведаларга асосланишимиз лозим.

Бошқа муқаддас китоблардан ташқари биз Худои Таолонинг қонунларини "Бхагавад Гита"дан ҳам билиб олишимиз мумкин. Рамануджачарйа, Мадхавачарйа, Вишну Свами, Парвардигор Чайтанйа, Шанкарачарйа ва бошқа кўплаган буюк донишмандлар "Бхагавад Гита"да энг олий диний қонунлар мужассам, Кришна эса - Худонинг Олий Шаҳси эканини тан олганлар. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Ҳатто ғарбий давлатларда ҳам "Бхагавад Гита"ни буюк фалсафий асар сифатида тан оладилар, жуда кўп буюк олим ва файласуфлар уни ўрганиб, изоҳ ёзганлар. Аммо, шунча буюк донишмандлар ва руҳий устозлар "Бхагавад Гита"ни тан олиб, уни юксак баҳоласалар ҳам, баъзи бир иймонсиз ғофил одамлар барибир уни тан олгилари келмайди. Улар бу асарда Кришна деган бир одамнинг ўйлаб чиқарган гаплари ёзилган, деб уни инкор этадилар. Шундай қилиб, юқоридаги шеърда Кришнанинг Ўзи таъкидлаганидай, "Бхагавад Гита"нинг таълимотига ишонмайдиган одамлар У билан ҳеч қандай муносабат ўрната олмайдилар, шунинг учун улар туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан кутула олмайдилар: *апрапйа мам нивартанте мритйу-самсара-вартмани. Самсара,* туғилиб-ўлишлар чархпалагига тушиб қолган одамга кейинги ҳаётида ҳам худди ҳозиргидай "Бхагавад Гита" таълимотини ўрганиш имконияти берилади, деб ҳеч ким кафолот бера олмайди. Ҳеч ким кейинги ҳаётимда яна албатта Америкада, Ҳиндистонда ёки умуман шу сайёрада, айнан инсон танасида туғиламан деб ўйламаслиги керак. Ҳеч ким бунга кафолот бера олмайди, ҳамма нарса бизнинг ҳозир кўрсатаётган фаолиятимизга боғлиқ. Туғилиб-ўлишлар чархпалагида бетиним айланар эканмиз, биз туғиламиз, ҳар хил азоб-уқубатлар ва лаззатларни бошимиздан кечириб биров вақт яшаймиз, кейин



танамизни тарк этамиз, кейин эса, шу ишларни яна бошидан бошлаш учун бошқа бирор она қорнига кирамиз ва хоказо. Мана шу *мритйу-самсара-вартмани* деб аталади. Мана шу бетиним чархпалакдан кутулиб кетишни истаган одам Кришнани англаш йўлига кириши лозим.

Махараж Юдхистхирадан “Жаҳонда энг ажабланарли нарса нима? - деб сўраганларида у: - ”Жаҳонда энг ҳайратланарли нарса шуки, гарчи ҳар куни, ҳар дақиқада кимдир ҳалок бўлаётганини кўриб турса ҳам, одам барибир мен ўлмайман деб ўйлайди”. Биз ҳамиша гувоҳ бўлиб юрибмизки, барча тирик мавжудотлар: одамлар, ҳайвонлар, қушлар - ҳар куни ажал уммониға ғарқ бўляптилар, шунинг учун бу олам *мритйу-лока*, яъни “ажал даргоҳи” деб аталади. Ҳар куни газеталарда ҳар хил некрологларни, таъзия билдириб ёзилган мақолаларни кўриш мумкин, агар бирор қабристонга борсангиз, ўзингиз бунга амин бўласиз: таъзиялар сизни алдамайди, ҳар куни албатта бир неча одам қабрга қўйилади. Шунга қарамай ҳар биримиз қатъий ишонч билан ўйлашда давом этаверамиз: “Сизни билмадим-у, мен ҳали ўлмайман!” Барча тирик мавжудотлар ажал қонуниға бўйсунишға мажбур, лекин ҳеч ким бу қонунни писанд қилгиси, унга жиддий эътибор бергиси келмайди. Мана шу алданиш ҳисобланади. Биз мангу яшаймиз деб ўйлаймиз ва кўнглимизға келган ишларни қилишда давом этаверамиз, ҳеч қачон, қилаётган ҳар бир ҳаракатимиз

учун албатта жавоб беришға мажбур эканимизни ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ғофиллик ботқоғиға чуқур ботган ҳолда шундай яшаш жуда хавфли. Фаросатли одам ўзининг ҳаётиға жиддий эътибор бериши, ажал, ҳалокат ҳамиша бизни кутиб турганини тушуниши керак. “Худди ажалдай ҳақ гап!” - деган гап бор. Бу шундан далолат берадики, моддий оламда ажал, ўлим муқаррар ва ундан ҳеч ким қочиб кутула олмайди. На фалсафий фикрлашлар, на илмий унвонлар одамни ажалнинг бешафқат чангалидан қутқариб қололмайди. Ажал етиб келганда ҳатто соғлом ва кучли танамиз билан ҳам, у билан бирға ҳеч нарсани тан олмайдиган моддий тафаккуримиз билан ҳам биратўла хайрлашишға мажбурмиз. Шу тариқа кичкина руҳий зарра, *живатма*, моддий табиат кўлида тутқун бўлиб қолади, *пракрити*, моддий табиат эса, кейинги ҳаётида унинг ўзига муносиб бўлган танани беради. Агар одам ўзининг кейинги ҳаётини ана шундай хавф-хатарға қўйишни истаса, у Кришнадан юз ўгириб юравериши мумкин, аммо, ҳаётини хавф-хатарға қўйишни истамайдиган, шу сабабли Кришнаға самимий мурожаат қилган одамға Кришнанинг

Ўзи албатта ёрдамга келади.

### **3. Кришнанинг қувватлари хақида илм**

Шуни айтиш керакки, "Бхагавад Гита"нинг тўққизинчи бобидаги илм биринчи навбатда Шри Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олган одамлар учун мўлжалланган. Бошқача қилиб айтганда бу илм фақат Кришнанинг содиқлари учун мўлжалланган. Кришнани Олий Шахс деб ҳисобламайдиган одам бу илмнинг асосий мазмунини тушуна олмайди. Китобнинг бошида таъкидлаб ўтилганидай, тўққизинчи бобда муҳокама қилинадиган илм - "Бхагавад Гита" таълимотининг энг махфий, сирли қисми ҳисобланади. Лекин, агар одам Кришнанинг Худонинг Олий Шахси эканини тан олмаса, бу бобда ёзилганларнинг ҳаммаси муболаға, бўрттирилган деб ўйлайди. Айниқса Кришна Ўзи яратиб қўйган борлиқ, коинот билан қандай боғланган экани ҳақидаги гаплар шундай туюлади.

*майа татам идам сарвам жагад авйакта-муртина  
мат-стхани сарва-бхутани на чахам тешв авастхитах*

“Мен Ўзимнинг намоён бўлмаган қиёфамда бутун борлиққа сингиб кетганман. Барча мавжудотлар Менда мужассам, лекин Мен улардан ташқаридаман”(БГ.9.4).

Бизни ўраб турган олам Кришнанинг қувватларидан биридир. Худди бирор ишни қилганда бизлар: “Буни мен қилганман” дегандай, Кришна бу ерда *майа*, яъни “Мен қилдим!”- деяпти. *Майа* дегани Худои Таоло бир ишни қила туриб, Ўзи бутунлай йўқолиб кетади ёки ҳар қандай фаолиятни тарк этади, дегани эмас. Агар мен катта фабрика қурсам ва “мана шу фабрикани мен қурдим!” - десам, шу билан мени биратўла йўқолиб кетади деб ўйламаслик керак. Гарчи корхонанинг эгаси ўзининг маҳсулоти ҳақида “Буларни мен ишлаб чиқарганман” деб айтса ҳам, маҳсулотни албатта унинг шахсан ўзи ишлаб чиқарган деб ўйламаслик керак, - маҳсулот унинг қудрати ёрдамида ишлаб чиқилган бўлади. Худди шундай, Кришна: “Сен кўриб турган нарсаларнинг ҳаммасини Мен яратганман!” - деганида, энди Кришнанинг Ўзи бутунлай йўқолиб кетди, деб тушунмаслик керак.

Худои Таоло ҳамма жойда мавжуд бўлгани туфайли, Уни мавжуд борлиқнинг ҳамма ерида кўриш унчалик қийин эмас. Худди Форднинг фабрикасидаги ишчилар фабриканинг ҳамма жойида, ҳар қадамда жаноб Фордни сезиб юрганлари сингари, Кришна ҳақидаги илмга эга бўлган одам ҳам Кришнани борлиқнинг ҳар бир бурчагида, ҳар бир атомида сезиб юради. Ҳамма нарса Кришнада жойлашган(*мат-стхани сарва-бхутани*), аммо уларнинг ичида Кришнанинг шахсан Ўзи мавжуд эмас(*на чахам тешв авастхитах*). Кришна ва Унинг қуввати бир биридан фарқ қилмайди, лекин, Кришнанинг қуввати Кришна эмас. Қуёш ва қуёш нури бир нарса, лекин қуёш нури қуёшнинг ўзи эмас. Ойнадан хонага қуёш нури тушиб туради, лекин, қуёшнинг ўзи хонага тушибди деб ўйламаслик керак. “Вишну-пурана”да шундай дейилган: *парасйа брахманах шактих*. *Парасйа* ибораси “олий” деганни, *шактих* ибораси эса, “қувват” деганни билдиради. Ҳамма нарса Кришнанинг қувватидан иборат, лекин бу қувватнинг ичида Кришнанинг Ўзи йўқ.

Қувватнинг икки тури бор - моддий қувват ва руҳий қувват. *Живалар*, яъни алоҳида тирик мавжудотлар Кришнанинг олий қувватига мансуб зотлар ҳисобланади, лекин, улар моддий қувват таъсирига берилишга мойил бўлгани сабабли улар “оралиқ қувват” деб аталади. Аслида Кришнанинг фақат икки тур қуввати бор - руҳий

ва моддий. Барча сайёралар тизими ва коинотлар Кришнанинг мана шу кувватларида жойлашган. Қуёш тизимидаги сайёраларнинг барчаси қуёш нурларида жойлашгани сингари, бутун борлиқдаги мавжуд ҳамма нарсалар Кришнанинг нурларида жойлашган. Кришнанинг содиғини Унинг барча кувватлари кувонтиради, аммо, Худои Таолога ҳасад қиладиган одамлар шу кувватларнинг мавжудлигини инкор этадилар. Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган ишончсиз, иймонсиз одамга Кришнанинг айтаётган гапларининг ҳаммаси бемаъни манманлик бўлиб туюлади, Кришнанинг содиғи эса: “Худои Таоло, мен севган Парвардигор қанчалик қудратли!” - деб ўйлайди ва қалби Унга нисбатан яна ҳам кучлироқ муҳаббат туйғусига тўлади. Иймонсиз одам “агар Кришна “Мен - Худоман!” деб айтса, демак ҳамма, ҳар бир одам ҳам “мен Худоман!” деб айтиши мумкин деб ўйлайди. Аммо, ундан ўзининг Худо эканини исботлаш учун Худонинг фазовий қиёфасини намоён этишни илтимос қилсангиз, бу иш унинг қўлидан келмайди. Худои Таоло ва ўзини Худо деб атайдиган, Худога тақлид қиладиган иккиюзламачи махмадоналар орасидаги фарқ ана шундан иборат. Кришнанинг эрмакларига тақлид қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Кришнанинг 16.000 дан зиёд хотини бор эди, Кришна уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳашаматли сарой совға қилди, лекин оддий одам ҳатто ўзининг битта хотинини ҳам ҳаёт учун барча зарур нарсалар билан таъминлай олмайди. Шундай қилиб, Кришна Ўзи ҳақида ҳар хил ҳайратли гапларни айтибгина қолмасдан, жуда кўп ғайритабиий мўъжизавий қароматлар ҳам кўрсатган эди. Агар биз содиқларнинг Кришна ҳақида айтган гапларининг ёки Кришнанинг Ўзи айтган гапларнинг бир қисмига ишонсак, бир қисмига ишонмасак - бу ҳақиқий ишонч бўлмайди. Тўла бутун бир Зотнинг бир жойига ишониб, бошқа жойини инкор этиш мумкин эмас. Бу тўғрида Нарада муни ҳақидаги бир воқеани келтириш мумкин. Кунларнинг бирида бир брахман унга мурожаат қилиб шундай дебди:

- О, сен Худои Таолони кўргани кетяпсанми? Илтимос, Ундан сўраб кўр-чи, мен қачон озодликка чиқар эканман?

- Хўп, сўрайман, - деб ваъда берибди Нарада муни.

Йўлда бораётиб, Нарада муни бир этикдўзни ҳам учратибди, у дарахт тагида этик ямаб ўтирарди. Этикдўз ҳам унга худди шундай илтимос билан мурожаат қилибди:

- О, сен Худонинг олдида кетяпсанми? Сўраб кўр-чи, мен қачон озодликка чиқар эканман?

Худои Таоло, Нарайана яшайдиган сайёрага, Вайкунтхага етиб

боргандан кейин Нарада муни этикдўз ва брахманнинг илтимосини бажариб, Худои Таолога уларнинг саволларини берди.

Худои Таоло Нарайана Нарада мунига шундай деди:

- Этикдўз ҳозирги танасини тарк этган заҳоти Менинг даргоҳимга келади.

- Брахман-чи? - сўради Нарада муни.

- У ҳали моддий оламда жуда кўп умрлар давомида қолиши керак. Қачон у Менинг даргоҳимга келиши номаълум.

Нарада муни бу жавобни эшитиб ҳайратга тушди. Ҳайрон бўлиб, у бунинг сабабини сўради:

- Мен бунинг сабабини сира тушуна олмаяман?

- Қайтиб бориб, уларга Менинг жавобимни етказган пайтингда хаммасини ўзинг тушуниб етасан. Улар сендан Мен Ўз даргоҳимда нима иш қилиб ўтирганимни сўрайдилар, сен уларга “Парвардигор Нарайана игнанинг тешигидан филларни ўтказиб, эрмак қилиб ўтирган экан” - деб жавоб бер.

Ерга қайтиб келганидан кейин Нарада муни яна ўша брахман билан учрашди.

- О, сен Худои Таоло билан учрашиб келдингми? У нима қилиб ўтирган экан?

- Худои Таоло игнанинг тешигидан филларни ўтказиб, эрмак қилиб ўтирган экан - деб жавоб берибди Нарада муни.

- Ҳеч қачон бунақа бемаъни гапларга ишонмайман! - деб хитоб қилибди брахман, Нарада муни бу брахман фақат китоб ўқишнигина билишини, лекин унда Худои Таолога бўлган иймон, ишонч йўқ эканини тушунди.

Унинг олдидан Нарада муни этикдўзнинг олдига борди, этикдўз ҳам унга шу саволни берди:

- Сен Худои Таоло билан учрашиб келдингми? Айтчи, У нима қилаётган экан?

- Худои Таоло игнанинг тешигидан филларни ўтказиб ўтирган экан - деб жавоб берди Нарада муни.

Бу гапларни эшитиб, этикдўз илоҳий жазавага тушиб, йиғлаб юборибди: - Эй Худойим, Сен қанчалик ғаройибсан-а! Худои Таоло Ўзи хоҳлаган ҳар қандай ишни эрмак қилишга қодир!

- Наҳотки сен ҳақиқатан ҳам Худои Таоло игнанинг тешигидан филларни ўтказа олишига ишонсанг? - ҳайрон бўлибди Нарада муни.

- Нимага ўтказа олмас экан? - дебди этикдўз. - албатта ишонаман.

- Қандай қилиб игнанинг тешигидан фил ўтиши мумкин? - дебди

Нарада муни.

- Менга қара, - дебди этикдўз, - мен мана шу банйан дарахтининг тагида ўтираман. Ҳар куни унинг тепасидан ичи уруғга тўла мевалар тушади. Ҳар бир уруғда худди мана шундай катта банйан дарахти жойлашган. Наҳотки мана шу кичкина уруғ ичига шунча катта банйан дарахтини жойлай олган Парвардигор учун игнанинг тешигидан филни ўтказиш қийин иш бўлса, наҳотки У Ўзининг қуввати билан самода сузиб юрган сайёралар тизимини ушлаб турганига фаросатли одамда бирор шубҳа туғилса?

Гарчи олимлар осмондаги сайёралар табиатнинг кучи билан ўз орбитасида айланиб юради деб ўйласалар ҳам, ана шу табиатни Худои Таоло бошқариб туради, табиат Унинг амри билан, Унинг назорати остида ҳаракат қилади. Шри Кришна шундай дейди:

*майадхйакшена пракритих суйате са-чараچارам  
хетунанена каунтейа жагад випаривартате*

“Моддий табиат Менинг назоратим остида ҳаракат қилиб, барча кўзғалувчан ва кўзғалмас мавжудотларни дунёга келтиради, эй Кунтининг ўғли. Унинг фаолияти натижасида моддий коинот такрор ва такрор яратилади ва яқсон қилинади”(БГ.9.10).

*Майадхйакшена* ибораси “Менинг назоратим остида” деган маънони англатади. Агар Худонинг амри уни бошқариб турмаса, моддий табиат бундай хайратли фаолият кўрсата олмаган бўларди. Биз ҳеч қачон моддий нарсаларнинг ўзидан ўзи ҳаракат қилганини кўрган эмасмиз. Токи моддий нарса руҳий қувват билан бирикмас экан, у ўлик, жонсиз бўлиб қолаверади. Модда ўз ўзидан, мустақил ҳолда ҳаракат қила олмайди. Жуда ажойиб машиналарни яратиш мумкин, лекин токи унга инсон қўли тегмагунча улар ўзлари ишга тушмайди. Инсон ким ўзи? Инсон - руҳий қувватнинг бир зарраси. Руҳий қувват бўлмаса ҳеч нарса ўзидан ўзи ҳаракатга келолмайди.

Шундай қилиб, ҳамма нарса Кришнанинг шахсиятсиз қувватида жойлашган. Гарчи Унинг қуввати шахсиятсиз бўлса ҳам, Унинг Ўзи ҳамиша шахс бўлиб қолаверади. Биз ўзининг кудрати билан ҳар хил мўъжизалар яратадиган, мўъжиза кўрсатадиган одамлар ҳақида кўп эшитганмиз. Улар ўзининг қувватини ҳар хил нарсаларга сарфласалар ҳам барибир ўзлари ҳамиша шахс бўлиб қолаверадилар. Наҳотки, ҳатто одам ҳам қувватини ҳар хил ишларга сарфлаётганига қарамай ўзи ҳамиша шахс бўлиб қололса-ю, Худои Таоло бунга кодир бўлмаса? Кришна ҳам, бизлар ҳам алоҳида шахслармиз, аммо у Олий Шахс, бизлар барчамиз эса Унга боғлиқ, Унга қарам бўлган шахслармиз.

Катта сайёрани елкасида зўрға кўтариб турган пахловон Атласнинг расмини биз жуда кўп учратганмиз. Кришна ҳам коинотнинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун қаттиқ кийналаётган бўлса керак, деб ўйлаш мумкин, лекин ундай эмас.

*на ча мат-стхани бхутани пашйа ме йогам ашварам  
бхута-бхрин на ча бхута-стхо маматма бхута-бхаванаҳ*

“Айни пайтда мавжуд бутун борлиқ Менда эмас. Менинг сеҳрли мўъжизамни кўр! Гарчи Мен барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб турган ва Ўзим ҳамма жойда мавжуд бўлсам ҳам, Мен Ўзим моддий оламнинг бир бўлаги эмасман, унинг таркибига кирмайман, чунки Мен - бу яралган оламнинг бошланғич манбаиман”.(Бг.95).

Гарчи оламдаги барча тирик мавжудотлар Кришнанинг қувватида жойлашган бўлса ҳам, улар Парвардигорнинг Ўзининг ичида жойлашган эмас. Кришна барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб туради, Унинг қуввати ҳамма ерга сингиб кетган, лекин Унинг Ўзи жуда узокда жойлашган. Кришнанинг англаб бўлмас сеҳрли қудрати шундай. У ҳамма жойда мавжуд, айни пайтда ҳамма нарсадан ташқарида. Биз Унинг қувватини ҳис қилишимиз мумкин, лекин Кришнанинг Ўзини яққол кўришга кодир эмасмиз, чунки Уни моддий сезги аъзолари ёрдамида сезиб бўлмайди. Аммо, ўзимизда рухий сифатларни ривожлантира бориб, сезгиларимизни шунчалик поклай олишимиз мумкин-ки, ҳатто Унинг моддий қувватида ҳам Кришнанинг Ўзини кўришга кодир бўламиз. Масалан, электр токини олайлик: у ҳамма ерда бор, уни тушунадиган одам ҳамма ерда ундан ҳар хил мақсадларда фойдалана олади. Худди шундай, Худои Таолонинг қувватлари ҳамма ерга сингиб кетган, илохий даражага кўтарилган одам ҳам, ҳамма нарсада Худои Таолонинг Ўзини яққол кўра олиши мумкин. Бизнинг моддий сезгиларимизни, ҳиссиётимизни эса, фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнигина поклаб, рухий даражага кўтара олади.

Парвардигор бутун борлиққа сингиб кетган, У ҳамма жойда - ерда, осмонда, сувда, ҳавода мавжуд. Худои Таолонинг қиёфаси қандай унсурдан таёрланган бўлмасин - лойданми, тошданми, ёғочданми ёки бошқа нарсаданми - уни оддий кўғирчоқ деб ўйламаслик керак. Унинг қиёфаси ҳам Худо билан бир. Агар бизнинг Худои Таолога бўлган иймонимиз, ишончимиз, садоқатимиз етарли даражада бўлса ана шу қиёфа ҳам мурожаатимизга жавоб бериб, биз билан суҳбатлаша бошлайди. Худои Таоло Ўзининг шахссиз кўринишида ҳамма жойда мавжуд(*майа татам идам сарвам*), аммо,

қандайдир бир моддадан Худонинг Олий Шахсининг қиёфасини ясаасак ёки хаёлимизда Худонинг қиёфасини кўз олдимизга келтирсак, У биз билан шахс сифатида суҳбатлаша бошлайди.

Муқаддас китобларда Худои Таолонинг қиёфаларининг саккиз тури келтирилган, уларнинг ҳар бирига сиғиниш мумкин, чунки Худои Таоло ҳамма ерда мавжуд. “Нимага Худои Таолонинг азалий, бошланғич илоҳий қиёфасига сиғинмасдан, Унинг моддий нарсалардан қилинган қиёфасига сиғиниш керак?” - деб бунга эътироз билдириш мумкин. Бунга жавоб шундан иборатки, биз ҳозирги ҳолатимизда, ўзимизнинг моддий сезгиларимиз ёрдамида Худои Таолонинг руҳий қиёфасини кўра олмаимиз. Бизнинг кўзларимиз ҳозир фақат моддий нарсаларни - тошни, ёғочни, лойни кўришгагина қодир. Шунинг учун Кришна бизга Ўзини *арча-виграха* қиёфасида намоён этади, чунки ҳозирча биз Уни фақат шундай қиёфадагина кўра оламиз. Агар биз бутун диққат-эътиборимизни ана шу қиёфада мужассам қилиб, Унга ниманидир муҳаббат билан таклиф қилсак, Кришна ана шу қиёфа орқали бизга жавоб беради.

Бундай сиғиниш ҳақиқатан ҳам тўғри эканига инсоният тарихида жуда кўп мисоллар бор. Ҳиндистонда ҳозир ҳам Сакша-Гопал эҳроми бор. Кришнани одатда Гопал деб ҳам атайдилар. Шу эҳромдаги Гопалнинг *мурти*(тошдан қилинган қиёфа)си аввал Вриндавандаги эҳромлардан бирида турган эди. Бир куни Вриндаванга зиёрат қилиб, икки браҳман - биттаси кекса, биттаси ёш йигит ана шу эҳромга келибдилар. Улар узоқ йўл юриб келган, ўша пайтларда ҳали темир йўл ёки бошқа транспорт воситалари бўлмагани сабабли, улар йўлда жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган эдилар. Кекса браҳман йўл бўйи ўзига берган ёрдамлари, қилган хизматлари учун ёнидаги ёш йигитдан жуда миннатдор бўлибди. Шу боис, ниҳоят Вриндаванга етиб келганларида, кекса браҳман чуқур миннатдорлик билдириб ёш браҳманга шундай дейди:

- Ўғлим, сен йўл бўйи менга шунча ёрдам бердинг, мен сендан жуда қарздор бўлиб қолдим. Сенга нимадир совға қилишни истайман.

- Эй ҳукмдор, сиз менинг отам тенги одамсиз, шу боис сизга хизмат қилиш менинг бурчимдир. Менга ҳеч қандай совғанинг кераги йўқ.

- Йўқ, мен сендан қарздор бўлдим, бирор нарса билан сени мамнун қилиб қарзимдан қутулиш менинг бурчим, - деб туриб олди қария. Шундай деб, у ёш йигитга қизини хотинликка беришга ваъда берди.

Қария жуда бадавлат эди, ёш йигит эса, билимдон браҳман бўлса



хам, жуда қашшоқ эди. Шунинг учун у кекса брахманга шундай деди:

- Менга ундай ваъдаларингиз керак эмас, чунки сизнинг оилангиздагилар бунга рози бўлмайдилар. Мен бир қашшоқ одамман, сизлар эса жуда бадавлат одамларсиз, шу боис қизингизга уйланишим ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Илоҳлар олдида ундай катта ваъдалар бериш яхши эмас.

Бу суҳбат Вриндавандаги Гопал-Кришна муртиси олдида бўлиб ўтган эди ва ёш брахман Илоҳни ҳақорат қилиб кўйишдан кўрқарди. Йигитнинг гапларига қарамай, кекса брахман унга қизимни бераман деб туриб олди. Вриндаванда анча туриб, улар ўз ватанига қайтдилар. Кекса брахманнинг катта ўғли синглиси қашшоқ брахманга турмушга чиқиши лозимлигини эшитиб, қаттиқ хафа бўлди.

- Ота, қандай қилиб сен синглимга ана шу қашшоқ брахманни куёвликка танлагансан. Мен бунга умуман қаршиман. Тўй ҳеч қачон бўлмайди!

Чолнинг хотини ҳам тўйга қаршилик қила бошлади:

- Агар сен ростданам қизимни ўша қашшоқ брахманга берадиган бўлсанг, мен ўзимни ўлдираман!

Уларнинг гапларини эшитиб, кекса брахман жуда кўрқиб кетди. Орадан бироз вақт ўтгандан кейин ёш брахман ҳам хавотирга туша бошлади: “Бу кекса брахман Илоҳнинг олдида менга қизини беришга ваъда берди, лекин ўз ваъдасининг устидан чиқишга шошилмаяпти?” У кекса брахманнинг ваъдасини эслатиб кўйиш учун чолнинг олдига йўл олибди.

- Сиз Гопал-Кришнанинг олдида менга қизингизни беришга ваъда берган эдингиз, - дебди ёш йигит, - Нимага ваъдангизни бажаришни пайсалга соляпсиз?

Чол ҳеч нарса деб жавоб бермади, чунки қизининг тўйи оиласига шунча ташвишлар келтиришини истамас эди. Нима қиларини билмай, у Кришнага илтижо қила бошлади. Шу пайт унинг катта ўғли келиб қолди ва ёш брахманни айблай бошлади:

- Сен зиёратгоҳда менинг отамнинг нарсаларини ўғирлаб олгансан! Унга қандайдир бир ичимлик ичириб, маст қилиб, ҳамма пулларини ўғирлаб олибсан. Бунинг устига энди келиб, “менга қизингни хотинликка беришга ваъда бергансан!” ёлғон гапириб, сохта даъво қияпсан!

Бу шовқинга қўшнилар ҳам тўпланибди. Ёш йигит, кекса брахман ростдан ҳам ваъда берганини, лекин оиласидагилар бунга қаршилик қилаётганини англаб етибди. Шовқинга жуда кўп одам тўпланган эди, шунинг учун ёш йигит тўпланганларга кекса чол

Гопал-Кришна Илоҳининг олдида унга ваъда берганини, энди эса, ваъдасининг устидан чиқишга унинг оила аъзолари қаршилик қилаётганини тушунтириб берибди.

Бирдан чолнинг катта ўғли унинг гапини бўлибди:

- Сен бизларнинг суҳбатимизга Гопал-Кришна гувоҳ бўлган эди, деб айтяпсан. Бор, ўша Илоҳнинг Ўзи келиб, отамнинг гапларини тасдиқласин! Фақат шундагина сен менинг синглимга уйлана оласан.

- Хўп, - дебди ёш брахман. Мен Кришнадан ҳақиқатан ҳам гувоҳ бўлганини тасдиқлашини илтимос қиламан!

У Кришна албатта келишига аниқ ишонарди. Ҳамма бу қарорга рози бўлдилар, Гопал-Кришна Вриндавандан келиб, чолнинг гапларини тасдиқлагандан кейин қизни йигитга унаштирадиган бўлдилар.

Ёш брахман яна Вриндаванга қайтиб келиб, Гопал-Кришнага ёлвориб илтижо қила бошлабди:

- Эй Худойим, мен билан юр!

Ёш йигит Худои Таолога шу қадар чуқур иймон билан ишонар эдики, У билан худди ўзининг дўстидай гапиришарди. У Гопал шунчаки жонсиз тош эмаслигини, У Худои Таолонинг Ўзидан фарқ қилмаслигини билар, шу боис Унда Худои Таолонинг Ўзини кўрар эди.

Бирданига Илоҳ тилга кириб гапира бошлади:

- Наҳотки сен Мени ўзинг билан бирга бора олади деб ўйласанг? Мен ахир тошдан қилинганман, юра олмайман-ку!

- Гапиришга қодир бўлган Илоҳ юришни ҳам билади! - деб жавоб берибди брахман.

- Хўп майли, - дебди ниҳоят Илоҳ, - лекин битта шартим бор: мендан олдинда юрасан, аммо ҳеч қачон орқангга қайрилиб қарамайсан! Оёғимдаги қўнғироқчаларнинг жаранглаб бораётганидан Мен ҳақиқатан ҳам сенинг ортингдан бораётганимни сезиб юрасан.

Ёш брахман рози бўлибди ва улар Вриндавандан чиқиб брахман яшайдиган қишлоққа қараб кета бошлабдилар. Уларнинг саёҳати охирлаб қолибди, чунки улар брахман яшайдиган қишлоқ яқинига келиб қолган эдилар. Ёш брахман йўл бўйи бирор марта орқасига қарамабди, лекин энди бирданига қўнғироқ овозлари тўхтаб қолганини сезибди. “Нима бўлди? Кришна қаерга кетди? - деб ўйлабди брахман ва ўзини тута олмай орқасига ўгирилиб қарабди: Унинг орқасида тошдан қилинган ўша Илоҳ турарди. Ёш брахман шартни бажармай орқасига қараб қўйгани учун Илоҳ энди ўрnidан жилмай турарди. Шунда ёш брахман қишлоққа чопиб бориб, гувоҳлик

беришга келган Гопал-Кришнани ўз кўзлари билан кўришлари учун кишлоқ одамларини чақириб келибди. Тўпланган одамлар шундай катта Илоҳ қандай қилиб шунча жойга Ўзи келганини кўриб хайратга тушибдилар. Ана шу Илоҳнинг шарафига шу ерга катта эҳром қурибдилар, ҳали ҳозиргача одамлар ўша гувоҳ-Илоҳ, Гопал-Кришнага сиғинадилар.

Бу воқеадан шундай хулосага келиш мумкин: Худои Таоло ҳамма жойга сингиб кетгани учун, У худди Ўзига ўхшатиб ясалган Илоҳнинг ичида ҳам бор. Ҳатто Худои Таолони шахсиятсиз, шакл-шамоили йўқ деб ҳисоблайдиган имперсоналистлар ҳам Худои Таоло ҳамма ерда мавжудлигини тан оладилар.

Шундай экан, нимага У Ўзининг қиёфасида, Илоҳнинг ичида бўлмасин? Ана шундай Илоҳ биз билан гапиришадими, йўқми, - бу бизнинг Унга бўлган ишончимизга, иймонимизга, эътиқодимизга, садоқатимизга боғлиқ. Агар Кришнанинг тасвирига худди бир ёғоч, темир ёки тош деб қарасак, у биз учун ҳамиша шундай бўлиб қолаверади. Кришна ҳамма жойда бор, лекин Уни фақат қалбимизда руҳий онг ривожлантириш ёрдамидагина кўриш мумкин. Почта қутисига ташланган хат албатта кўрсатилган манзилга бориб етади, чунки қутини алоқа бўлимининг ўзи ўрнатган. Худди шундай, Худонинг, муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида ясалган ва ўрнатилган Илоҳга сиғинганимизда, Худои Таолога бундай сиғиниш албатта Ўзининг самарасини беради. Агар биз Худои Таолонинг бизга нозил қилган қонун-қоидаларига амал қилиб яшасак, шу тарика қалбимизда зарур бўлган руҳий сифатларни ривожлантира олсак, Худои Таолони ҳамма ерда, ҳамма вақт кўриб юрамиз. Ўзининг содиқ хизматкорига Кришна ҳамма ерга сингиб кетган қуввати ёрдамида Ўзини истаган жойда, истаган вақтда намоён эта олади, лекин, Унга содиқ бўлмаган одамга У ҳеч нарса қилгиси келмайди. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин: Прахлад Махараж Парвардигорни тошдан қилинган устундан чиққанида кўрди. Бошқа мисоллар ҳам бор. Кришна ҳамиша бизнинг ёнимизда, Уни кўриш, ҳис қилиш учун биз ўзимиз етарли сифатларга эга бўлишимиз лозим.

Кришнанинг Ўзи айтадики, У ҳамма нарсада мавжуд:

*йатхакаша-стхито нитйам вайуҳ сарватра-го махан  
татха сарвани бхутани мат-стханитй упадхарайа*

“Билсанг, ҳамма ерда эсаётган, аммо ҳамиша осмонда қоладиган қудратли шамол сингари, барча тирик мавжудотлар Менда жойлашган”(БГ.9.6)

Ҳамма билადики, шамол ерда эмас, осмонда эсади. Шамол ёки

хаво бўлмаган бирор жой топа олмайсиз. Агар биз сунъий равишда вакуум(бўшлиқ) яратмоқчи бўлсак, бунинг учун махсус асбоб-ускуна билан ҳавони сўриб ташлашимиз керак бўлади. Худди шамол ҳамиша осмонда қолгани сингари, ҳамма нарса Кришнада жойлашган. Агар шундай бўлса, моддий олам яксон бўлганда ҳамма нарса қаерга йўқолиб кетади?

*сарва-бхутани каунтейа пракритим йанти мамикам  
калпа-кишайе пунас тани калтадау висриджамі ахам.*

“Эй Кунтининг ўғли, замон охирида бутун моддий олам Менинг табиатимга қиради, кейинги замон бошланганида эса, Ўз қувватим билан Мен уни қайтадан яратаман”.(БГ.9.7).

Худди одам соатини бураб, юргизгани сингари, Кришна ҳам Ўзининг қуввати(*пракрити*)ни ҳаракатга келтиради, охир-замон келганда эса, бутун борлиқ яна Парвардигорнинг табиатига қиради. Лекин, руҳий олам моддий оламдан фарқ қилади, чунки руҳий олам ҳеч қачон йўқ бўлмайди, у ҳамиша мавжуд, мангу. Моддий оламда ҳамма нарса ўткинчи, вақтинчалик. Бизнинг танамиз фақат унинг ичида руҳ мавжуд бўлгани туфайлигина пайдо бўлади, ривожланади. Бутун борлиқнинг ҳам юзага келиши, ривожланиши ва емирилиши Унинг ичида Кришнанинг руҳий қуввати мавжудлиги туфайли амалга ошади. Тирик мавжудотнинг онги унинг бутун танасига сингиб кетгани сингари, Парвардигор ҳам Ўзининг Параматма кўринишида бутун борлиққа сингиб кетган. Моддий олам унда Кширодакашайи Вишну борлиғи сабаблигина мавжуд бўлиб турибди, бизнинг танамиз ҳам ичида руҳ бор бўлгани учунгина тирик, мавжуд. Кришнанинг амри, иродаси билан бу моддий олам гоҳида намоён бўлади, гоҳида намоён бўлмаган ҳолатга ўтади. Моддий оламнинг мавжуд бўлиб туриши фақат унда Кришнанинг қуввати иштирок этаётгани туфайлигина мумкин бўлиб турибди.

## **4. Буюк руҳлар, махатмалардан олинган илм.**

Махатмалар, ҳамиша Кришнага сиғиниб юрадиган буюк руҳлар яралган оламнинг ҳамма ерида Унинг мавжудлигини сезиб юрадилар. Парвардигор Кришнанинг Ўзи айтганидай, бу буюк зотлар "Бхагавад Гита"нинг тўққизинчи бобида нозил қилинган сирли, махфий илоҳий илмни мукамал эгаллаб олганлар ва Кришна - бутун борлиқнинг манбаи эканини тан оладилар.

*махатманас ту мам партха даивим пракритим ашритах  
бхаджані ананія-манасо джнатва бхутадим авйайам*

“Эй Притхининг ўғли, алданиш таъсиридан озод бўлган буюк зотлар илоҳий табиат ҳимояси остида бўладилар. Улар Менга садоқат билан хизмат қиладилар чунки, азалий ва ўзгармас Шахс, Худонинг Олий Шахси - Мен эканимни биладилар”(БГ.9.13.)

Мукамал илмга эга бўлган буюк зотлар Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини ва бутун борлиқ Ундан таралганини яхши биладилар. “Веданта сутра”да шундай дейилган: *атхато брахма-жижнаса* - Инсонга Брахман ҳақида савол бериш учунгина ҳаёт ато этилган. Лекин ҳозир одамлар ўткинчи, муҳим бўлмаган нарсаларни тадқиқот қилиш билан овора бўлиб юрибдилар. Брахман - “энг буюк” деганни билдиради, лекин, энг буюк нарсага мурожаат қилиш ўрнига, биз бор кучимиз билан еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш ва ҳаётимизни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ҳайвоний эҳтиёжлар тўғрисида бош қотирамиз. Бундай арзимас муаммоларни ҳал қилиш учун ҳеч қандай уринишнинг ҳожати йўқ. Ҳатто ҳайвонлар ҳам ҳеч қийналмасдан бинойидек овқатланадилар, ухлайдилар, бола-чақа қиладилар ва ҳаётини муҳофаза қиладилар. Бундай эҳтиёжларни қондириш учун оламда ҳамма нарса етарли. Тананинг эҳтиёжларини қондириш қийин эмас, лекин биз ўзимиз бунинг учун ҳар хил муаммоларни ўйлаб чиқарамиз. “Веданта-сутра” бизга бу муаммоларга унчалик аҳамият бермасликни маслаҳат беради, чунки уларни ҳар қандай ҳаёт шаклида ҳам ҳал қилиш мумкин. Инсон сифатида ҳаётда бизнинг ягона вазифамиз - бутун оламнинг манбаи ҳақида илм олишга интилишдан иборат. Инсон танаси бизга, ҳатто ахлат еб кун кечирадиган чўчкалар ҳам ҳеч қийналмасдан ҳал қила оладиган моддий муаммоларни ҳал қилишга уриниб, бор кучимизни сарфлаб, кеча-кундуз меҳнат қилиш учун берилган эмас. Гарчи, чўчка ҳайвонлар ичида энг пасткаш-жирканч махлуқ бўлса ҳам, еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш ва ҳаётини муҳофаза қилиш учун унга барча имкониятлар бериб қўйилган. Бизнинг ундай муаммоларни ҳал қилиш учун қаттиқ уринишимизга мутлақо ҳожат йўқ. Инсоннинг вазифаси -

оламнинг манбаини топишдан иборат. “Веданта-сутра”да шундай дейилган: *жанмади асйа йатаҳ* - “Ҳамма нарса Брахмандан чиқади”. Барча буюк донишмандлар - файласуфлар, буюк олимлар, йога ва гйана билан шуғулланувчи илоҳиёт одамлари бутун борлиқнинг энг биринчи, бошланғич манбасини излаб топишга интиладилар. Бу ҳақда "Брахма-самхита"да: *сарва-карана-каранам* - “Барча сабаблар сабабчиси - Кришна”, деб айтилган.

Кришна бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси эканини англаб етган буюк руҳлар ҳаётда қандай яшайдилар? Улар ҳақида Кришнанинг Ўзи шундай дейди: (БГ.9.14)

*сататам киртайанто мам йатанташ ча дридха-вратаҳ  
намасйанташ ча мам бхактиа нитйа-йукта упасате*

“Ҳамиша Менинг улуғворлигимни олқишлаб куйлаб, қатъий ишонч ва шижоат билан ҳаракат қилиб, Менга чуқур эҳтиром билан сажда қилиб буюк руҳлар садоқат ва муҳаббат билан ҳамиша Менга сиғинадилар”.

Худои Таолони шарафлаб куйлаш - Ҳаре Кришна мантраси зикр қилиш - бхакти-йога усулининг асосини ташкил этади. Худои Таолонинг табиатини, Унинг бу дунёга келиб кетишларини, Унинг бу дунёдаги вазифасини англаб етган буюк руҳлар бор имкониятлардан фойдаланиб Уни шарафлаб куйлайдилар. Аммо, ҳаётда умуман Худои Таолони тан олишни истамайдиган одамлар ҳам бор. Кришна "Бхагавад Гита"нинг тўққизинчи бобида улар ҳақида ҳам гапирган:(БГ.9.11)

*аваджананти мам мудха манушим танум ашритам  
парам бхавам аджананто мама бхута-махешварам*

“Бу дунёга инсон қиёфасида ташриф буюргананда ғофил одамлар Менинг устимдан куладилар. Улар Менинг табиатим илоҳий эканини ва Мен - бутун борлиқнинг Олий ҳукмдори ва Эгаси эканимни билмайдилар”.

Фақат мудхалар, яъни онгининг ривожланиш даражаси хайвонларникидан ҳам паст бўлган ғофил одамларгина Худои Таолонинг устидан куладилар. Ақлдан озган касал ёки мутлақо ғофил, нодон одамгина Худого ишонмаслиги мумкин. Худого ишонмаслиқнинг ҳеч қандай асоси ёки иложи йўқ, аксинча, атрофимиздаги нарсаларнинг ҳаммаси Унинг мавжудлигини тасдиқлаб туради. Одам “Мен Худого ишонмайман!” деб айтиши мумкин, лекин унга шу гапларни айтишга ким имкон яратиб қўйибди? Танаси ҳалокатга учраши билан унинг гапириш қобилияти ҳам йўқолади. Шундай экан, ҳозирча бизга шундай имкониятни,

шундай нодир неъматни ким бериб кўйибди? Наҳотки ерда ётган тош ҳам ўз-ўзидан гапира олса? Бизни бошқариб турган Олий Зот биздан гапириш имконини олиб кўйганида бизнинг танамиз ҳам худди тошга ўхшаб қолади. Бизнинг гапира олиш қобилиятимизнинг ўзи ҳам бизга ана шундай қобилиятни, атрофимиздаги ҳамма нарсани ато этиб кўйган қандайдир бир Кучнинг мавжудлигини кўрсатиб турибди. Кришнани англаб етган одам бу дунёдаги ҳамма нарсанинг Эгаси борлигини, аслида ўзи ҳеч нарсага эга эмаслигини тушунади. Ҳатто биз Худога ишонмасак ҳам бизнинг ҳар бир қадамимизни қандайдир бир илоҳий, сирли куч назорат қилиб турганини тан олишимиз лозим: уни Худо деб айтасизми, Табиат дейсизми ёки бошқа бир нарса дейсизми - аҳамияти йўқ. Оламда бизларнинг ҳаётимизни кузатиб, бошқариб турган қандайдир бир куч борлигини бирор фаросатли одам инкор эта олмайди.

Кришна Ер юзига ташриф буюрганида У худди ғайритабиий куч-қудратга эга одамдай кўринарди. Ҳатто ўша замонда ҳам 99% одамлар Кришна - ҳақиқатан ҳам Худои Таоло эканини тан ололмадилар. Улар Кришнанинг Худо эканини тан олмадилар, чунки бунинг учун етарли ақл-фаросатга эга эмасдилар (*парам бхавам аджанантаҳ*). Лекин қандай қилиб Худои Таолони таниб олиш мумкин? Худои Таолони муқаддас китобларнинг ва билимдон донишманд одамларнинг тасдиқлашига ва Ундаги ғайритабиий куч-қудратга қараб таниб олиш мумкин. Кришнага келсак, Ведалар илмини мукаммал эгаллаган барча буюк донишмандлар Унинг ҳақиқатан ҳам Худои Таоло эканини тан оладилар. У Ер юзига келганида жуда кўп ғайритабиий кароматлар кўрсатган, лекин шуларга ҳам ишонмайдиган одамга бошқа ҳар қандай исботлар олиб келсангиз ҳам, барибир ҳеч нарсага ишонмайди.

Худои Таолони кўриш учун алоҳида назарга эга бўлиш керак. Худои Таолони моддий сезгилар ёрдамида кўриб бўлмайди. Худои Таолони англаб етиш учун сезгиларимизни, ҳиссиётимизни поклашимиз лозим, бунинг учун эса *бхакти-йога* усулидан фойдаланишимиз лозим. Бизнинг эшитиш, кўриш, ҳид билиш ва бошқа қобилиятларимиз бор, аммо, агар ана шу қобилиятларимиз мукаммал бўлмаса биз Худои Таолони таний олмаймиз. Кришнани англаш усули - Кришна онги билан яшаш ёрдамида ўзимизнинг сезиш қобилиятимизни ошириш, ҳиссиётимизни поклаб ривожлантиришдан иборат. Бу усулнинг асосини *Ҳаре Кришна* мантрасини зикр қилиш ташкил этади.

*Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.*

Парвардигор Кришна мудхалар хақида яна шундай дейди:(БГ.9.12)

*могхаша могха-карmano могха джнана вичетасах  
пракшасам асурим чаива пракритим мохинам шритах*

“Йўлдан адашган ана шундай гофил одамларни Худосиз, иблиссифат дунёқарашлар ўзига жалб этади. Адашиб юрганлари сабабли уларнинг озодликка чиқишга бўлган барча умидлари пучга чиқади ва оғир меҳнат қилиб бирор натижага эришиш ва илм ўрганишга бўлган барча уринишлари ҳеч қандай фойда бермайди”.

*могхашайа* ибораси атеистларнинг барча интилишлари ҳеч қандай натижа бермаслигини кўрсатади. Кармилар, яъни ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланиб яшаш учун фаолият кўрсатиб юрганлар ҳамиша ҳиссиётининг талабларини қондириш учун кўпроқ имконият яратишга интиладилар. Уларнинг орзу-истакларининг чегараси йўқ. Улар банкдаги пулларини иложи борича кўпайтиришга уринадилар ва қачондир бир кун келиб албатта бахтли бўлишдан умидвор бўладилар, лекин ўша бахтли кун сира етиб келмайди, чунки улар одам ҳаётда қачон қаноат топиб, қалби хотиржам бўлиб тўла бахтиёр бўлишини билмайдилар. Худои Таолонинг алдамчи қуввати яратиб қўйган ўткинчи нарсаларга алданиб қолган одам ҳеч қачон инсон ҳаётининг охириги, энг буюк мақсадига эриша олмайди. *Могха-карманах* ибораси шуни билдирадики, гарчи одамлар кеча-кундуз тер тўкиб, тиним билмай ишласалар ҳам ҳаётда уларнинг фақат пушаймон бўлгани қолади. Токи биз Кришнани англаб етмас эканмиз ва Худонинг хоҳиши, яъни Кришна онги билан яшамас эканмиз, бизнинг ҳар қандай уринишларимиз ҳеч қачон бизга бахт келтирмайди.

Бу - шунчаки оддий одамнинг айтган гаплари эмас, Худои Таолонинг Ўзи, Парвардигор Кришна шундай деб айтяпти. Агар биз ҳақиқатан ҳам илм излаётган бўлсак, аввало Кришна ҳақиқатан ҳам Худои Таоломи ёки йўқми, шуни аниқлаб олишимиз лозим. Акс ҳолда, ҳеч қандай маъносиз нарсаларга вақт кетказиб юришнинг нима кераги бор? Худои Таоло чексиз, шунинг учун Унга қуруқ фалсафий фикрлашлар ёрдамида яқинлашиб бўлмайди. Агар биз ҳатто шамол ёки ҳаёл тезлигида миллион йиллар йўл юрсак ҳам, фалсафий фикрлашлар ёрдамида Худои Таолога яқинлаша олмаймиз. Бирор одамнинг фалсафий фикрлашлар ёрдамида Олий Мутлақ Ҳақиқатни англаб етгани ҳақида бирор маълумот йўқ. Илм олишнинг дунёвий,



моддий усули одамни Ҳақиқат йўлидан узоклаштиради холос, *моғхаджнанаҳ* ибораси шуни кўрсатади. Қуёш ботгандан кейин уни кўришга қанчалик уринмайлик, бирор фойдаси бўлмайди. Қуёшни кўриш учун эртаги кунни кутиш керак, шунда унинг ўзи чиқиб келади. Агар биз ўзимизнинг мукаммал бўлмаган сезгиларимиз ёрдамида ҳатто қуёшдай моддий нарсани кўришга қодир бўлмасак, қандай қилиб моддий сифатга эга бўлмаган, илоҳий табиатга эга Худои Таолони кўра оламиз? Биз қанча ҳаракат қилмайлик, ўзимиз Худои Таолони кўришга қодир бўлолмаймиз. Бунинг учун қалбимизда Кришна онгини ривожлантириб, зарур бўлган сифатларни ривожлантиришимиз ва Худонинг марҳаматини кутишимиз лозим, шунда Худои Таолонинг Ўзи бизга намоён бўлади.

*тешам сатата-йуктанам бхаджатам прити-пурвакам  
дадами буддхи-йогам там йена мам упайанти те*

“Чарчамасдан Менга холис хизмат қилиб юрган ва Менга муҳаббат билан сажда қилиб юрган одамга Менинг даргоҳимга келишига ёрдам берадиган чуқур тафаккур ато этаман”(БГ.10.10).

Кришна бизнинг қалбимизда, лекин биз моддий олам шароитига тушиб, шартланиб қолганимиз сабабли Уни сезмаймиз. Иблиссифат табиатга эга бўлган одамлар(*ракиасам асурим*)нинг фикрига кўра, “бу дунёдаги ҳаётдан бошқа ҳеч қандай ҳаёт йўқ, шунинг учун ҳаётда иложи борича лаззатланиб яшаб қолиш керак”. Лекин, шунча уринишларига қарамай, улар ҳеч қачон бу йўлда муваффақиятга эриша олмайдилар. Моддий табиатни эксплуатация қилиш, унга озор бериш ҳали ҳеч кимга ҳақиқий осойишталик олиб келган эмас. Агар биз ҳақиқатан ҳам ҳаётдан лаззатланиб яшашни истасак, Кришнани англашга, Кришна онги билан, яъни Худонинг амрига бўйсуниб яшашга интилишимиз лозим. Моддий оламдаги бахтнинг ҳамшиша боши ва охири бўлади, лекин Кришна онги билан яшаётган одам ҳис қиладиган бахтнинг чегараси, ниҳояси йўқ. Ана шу туганмас бахтни ҳис қилиш учун ҳар кун *Ҳаре Кришна* мантрасини зикр қилиш учун озгина вақт ажратиш керак. Қадим замонларда буюк донишмандлар ва фаришталар бутун умрини Худони англашга бағишласалар ҳам, мақсадига ета олмаганлар. Биз яшаётган Кали-юга даврида эса, Парвардигор Шри Чайтанйа Махапрабху бизга Худои Таолони англашнинг энг осон йўлини бериб кетган. Бунинг учун талаб қилинадиган ягона шарт - *Ҳаре Кришна* мантрасини зикр қилиш ва диққат билан тинглаш. Худонинг содиғи оғзидан "Бхагавад Гита" илмини тинглаш ва Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, унинг ҳар бир жумласини диққат билан тинглаш лозим. Ҳеч ким ўзининг

дунёвий илми ва заковати билан гердайишининг ҳожати йўқ. Кришнанинг гапларини диққат билан тинглаш учун ҳеч нарсанинг кераги йўқ, бунинг учун фақат итоаткор ва камтарин бўлсангиз бас.

Бахтга қарши ҳозир бу дунёни рақшас(қонхўр, золим одам)лар бошқариб турибди. *Рақшаслар* - ўз нафсини қондириш учун ҳатто ўзининг боласини ҳам ейишга тайёр бўлган одамхўр, қонхўр одамлардир. Ҳозир биз яшаётган даврда ана шундай рақшасларнинг хиссиётининг талабларини қондириш учун минглаб одамларни ўлдириб юборишга мўлжалланган ҳар хил ҳукумат тизимлари ва қурилмалар мавжуд. Улар бу йўл билан ўзларининг нафси ҳеч қачон тўймаслигини ҳатто тушунмайдилар ҳам. Шунга қарамай *рақшаслар* ўз нафсини тўйдириш учун ҳамма нарсани қурбон қилиб юборишдан чўчимайдилар. Уларни фақат иқтисодий ривожланиш қизиқтиргани сабабли улар бу дунёнинг табиатини ҳеч қачон тушуниб ета олмайдилар. Бу дунёнинг табиатини ким тушуна олади? Фақат *махатмалар*, яъни бу дунёдаги ҳамма нарса, ҳатто ўзлари ҳам Худои Таолонинг мулки эканини англаб етган донишманд одамларгина бу дунёнинг табиатини тушуна оладилар.

*Махатмаларга* моддий табиат қонунлари ҳукмронлик қила олмайди(*махатманас ту мам партха давим пракритим аириртаҳ*). Худои Таоло буюк, буюк Зотга холис хизмат қилиб юрган зотнинг қалби ҳам буюк бўлади. *Махатма* - қандайдир сиёсий арбобнинг мансаби эмас, махатма овоз бериш йўли билан сайланмайди. "Бхагавад Гита"да айтилганки, *махатма* Худои Таолонинг Олий қувватидан паноҳ топган одамдир. Албатта, оламдаги барча қувватлар Худои Таолоники, Унинг Ўзи модда ва руҳни бир биридан ажратмайди. Лекин, моддий ва руҳий қувват орасида оралик ҳолатда турган шартланган руҳ учун бунинг фарқи бор. *Махатмалар* ана шу фарқни ажрата оладилар ва руҳий қувват паноҳи остига қирадилар(*давим пракритим*).

Буюк Зотга хизмат қилиш билан *махатмалар* ҳам буюк бўладилар, чунки улар ўзларини Олий Қувватга қиёслайдилар: *ахам брахмасми* - "Мен брахманман, мен - руҳман". Лекин бу "улар ўзини Худо деб биладилар" дегани эмас. Ўзини Брахман деб даъво қилган одам ўзининг фаолиятида Брахман эканини исботлаши керак. Брахман, руҳ - фаол зот, демек, "брахман бўлдим" дегани ҳаракат қилмасдан ўтираман дегани эмас. Брахман - руҳ дегани, фақат танада руҳ бўлгани учунгина танамиз яшайди, ҳаракат қилади. Агар биз ҳатто ўлик моддий унсурларга аралашиб ҳам ҳаракат қилишдан тўхтамас эканмиз, нега энди покланиб, ўша моддий унсурлар

тутқунлигидан озодликка чикқандан, ўзимизнинг азалий, бошланғич ҳолатимизга эришгандан кейин ҳаракатдан тўхтаб қолишимиз лозим? “Мен - брахманман, руҳман” деган тушунчага эга бўлиш - руҳий фаолият билан машғул бўлиш демакдир, чунки биз аслида руҳ бўлганимиз учун, ҳатто моддий тана ичига тушиб қолгандан кейин ҳам ҳаракат қилишда давом этаверамиз. Брахман даражасига кўтарилиш - қандайдир бир нарсага айланиб қолиш эмас, аксинча, олий қувват ва олий фаолиятдан иборат олий табиат доирасида мустаҳкам қолиб, фаол ҳаракат қилиш, фаолият кўрсатиш демакдир. Брахман бўлиш - ўзининг бутун ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаш демакдир. Шундай қилиб, *махатма* тушунадик, хизмат қилиш керак бўлса фақат Кришнага, бошқа ҳеч кимга эмас, ягона Парвардигорга хизмат қилиш лозим. Биз шунча вақт ҳиссиётимизга хизмат қилиб, нафсимизнинг, сезгиларимизнинг қули бўлиб келдик, энди эса инсон танасига эга бўлиб, Кришнага хизмат қила бошлашимиз лозим.

Хизмат қилишни тарк этиб бўлмайди. Бунинг иложи йўқ, чунки биз хизмат қилиш учун яратилганмиз. Ҳеч кимга хизмат қилмайдиган бирор одам топиладими? Президентдан сиз кимга хизмат қиласиз, деб сўранг, у сизга: - “Мен халқимга хизмат қиламан!” - деб жавоб беради. Ҳар бир одам албатта кимгадир, ёки нимагадир хизмат қилади. Хизмат қилишдан қочиб қутулиб бўлмайди, аммо *махатма* даражасига кўтарилиш учун ўткинчи, алдамчи нарсаларга эмас, ҳақиқий мавжуд Зотга хизмат қилиш керак.

*Киртана*, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш усули(*киртаманта*) ёрдамида ҳар қандай одам ҳам *махатма* даражасига кўтарилди олади. Одамларга *Ҳаре Кришна* мантрасини зикр қилиш усулини бериб, Парвардигор Чайтанья Махапрабху бу жараёни жуда осон қилиб қўйган: *Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре*. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз усули ичида энг асосийси - *шраванам киртанам*(тинглаш ва зикр қилиш). *Киртанам* ибораси аслида “таърифлаш” деганни билдиради. Ҳар қандай нарсани мусиқа, сўзлар, бўёқлар ёрдамида тасвирлаш мумкин. *Шраванам* жараёнини *киртанамдан* ажратиб бўлмайди, чунки тингламай туриб тасвирлаб бўлмайди. Худои Таолони англаб етиш учун қандайдир моддий, дунёвий қобилиятларга эга бўлишнинг ҳожати йўқ. Бунинг учун талаб қилинадиган, зарур бўлган ягона қобилият - ҳақиқий илмга эга бўлган одамларни тинглаш ва эшитганларни ўзгартирмасдан бошқаларга гапириб беришдан иборат.

Азалдан Ведалар илми рухий устоздан шогирдга тинглаш орқали ўтиб келган, шунинг учун улар *шрути*, “тинглаб олинган илм” деб ҳам аталади. Масалан, "Бхагавад Гита"да Аржун “*Веданта*” фалсафасини ўрганиш билан шуғулланмаган, у фақат жанг майдонида Кришнанинг гапларини тинглаган. Ҳақиқий ишонарли одамнинг гапларига ҳамма ерда, ҳатто жанг майдонида ҳам қулоқ солиш керак. Илмни ўйлаб чиқариб, яратиб бўлмайди, илм азалдан мавжуд, илмни фақат олиш керак. Кимдир савол бериши мумкин: “Нимага мен албатта Уни тинглашим керак? Менинг ўзимнинг фикрим, заковатим бор, шунинг учун мен ўзим бирор янги нарса ўйлаб топишим мумкин!” Лекин, ведавий, юқоридан пастга қараб(дедуктив) илм ўрганиш усули бундай эмас. Илм олишнинг юқорига қараб интилиш(индуктив) усулида одам ўз ҳаракати билан Ҳақиқатга эришишга интилади, дедуктив усулида эса, Ҳақиқат илмини Олий манбадан олади. "Бхагавад Гита"да айтилганидай, Ведалар қоидасига кўра олий илм устоздан шогирдга ўтиб келган(*эвам парампара праттам имам раджаршайо видух*). Камтарлик билан тинглаш - шу қадар улуғвор, самарали усулки, мукамал илмга эга бўлган одамнинг гапларини ишонч билан тинглаш ёрдамида одам тўла баркамолликка эришиши мумкин. Қалбимизда камтарлик, мискинлик туйғусини ривожлантириш шарофати билан биз ўзимизнинг аслида жуда ожиз, номукамал эканимизни билиб оламиз. Моддий оламда шартланган ҳолатда бўлган одамларнинг тўрт камчилиги бор: хатога йўл қўйишга мойиллик, алданишга мойиллик, бошқаларни алдашга мойиллик ва сезиш қобилияти мукамал эмас. Шундай экан Мутлақ Ҳақиқатни ана шундай номукамал ҳиссиёт орқали ва мукамал бўлмаган тажрибалар ёрдамида аниқлаб, англаб етиб бўлмайди. Бунинг учун Мутлақ Ҳақиқатнинг Ўзининг, яъни Парвардигор Кришнанинг вакилининг, Унинг содиқ хизматкорининг гапларини тинглаш керак. Кришна Аржунни Ўзига вакил қилиб олди, чунки Аржун Унинг содиқ хизматкори эди:*бхакто “си ме сакха чету(4.3)*

Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган ва ўзини Худо деб ҳисоблайдиган одам Худонинг вакили бўла олмайди. Бизлар Худои Таолонинг ажралмас зарраларимиз, бизда ҳам Худои Таолонинг сифатлари мавжуд. Шунинг учун биз ўзимизни ўрганишимиз ёрдамида Худои Таоло ҳақида жуда кўп нарсаларни билиб олишимиз мумкин. Лекин бу, биз шу йўл билан Худои Таолони, Кришнани тўлиқ англай оламиз дегани эмас. Ўзликни англаш жараёни - Худони англашнинг ягона йўли, лекин ҳеч қачон одам ўзини Худо деб

санамаслиги керак. Агар биз Худои Таолонинг қудратини намоён қила олмасак, қандай қилиб ўзимизни Худо деб аташимиз мумкин? Кришна эса, Аржунга фазовий қиёфасини намоён этиб, ҳар хил ғайритабиий кароматлар кўрсатиб, Ўзининг ҳақиқатан ҳам чексиз қудратли Парвардигор эканини исботлади. Ўзини Худо деб даъво қиладиган қандайдир ярамасларнинг гапига алданиб қолмаслик керак. Кимнидир Худо деб тан олиш учун Аржундан ўрнак олиб, ундан ўзининг фазовий қиёфасини намоён этишни илтимос қилиш керак. Фақат фаросатсиз ғофил одамгина ўзига ўхшаган бошқа бир аҳмоқни Худо деб тан олиши мумкин.

Ҳеч ким Худои Таоло билан тенглаша ёки ундан устун кела олмайди. Ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари энг қудратли фаришталар ҳам Унга сажда қилиб, чуқур эҳтиром кўрсатадилар. Шунинг учун муруқабат ёки бошқа ҳар хил усуллар ёрдамида Худо бўлишга интилиб юргандан кўра, камтарин ҳолда ишонарли руҳий устоздан Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ёрдамида илмини ўрганиб, Худони ва Худои Таоло билан ўзаро муносабатимизни англаб олишга интилиш керак. Худонинг вакили ёки Унинг Ўзи ҳеч қачон ўзини Худо деб даъво қилмайди: у ҳамиша Худонинг содиқ хизматкориман деб айтади. Худонинг ҳақиқий вакилининг бошқалардан фарқ қиладиган асосий белгиси шундан иборат.

Биз Худои Таоло ҳақида фақат ишонарли манбалардан билиб олганларимизнигина бошқаларга айтишимиз лозим. Бу бизнинг руҳий юксалишимизга катта ёрдам беради. Мана шу усул *киртанам* деб аталади. Эшитган гапларимизни такрорлаш ёрдамида биз олган илмимизни мустаҳкамлаймиз. Шунинг учун руҳий юксалиш йўлида *шраванам киртанам*, - тинглаш ва такрорлаш усулидан фойдаланаётган ҳар қандай одам моддий шартланганлик шароитидан озодликка чиқиб, Худонинг даргоҳига эриша олади. Ҳозир биз яшаётган даврда қурбонлик маросими ўтказиш, фалсафий фикрлашлар билан шуғулланиш, йога билан шуғулланишнинг иложи йўқ. Худони англаб етиш учун ҳозирги даврда мукамал илмга эга бўлган одамнинг гапларини тинглашдан бошқа иложимиз, имкониятимиз йўқ. Ана шу йўл билан *махатмалар* энг сирли, махфий илмга эга бўлганлар. Шу йўл билан Аржун Кришнадан Ҳақиқат илмини ўрганган. Биз ҳам улардан ўрнак олиб, Аржундан бошланадиган руҳий устозлар силсиласи орқали Ҳақиқат илмини ўрганишимиз лозим.

## 5. Парампара, руҳий устозлар силсиласи орқали олинган ИЛМ

*ири бхагаван увача  
имам вивасвате йогам проктаван ахам авйайам  
вивасван манаве праха манур икшвакаве “бравит*

“Худонинг Олий Шахси шундай деди: - “Мен бу мангу ўзгармас йога илмини Қуёш худоси Вивасванга ўргатдим, Вивасван уни инсоният бобокалони Мануга ўргатган, Ману эса ўз навбатида уни Икшвакуга ўргатган”(БГ.4.1).

Узоқ ўтмишда Парвардигор Кришна "Бхагавад Гита"да баён этилган илоҳий илмни Қуёш худоси Вивасванга ўргатган. Бизнинг қуёш ҳақидаги тасаввуримиз фақат унинг жуда иссиқ эканини билиш билан чегараланади, шунинг учун у ерда ҳаёт йўқ деб ҳисоблаймиз. Ўзимизникига ўхшаган танада албатта биз қуёшга ҳатто яқинлаша олмаймиз. Лекин, ведавий муқаддас китоблардан биламизки, Қуёш ҳам худди биз яшаб турган Ер сингари сайёра, лекин у сайёрада ҳамма нарса оловдан яратилган. Бизнинг сайёрамиз асосан ердан таркиб топган, лекин оловдан, сувдан ёки ҳаводан таркиб топган сайёралар ҳам мавжуд.

Ҳар хил сайёраларда яшайдиган тирик мавжудотларнинг танаси шу сайёра таркиб топган моддий унсурлардан ясалган бўлади. Шунинг учун қуёшда яшайдиган тирик мавжудотларнинг таналари асосан оловдан таркиб топган бўлади. Бу сайёрани Вивасван деган фаришта назорат қилиб туради, уни кўпинча Сурйя-Нарайана деб ҳам атайдилар. Худди Америка Қўшма Штатларини президент бошқариб тургани сингари, ҳар бир сайёрани ҳам бошқариб турадиган фаришта бор. Тарихий эпос “Маҳобҳорат”дан биламизки, бир пайтлар Ер сайёрасининг бутун аҳолисига битта шоҳ, шоҳ Бхарата ҳукмронлик

қилган. У тахминан 5000 йил аввал ҳукмронлик қилган, шундан сўнг Ер сайёрасини унинг шарафига “Бхарата-варша” деб атай бошлаганлар. Кейинчалик ер юзи жуда кўп давлатларга бўлиниб кетган. Коинотдаги ҳар бир сайёрага бир ёки бир неча ҳукмдорлар ҳукмронлик қилади.

"Бхагавад Гита"нинг тўртинчи бобининг биринчи шеърдан маълум бўладики, бундан миллион йиллар аввал Парвардигор Кришна *карма-йога* илмини Қуёш худоси Вивасванга ўргатган. "Бхагавад Гита" таълимотини Аржунга ўргатар экан, Кришна таъкидлаб ўтадики, бу илм янгилик эмас, чунки бу илм бир неча миллион йил аввал бошқа сайёрада баён қилинган. Вивасван бу илмни ўғли Мануга ўргатган, Ману эса - шогирди Икшвакуга ўргатган. Парвардигор Рамачандранинг авлодидан бўлган Махараж Икшваку жуда буюк шаханшоҳ бўлган. Шундай қилиб, бу ерда айтилганки, "Бхагавад Гита" таълимотини ўрганиб, ундан ўзининг ҳаётида фойдаланишни истаган киши унда кўрсатилган йўл билан бориши лозим. Аржун Кришнадан "Бхагавад Гита" таълимотини ўрганган ягона одам эмас. Ведавий ишонарли зотларнинг айтишларига кўра Парвардигор бу илоҳий илмни Вивасванга тахминан тўрт миллион йил илгари баён этган. "Маҳобҳорат"дан биз биламизки, Аржун Кришнадан бу илмни 5.000 йил аввал эшитган. Аржунгача бу илм устоздан шогирдга ўтиб келган, аммо вақт ўтиши билан ана шу шогирдлар занжири узилиб қолган.

*эвам парампара-праптам имам раджаршайо видух*

*са каленеха махата його наштаҳ парантапа*

*са эвайам майа те "дйа йогах проктаҳ пуратанах*

*бхакто "си ме сакха чети рахасйам хатха-його этад уттамам*

“Бу олий илм руҳий устозлар силсиласи орқали ўтиб келган, такводор шоҳлар уни шу йўл билан ўрганганлар. Аммо вақт ўтиши билан руҳий устозлар силсиласи узилиб қолган, шунинг учун бу илм ҳозир ўз аҳамиятини йўқотгандай туюляпти. Бугун Мен сенга Худои Таоло билан ўзаро муносабатларнинг мана шу қадимий илмини ўргатаман, чунки сен Менинг содиқ дўстимсан, шу боис бу илмнинг илоҳий сирини англай оласан”.(БГ.4.2-3).

Бу шеърларда баён этилган илм йога деб аталган, чунки "Бхагавад Гита"да бир неча йога тизимларининг таърифи берилган: *бхакти-йога, карма-йога, гйана-йога, хатха-йога*. Йога ибораси “боғлаш” деган маънони англатади, чунки йога машғулоти ёрдамида биз онгимизни Худои Таоло билан боғлаймиз. Йога - Худои Таоло билан боғланиш ва У билан ўзаро муносабатларимизни қайта тиклаш

йўлидир. Вақт ўтиши билан Кришнанинг Вивасванга ўргатган йога илми йўқолиб кетган эди. Нимага шундай бўлган? Нахотки Кришна Аржун билан суҳбат кураётган ўша даврда билимдон донишмандлар бўлмаган? Йўқ, ўша пайтда ҳам жуда кўп буюк донишмандлар бор эди. “Йўқолган” деганда бу ерда "Бхагавад Гита"нинг маъноси, моҳияти бузилган, йўқолганини тушуниш керак. Файласуфлар "Бхагавад Гита" таълимотини ўзларича талқин, таҳлил қилишга уринадилар, лекин уларнинг талқинидаги "Бхагавад Гита" асл ҳолидаги "Бхагавад Гита" бўлолмайди. Кришна бу ерда шуни айтяпти, "Бхагавад Гита" таълимотини ўрганишга киришаётган одам шуни албатта эътиборга олиши лозим. Моддий, дунёвий тушунчалар бўйича бирор одам буюк файласуф бўлиши мумкин, лекин бу ҳали у "Бхагавад Гита" илмини талқин қилишга қодир дегани эмас. "Бхагавад Гита" таълимотини тушуниб етиш учун устоздан шогирдга бериладиган *парампара* қоидаларига амал қилиш лозим. "Бхагавад Гита" таълимотини ўрганмоқчи бўлган одам ўзининг билимдонлигини кўз-кўз қилишга уринмасдан бу таълимотнинг руҳини англаб олишга, илоҳий даражага кўтарилишга ҳаракат қилиши лозим.

Нима сабабдан Кришна шунча одамлар орасидан "Бхагавад Гита" илмини олишга фақат Аржунни муносиб деб танлади? Аржун ҳечам буюк файласуф, ёки буюк йог, ёки авлиё зот ёки муроқабага берилиб юрган одам эмас эди. У жангчи тоифасидан бўлиб, жангга кириш олдида турган одам эди. Нимага Шри Кришна бу илмни ўша пайтдаги буюк билимдон донишмандларга ўргатишни истамади? Шунинг учунки, гарчи Аржун оддий одам бўлса ҳам, унинг битта энг муҳим фазилати бор эди: *бхакто* “*си ме сакха чети* - “Сен Менинг содиғим ва дўстимсан!” - дейди Кришна унга. Айнан мана шу ҳислати билан Аржун барча буюк донишмандлардан устун турарди. Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини Аржун яхши биларди, шунинг учун Уни ўзига руҳий устоз қилиб танлаб, Унга ўз ихтиёрини бутунлай топширган эди. Токи одам Парвардигор Кришнанинг содиғи бўлмас экан, у "Бхагавад Гита" таълимотини тушуна олмайди ва бу йўлда унга бошқа ҳеч қандай усул ёрдам беролмайди. "Бхагавад Гита"ни Аржун қандай ўрганган бўлса, "Бхагавад Гита"нинг ўзида қандай усул кўрсатилган бўлса фақат шу йўл билан ўрганиш керак. Бошқа йўллар билан бориб, "Бхагавад Гита" таълимотини ўз билганича талқин қилишга ҳаракат қилаётган киши балки унга ўзича изоҳ берар ва шу билан ўзининг билимдонлигини бошқаларга кўз-кўз қилишга эришар, лекин унинг изоҳларининг ҳақиқий "Бхагавад Гита"га ҳеч



қандай алоқаси бўлмайди.

Инсоннинг билимдонлиги, заковати унга фақат "Бхагавад Гита"га ўзининг изоҳини ёзишгагина имкон беради. Махатма Ганди ҳам "Бхагавад Гита" таълимотига таяниб, ўзининг ҳокисорлик, беозорлик таълимотини асослаб чиққан эди. Лекин, "Бхагавад Гита" таълимотига таяниб, беозорлик, ҳокисорлик қоидасини асослаб бўладими? "Бхагавад Гита"нинг нозил бўлишига сабаб бўлган вазиятнинг ўзи шундан иборатки, Аржун аввалига жанг қилишдан бош тортади, Кришна эса "Бхагавад Гита" таълимоти асосида уни албатта ўз душманларини яқсон қилиши лозим эканига ишонтиради. Кришна Аржунга айтадики, У яъни Кришна аллақачон жанг натижасини ҳал қилиб қўйган, яъни жангда қатнашаётган жангчилар уйларига тирик қайтмайдилар. Парвардигорнинг режаси шундай эди, шунинг учун жангда барча жангчилар албатта ҳалок бўлиши лозим, лекин У Аржунга ғалаба қозониш ва шу билан бу дунёда шон-шуҳрат орттириш имконини бермоқчи бўлган эди. Шундай қилиб, "Бхагавад Гита"нинг ўзи Аржунни жанг қилишга, зўравонлик ишлатишга ундаб турган бўлса, қандай қилиб "Бхагавад Гита"га таяниб зўравонлик қилмаслик, ҳокисорлик қоидасини асослаш мумкин? Бундай уринишлар шунчаки "Бхагавад Гита" таълимотини бузиб кўрсатишга уринишдан бошқа нарса эмас, чунки ҳар ким ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб талқин қилаверса, "Бхагавад Гита"нинг асл моҳияти албатта ўзгариб кетади. Одам ҳар хил мантиқ ва далилларга асосланиб Ведаларнинг якуний хулосасини англаб етишга қодир эмас. Инсоннинг тафаккури ва мантиқ илми кўп нарсага қодир эмас. Муқаддас китобларни ўрганиб кўрадиган бўлсак, Мутлақ Ҳақиқат ҳар ерда ҳар хил таърифланган. Агар биз барча муқаддас китобларни ўзимиз ўрганишга киришсак, бутунлай адашиб кетамиз. Файласуфлар ҳам шундай: уларнинг ҳар бири ўзининг фикрини маъқуллайди ва албатта унинг фикри бошқаларнинг фикридан фарқ қилади. Аммо, агар муқаддас китобларни ўрганиш ҳам, мантиқий далиллар ҳам, фалсафий таълимотлар ҳам ёрдам бера олмаса, умуман Ҳақиқатни англаб бўладими ўзи? Гап шундаки, Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илм маҳфий, сирли, бу илмни фақат шу илмнинг билимдонлари изидан борибгина ўрганиш мумкин.

Ҳиндистонда рухий устозларнинг бир неча силсиласи мавжуд. Уларнинг барчаси Рамануджачарйага, Мадхвачарйага, Нимбаркага ва Вишнусвамига бориб тақалади. Ведавий муқаддас китобларни фақат рухий устозлар орқалигина ўрганиш мумкин. Худди Аржун "Бхагавад Гита"ни Кришнадан тинглаб ўргангани сингари, биз ҳам, агар

"Бхагавад Гита" таълимотини ўрганишни истасак, уни фақат Аржундан тинглашимиз лозим, бунинг бошқа йўли йўқ. Агар биз ўзимизни "Бхагавад Гита"ни биламиз деб ҳисобласак, бизнинг тушунчамиз Аржуннинг тушунчаси билан тўғри келадими ёки йўқми, шуни аниқлашимиз лозим. Агар тушунчамиз Аржуннинг тушунчасига тўғри келсагина бу илмни тўғри тушунган бўламиз. "Бхагавад Гита"ни тушунишнинг мезони ана шундан иборат. "Бхагавад Гита"ни ўрганишдан ўзининг руҳий ҳаётида бирор фойда кўришни истаган киши мана шу қоидаларга амал қилиши лозим. "Бхагавад Гита" шунчаки оддий китоб эмас-ки, уни магазиндан сотиб олиб, тушунмаган жойимизни луғатдан қараб ўрганиб чиқсак. Бу йўл билан "Бхагавад Гита" таълимотини ўрганишнинг иложи йўқ. Акс ҳолда Кришна Аржунга "Бхагавад Гита"нинг моҳияти йўқолиб кетган деб айтмаган бўларди.

"Бхагавад Гита"да нозил қилинган илмни нимага фақат руҳий устозлар силсиласи орқали олиш лозим эканини тушуниш қийин эмас. Масалан, агар биз ҳуқуқшунос, муҳандис ёки врач бўлишни истасак, албатта ишонарли ҳуқуқшуноздан, муҳандисдан ва врачдан таълим олишимиз лозим. Энди иш бошлаган ҳуқуқшунос тажрибали ҳуқуқшунос назорати остида малакасини ошириши керак. Ҳали таълим олиб юрган врач-студент тажрибали врачлар назорати остида тажриба ошириши керак. Агар биз ишонарли мутахассислардан илм ўрганмасак, олган илмимиз мукамал бўлмайди.

Илм олишнинг икки усули бор: индуктив ва дедуктив усул. Илм ўрганишнинг дедуктив усули мукамал ҳисобланади. Масалан, "ҳамма одам ўлади", деган гапни олсак, буни текшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки аввалдан маълумки, ҳамма ўлади. Бу ҳақиқатдан келиб чиқадиган дедуктив хулоса шундай бўлади: "Жаноб Жонсон - одам, демак у албатта ўлади". Лекин ана шу "ҳамма одам ўлади" деган гап қаердан чиққан? Индуктив усул билан илм олиш тарафдорлари бунга ишонмасдан, тажриба ёки тадқиқотлар орқали уни текшириб кўришга ҳаракат қиладилар. Бир одам ўлади, бошқаси ўлади, ...шунча одамларнинг ўлганини кўриб, ниҳоят улар ҳам барибир шундай хулосага келадилар: "ҳамма одам ўлади". Лекин индуктив усулнинг муҳим бир камчилиги бор: бизнинг ўтказадиган тажрибаларимиз чекланган. Балки биз ҳеч қачон ўлмайдиган одамни учратмагандирмиз, шунга қарамай чекланган тажрибалар асосида қандайдир хулосалар чиқарамиз. Бизнинг сезгиларимиз мукамал эмас, чекланган, умуман бизларнинг жуда кўп камчилигимиз бор, чунки биз моддий тананинг хусусиятлари билан чекланганмиз. Демак,

индуктив усул билан илм олиш мукаммал эмас. Аксинча ишонарли мукаммал манбалардан илм олиш усули эса мукаммал, бенуксон усул. Илм ўрганишнинг Ведавий усули шундан иборат.

"Бхагавад Гита"нинг обрўсини жуда кўп одамлар тан олганига карамай, унда бир-бирига зид бўлиб кўринадиган жойлар ҳам бор. Масалан, еттинчи бобда Парвардигор Кришна шундай дейди:(7.7)

*маттаҳ паратарам нанйат кинчид асти дхананджайа*

*майи сарвам идам протам сутре мани-гана ива*

“Эй бойлик эгалловчи, Аржун, Мендан устунроқ Ҳақиқат йўқ. Худди ипга тизилган маржонлардай ҳамма нарса Менда мужассам”.

Шри Кришна айтяптики, Мендан устунроқ, ишончлироқ манба йўқ. Буни У аниқ айтяпти. Агар мен “мендан устунроқ одам йўқ!” - десам, одамлар: “бу свамижи жуда ўзига бино кўйган одам экан, жуда ошириб юборди-ку!” - деб айтадилар. Ҳар хил нуқсонларга эга бўла туриб, одам ўзини “энг буюкман!” деб эълон қилса, у шунчаки Худога шак келтираётган бўлади. Лекин Кришна Ўзи ҳақида шундай деб айта олади, чунки биз тарихдан биламизки, ҳатто У Ер сайёрасига келганида ҳам Уни шу даврнинг энг буюк шахси деб тан олган эдилар. Ҳақиқатан ҳам бирор соҳада Кришнага тенглаша оладиган одам йўқ эди.

Ведавий анъаналарга кўра энг буюк ишонарли манбадан олинган илм мукаммал ҳисобланади. Ведаларда бирор ҳақиқатни исботлашнинг уч усули кўрсатилган: *пратйакша*, *анумана ва шабда*. Биринчиси - бевосита кўз билан кўриш орқали исботланган ҳақиқат. Масалан, агар менинг олдимда кимдир ўтирган бўлса, мен унинг ўтирганига ишонаман, чунки уни ўз кўзим билан кўриб турибман. Иккинчи усул - *анумана*, фикрлаш усули. Биз кўчада ўйнаётган болаларнинг товушини эшитяпмиз. Ана шу овозларга асосланиб у ерда нималар бўлаётгани ҳақида хулоса чиқариб оламиз. Учинчи усул - ишонарли манбалардан илм олиш. Биз айнан шу йўл билан “ҳамма одам ўлади” деган гапни олган эдик. Гарчи ҳеч ким буни текшириб кўрмаган бўлса ҳам, ҳамма одам шу ҳақиқатга ишонади. Биз шунчаки ҳамма тан олган, ҳамма қўшиладиган фикрга қўшиламиз. Агар “Ким буни биринчи аниқлаган? Ҳамма одам ўлишини ким аниқлаган? деган савол туғилса, бунга жавоб бериш қийин. Фақат, “бу илм юкоридан олинган”, деб айтиш мумкин. Илм олишнинг шу уч усули ичида учинчиси - *шабда*, яъни ишонарли манбадан олинган илм мукаммал ҳисобланади. Бевосита ҳис қилиш, сезиш ёрдамида олинган илм, айниқса тана билан шартланган ҳолатда олинган илм хамиша нуқсонларга эга. Масалан, сезгиларимиз ёрдамида олинган

илмга асосланиб, “Қуёш - бир кичкина халқа” деган хулосага келиш мумкин. Лекин, биз биламизки, Қуёш - Ердан бир неча минг марта катта бўлган сайёра. Бу ерда кимга ишониш мумкин - кўзимизгами, астроном олимларгами? Гарчи биз ўзимиз Қуёшни ўлчай олмасак ҳам, биз олимларнинг айтганига ишонамиз. Кундалик турмушда биз ҳар қандай соҳада ҳам ишонарли манбаларга ишониб иш қиламиз. Биз ҳеч қачон у жойларда бўлмаган бўлсак ҳам, олаётган хабарларни текшириб кўрмасак ҳам, газета ва радио хабарларидан Ҳиндистонда, Хитойда ёки бошқа давлатларда нималар содир бўлаётганини эшитиб, уларга ишонамиз. Ишонарли одамларнинг айтганини ишониб қабул қилишдан бошқа мукамалроқ илм олиш усули йўқ. Биз илм олаётган манба мукамал бўлса, бизнинг олган илмимиз ҳам мукамал бўлади.

Ведалардан маълумки, Кришна - барча манбалар ичида энг буюк ва мукамал ишонарли манба (*маттаҳ паратарам нанйат кинчид асти дхананжайа*). Буни фақат Кришнанинг Ўзи эмас, балки барча буюк донишмандлар ва "Бхагавад Гита" таълимотининг билимдонлари ҳам тан оладилар. Агар биз Кришнанинг обрўсига сўзсиз ишониб, Унинг гапларини ҳеч иккиланмасдан қабул қила олмасак, бизнинг "Бхагавад Гита"ни ўрганишимизнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди. Бу шунчаки бир догма, муболага эмас, аниқ ҳақиқат. Агар биз Кришнанинг гапларини диққат билан ўргансак, уларнинг ҳақиқат эканига албатта ишонч ҳосил қиламиз. Ҳатто жуда кўп фикрлари Худо Шахсининг айтганларига зид бўлган Шанкарачарйадай буюк донишманд ҳам Кришна - *сваям бхагаван*, Худои Таоло эканини тан олган эди.

Ведаларда берилган донишмандлик илми - яқинда кашф этилган янгилик эмас. Бу илоҳий илм жуда қадим замонлардан бери мавжуд. Кришна бу илмни *пуратанаҳ*, яъни “энг қадимий” деб атайди. У миллион йиллар аввал йога тизими ҳақидаги бу илоҳий илмни Қуёш худосига ўргатган эдим, дейди. Лекин биз ундан ҳам аввал бу илмни Кришна кимга ўргатганини билмаймиз. Худди ҳар йили баҳор, ёз, қиш ва баҳор такрорланавергани сингари, Кришна бу илмни такрор ва такрор ошкор этаверади. Бизларнинг илмимиз жуда чекланган, арзимас. Биз ҳатто Ер юзиде 5.000 йил аввал нималар бўлганини ҳам билмаймиз. Лекин Ведавий битиклар орқали биз миллион йиллар аввал бўлган воқеаларни билиб олишимиз мумкин. Агар биз 3.000 йил аввал нималар содир бўлганини билмасак, бундан 3.000 йил олдин ҳеч нарса рўй бермаган деб хулоса чиқариб бўлмайди-ку. Албатта, тарихий шахс сифатида Кришна бўлмаган деб даъво

қиладиган одамлар ҳам топилиб қолади. Баъзи одамлар, “Маҳобҳорат” эпосига кўра Кришна 5.000 йил аввал яшаган, шунинг учун у миллион йил аввал Куёш худосига бу илмни ўргатган бўлиши мумкин эмас, дейдиган одамлар ҳам бор. Агар мен “миллион йил аввал Куёш сайёрасида бўлдим, у ерда Куёш худоси билан суҳбатлашдим” десам, одамлар: “Бу свамижи қаердаги бўлмағур гапларни айтяпти” - деб ўйлайдилар. Лекин, Кришна ҳақида бундай ўйлаб бўлмайди, чунки У - Худонинг Олий Шахси. Биз Кришнанинг Куёш худосига илм ўргатганига ишонамизми, йўқми, аммо Аржун бунга аниқ ишониб, Унинг гапларини ҳақиқат деб тан олади. У Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олади, шунинг учун Кришнанинг миллион йил аввал ким биландир суҳбатлашганига заррача шубҳа қилмайди. Аржун Кришнанинг ҳамма айтганларини ҳақиқат деб қабул қилади, лекин, бу гаплар кейинги авлодларда шубҳа уйғотмаслиги учун Унга шундай савол билан мурожаат қилади: (4.4)

*апарам бхавато джанма парам жанма вивасватах  
катхам этад виджанийам твам адау проктаван ити*

“Куёш худоси Вивасван Сендан анча олдинроқ дунёга келган. Қандай қилиб Сен унга бу илмни ўргатгансан?”

Аслини олганда бу жуда тўғри савол, унга Кришна шундай жавоб беради(4.5):

*бахуни ме вйатитани жанмани тава чарджуна  
танй ахам веда сарвани на твам ветха парантапа*

“Биз сен билан жуда кўп туғилишларни бошимиздан кечирганмиз. Мен уларнинг ҳаммасини биламан, лекин сен уларни эслай олмайсан, эй душманлар ғолиби”.

Гарчи Кришна - Худои Таоло бўлса ҳам, ер юзига ҳар хил қиёфаларда жуда кўп марта келган. Аржун ҳам, тирик мавжудотлар ҳам жуда кўп марта туғилган. Лекин Худои Таоло билан оддий тирик мавжудот орасидаги фарқ шундан иборатки, *тани ахам веда сарвани* - Кришна, оддий тирик мавжудотлардан фарқли равишда Ўзининг аввалги қиёфаларида қилган ҳамма ишларини билади. Худои Таоло билан оддий одамнинг орасидаги фарқлардан бири шундан иборат. Худои Таоло мангу, биз ҳам мангумиз, лекин биз Худодан фарқли равишда ҳамиша моддий танамизни алмашлаб тураемиз. Ўлгандан кейин биз ҳозирги танамизда қилган ишларимизнинг ҳаммасини унутиб юборамиз, чунки ўлим - унутиш демакдир. Кечаси, ухлаб туш кўраётганимизда биз кимнингдир эри, қайсидир фарзандларнинг отаси эканимизни унутиб қўямиз. Тушимизда ҳатто ўзимизни,

ҳозирги ҳолатимизни ҳам унутиб қўямиз, уйқудан уйғонгандан кейин, ҳамма нарсани эслаб ўзимизга келамиз: “Ҳа, мен шу одамман, бугун уни қилишим керак, буни қилишим керак!” Аввалги ҳаётимизда биз бошқа танада эдик, оиламиз ҳам, ота-онамиз ҳам, фарзандларимиз ҳам бошқа бошқа одамлар эди, яшайдиган жойимиз ҳам бошқа ерда эди - бу ҳақиқатан ҳам шундай, лекин биз ҳозир уларнинг барчасини унутиб юборганмиз. Аввалги ҳаётимизда ким бўлишимиздан қатъий назар - итми, мушукми, одамми ёки фариштами - ҳозир уларни бутунлай унутиб юборганмиз.

Аммо, танамиз қанча ўзгармасин, ўзимиз барибир ҳамиша мангу тирик мавжудот бўлиб қолаверамиз. Худди ундан аввалги ҳаётимиздагидай, аввалги ҳаётимизда биз ҳозирги ҳаётимизга тайёрланганмиз, ҳозир эса ўз ишларимиз билан кейинги ҳаётимизга тайёрланиб юрибмиз. Биз ҳозир қилаётган ишларимизга қараб, *карма* қонуни бўйича кейинги ҳаётимизда маълум танага эга бўламиз. Эзгулик гунасида яшаётган одамлар олий сайёраларга кўтариладилар ва ҳозиргидан яхшироқ ҳаёт шароитларида яшаш имкониятига эга бўладилар(БГ14.14). Эҳтирос гунаси таъсири остида яшаётган одамлар эса,

яна ер сайёрасида туғилдилар, ғафлат гунаси таъсири остидаги одамлар эса, ҳайвон танасига эга бўладилар ёки дўзахий сайёраларга равона бўладилар(БГ.14.15). Бу жараён узлуксиз мангу давом этаверади, лекин биз ҳамма нарсани унутиб юборамиз.

Бир куни осмон шоҳи Индра руҳий устозининг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиб қўйган эди. Шунда руҳий устози уни дуои бад қилди. Ана шу қарғиш оқибатида Индра Ер сайёрасида чўчка танасини олиши керак эди. Осмондаги шоҳона тахтини тарк этиб Индра Ер сайёрасида тўнғиз бўлиб туғилди.

Бундан хабардор бўлган Тангри Брахма Ер сайёрасига тушиб, тўнғиз танасидаги Индрага мурожаат қилди:

- Эй ҳукмдор, сен ногаҳон бу сайёрада чўчка танасига эга бўлдинг, мен сени қутқариш учун келдим. Мен билан юр!

Лекин тўнғиз унга шундай деб жавоб берди:

- Йўқ, мен ҳозир сен билан кета олмайман, бу ерда менинг шунча ишларим бор: мен хотиним, болаларим билан шундай ажойиб чўчкалар даврасида бахтиёр яшайпман!

Ҳатто, Тангри Брахманинг унга аввалги шоҳона тахтини қайтариб беришни ваъда қилганига қарамай, чўчка танасига кирган Индра у билан бирга жаннатий сайёраларга кетишни истамади. Унутиш оқибати мана шундай бўлади. Бизлар ҳам худди шундай

ҳолатдамиз. Парвардигор Кришна бизнинг олдимизга келиб: -"Бу моддий оламда нима қилиб юрибсизлар? *сарва дхарман партиядэжйа мам экам шаранам враджа*. Менинг даргоҳимга қайтинглар, Мен сизларни ҳамма нарсдан ҳимоя қиламан!" - деса, биз Унга: "Эй ҳурматли Зот, мен Сизга ишонмайман. Бу ерда менинг шунча ишларим бор!" - деб жавоб берамиз. Моддий олам шароитига тушиб, шартланиб қолган тирик мавжудотнинг қисмати шундан иборат. Аммо, агар биз руҳий устозлар изидан бориб, руҳий юксалиш йўлига кирсак, йўқолган хотирамиз дарров ўз ўрнига келади.

## **6. Кришнанинг бу дунёга келишлари ва кўрсатган кароматлари ҳақида илм.**

Бизнинг ҳаётимизни моддий табиатнинг икки хил кучи бошқариб туради. Биринчи куч таъсири остида биз ҳаётимизни руҳий юксалишга бағишлаймиз, иккинчи куч - алдамчи қувват, майя эса, бизга: "Ўзингни овора қилиб нима қиласан? Ҳеч нарса ҳақида ўйлама, шунчаки ҳаётдан лаззатланиб қолишга ҳаракат қил!" - деб ақл ўргатади. Инсон фақат унутишга, эсдан чиқаришга мойиллиги билан Худодан фарқ қилади. Аржун Кришнанинг яқин дўсти ва мангу ҳамроҳи, шунинг учун Парвардигор Кришна қачон қайсидир сайёрада пайдо бўлса, Аржун ҳам шу сайёрада туғилиб, Унга ҳамроҳ бўлиб юради. Кришна Қуёш худосига "Бхагавад Гита" илмини ўргатган пайтда ҳам Аржун Унинг ёнида турган, аммо Аржун бошқа тирик мавжудотлар сингари ўлиб-тирилишга маҳкум оддий одам бўлгани учун буларнинг ҳаммасини эсидан чиқариб юборган. Биз ҳатто кеча ёки бир ҳафта олдин айти шу пайтда нима

билан машғул бўлганимизни эслай олмаймиз. Шундай экан, агар биз

ҳозирги ҳаётимизда рӯй берган оддийгина нарсаларни ҳам эслай олмайдиган бўлсак, аввалги ҳаётимизда рӯй берган воқеаларни қаердан биламиз? Шундай савол туғилиши табиий: нимага Кришна ҳамма нарсани эслай олади-ю, биз эслай олмаймиз? Чунки Кришна ҳеч қачон танасини алмашламайди.

*аджо “ни сан авйайатма бхутанам ишваро “ни сан  
пракритим свам адхиштхайа самбхавами атма-майайа*

“Гарчи Мен туғилмаган, илоҳий танам ўзгармас бўлса ҳам, гарчи Мен - барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори ва эгаси бўлсам ҳам, ҳар замонда Мен моддий оламга Ўзимнинг азалий илоҳий киёфамда ташриф буюраман”(БГ.4.6).

*атма-майайа* ибораси шуни англатадики, Кришна бу ерга азалдан, асл ҳолида қандай бўлса шундай киёфада ташриф буюради. Аммо шартланган руҳлар бўлганимиз учун, бизлар ўткинчи моддий танамизни алмашлаб тураемиз, шу сабабли ҳамма нарсани унутиб юборамиз. Кришна фақат Ўзининг ўтмиши, ҳозирги ва келажагини эмас, балки барча тирик мавжудотларнинг ўтмиши, ҳозирги ва келажагини ҳам билади.

*ведахам саматитани вартаманани чарджуна  
бхавишийани ча бхутани мам ту веда на кашчана*

“О Аржун, Мен - Худонинг Олий Шахсиман, шунинг учун ўтмишда нималар содир бўлганини, ҳозир қандай воқеалар бўлаётганини ва келажакда нималар рӯй беришини биламан. Мен барча тирик мавжудотларни биламан, Мени эса ҳеч ким билмайди”(БГ.7.26).

"Шримад Бхагаватам"да ҳам “Худои Таоло - ҳамма нарсани билгувчи Зотдир” деб ёзилган. Ҳатто энг улуғвор, буюк зотлар - Тангри Браҳма ва Тангри Шива ҳақида ҳам бундай гапларни айтиб бўлмайди. Фақат Парвардигор Вишну, яъни Кришна, Худои Таоло ҳамма нарсани билади. Яна бир савол туғилиши мумкин: агар Худои Таоло ҳеч қачон танасини ўзгартирмаса, нимага У Ер юзига ҳар хил киёфаларда ташриф буюради? Бу саволга жавоб беришда файласуфларнинг ҳар хил фикрлари бор. Улардан баъзилари “Кришна бу дунёга келганда вақтинча моддий тана олади” дейдилар, лекин бундай эмас. Агар У ҳам худди бизникига ўхшаган моддий тана оладиган бўлса, бизларга ўхшаб У ҳам ҳамма нарсани эсидан чиқариб юборган бўлар эди, чунки бизларнинг ҳамма нарсани эсимиздан чиқариб юборишимизнинг асосий сабаби танамизнинг ўткинчи, моддий эканлигида. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, демак Кришнанинг танаси ўзгармас, илоҳий. Худои Таолони ҳамма ерда мавжуд деб атайдилар, бу шеърда ҳам Унинг



чексиз қудратга эга экани айтилган. Кришна ҳеч қачон туғилмайди, У - ҳамиша мавжуд. Тирик мавжудот ҳам ҳеч қачон туғилмайди, мангу яшайди. Фақат тирик мавжудотнинг танаси туғилади, тирик мавжудот эса ғофиллиги сабабли ўзини ана шу танага қиёслаб, шу танани “мен”, “ўзим” деб юради.

"Бхагавад Гита"нинг энг бошида, иккинчи бобда Кришна тушунтириб айтадики, биз туғилиш ва ўлиш деб юрган нарсаларнинг сабабчиси - моддий тана ҳисобланади, шунинг учун агар биз моддий иллатлардан покланиб, ўзимизнинг руҳий танамизни қайта тикласак, сифат жиҳатидан Кришна билан бир хил бўламиз. Кришнани англаш усулининг моҳияти - ўзимизнинг азалий мавжуд бўлган мангу *саччид-ананда-виграха* руҳий танамизни қайта тиклашдан иборат. Ана шу танамиз мангу(*сам*), илм(*чит*) ва лаззат(*ананда*)га тўла. Моддий танамиз эса, *сам* ҳам эмас, *чит* ҳам эмас, *ананда* ҳам эмас. Гарчи тана ичидаги шахс мангу бўлса ҳам, моддий танамиз ўткинчи. Бу тана ғофилликка тўла. Ғафлатга тўла ва ўткинчи бўлгани сабабли бу тана бизга чексиз мусибатлар келтиради. Моддий тана ичида яшар эканмиз, биз иссиқ ва совуқдан азоб чекишга мажбурмиз, лекин ўзимизнинг азалий руҳий танамизни қайта тикласак, бундай қарама-қаршиликлар таъсирини сезмай қўямиз. Баъзи йоглар ҳатто моддий тана ичида юриб ҳам иссиқ, совуқ сингари қарама-қаршиликларга эътибор бермасликка ўргандилар. Инсон руҳий жиҳатдан юксала борган сари, унинг моддий танаси ҳам руҳий сифатларга эга бўла боради. Агар темир симни оловга қўйиб турсак, аввалига у киза бошлайди, кейин қизариб, чўғдай қизиб кетади ва худди оловга ўхшаб куйдирадиган бўлади, шунда у теккан нарсасини худди оловдай куйдира бошлайди. Худди шундай, агар одам Кришна онги билан яшаб, руҳий жиҳатдан юксала борса, унинг танаси руҳий сифатларга эга бўла боради ва моддий иллатлар унга таъсир қилмай қўяди.

Кришнанинг туғилиши, кўрсатган кароматлари ва кетиши худди қуёшнинг чиқиши ва ботишига ўхшайди. Эрталаб бизга худди Қуёш шарқдан пайдо бўлганга ўхшаб кўринади, аслида эса ундай эмас. Қуёш чиқмайди ҳам, ботмайди ҳам, у ҳеч қачон ўзгармайди. Фақат Ер сайёраси ўз ўқи атрофида айланиши сабаблигина биз Қуёшни чикди ёки ботди деб тасаввур қиламиз. Худди шундай, Ведавий битикларда Кришнанинг бу моддий оламга қачон келиши, қачон кетиши кўрсатилган. Кришна худди қуёшга ўхшаб келиб кетаверади. Қуёш ҳамиша қаердадир чиқаётган, қаердадир ботаётган бўлади: Ернинг бир бурчагида одамлар қуёшнинг ботаётганини кўриб турсалар, бошқа бир бурчагидаги одамлар унинг чиқаётганини кўрадилар.

Шунинг учун Кришна ҳам маълум бир вақтда бу оламда туғилади, кейин маълум вақтда ўлади, яъни бу оламни тарк этиб кетади, деб ўйламаслик керак. Гарчи худди У келиб кетгандай туюлса ҳам, У қаердадир ҳамиша шахсан мавжуд. Кришна бир вақтнинг ўзида бир неча коинотларда намоён бўлади. Бизнинг тасаввуримиз фақат битта коинот билан чекланган, аммо ведавий муқаддас китоблардан биламизки, бизнинг коинот моддий борлиқнинг арзимас кичик бир зарраси холос.

Кришна - Худои Таоло, туғилмаган ва ўзгармас ягона Парвардигор, лекин шунга қарамай У бу дунёга Ўзининг азалий ўзгармас илоҳий қиёфасида келиб туради. *Пракрिति* ибораси “табиат” деганни билдиради. "Бхагавад Гита"нинг еттинчи бобида айтилганки, табиатнинг ҳар хил турлари мавжуд. Уларни алоҳида уч қисмга бўлиш мумкин: ташқи, ички ва оралик. Ташқи табиат моддий олам кўринишида намоён бўлади, "Бхагавад Гита"нинг еттинчи бобида у *анара*, яъни “қуйи” деб аталган. Кришна бу оламга келганида У қуйи, моддий табиат таъсирига берилмасдан, олий табиатга эга ҳолида келади(*пракритим свам*). Баъзан ҳукумат раҳбари камалганлар қандай аҳволда эканини текшириш учун қамоқхонага бориб, уларга ҳар хил кўрсатмалар бериши мумкин. Агар қамоқдагилар “ҳукумат раҳбари, президент ҳам қамоқхонага келдими, демак у ҳам бизга ўхшаб қамалибди-да”, деб ўйласалар, улар хатолашган бўлади. Аввал айтиб ўтганимиздай, Кришна айтадики, Мен бу оламга инсон қиёфасида келганимда ғофил, аҳмоқ одамлар Менинг устимдан куладилар(БГ.9,11).

Кришна - Худонинг Олий Шаҳси, Олий ҳукмдор бўлгани учун истаган вақтида хоҳлаган жойида пайдо бўла олади, Унинг бирор ишига ҳалақит бериш

ёки Унга бирор ишни таъқиқлаб қўйиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Кришна бутунлай мустақил, шунинг учун истаган вақтида келиши, истаган вақтида кетиши мумкин. Ҳукумат раҳбари қамоқхонага келганида, у ўзи истамаган ҳолда шу ерга келишга мажбур бўлган деб ўйламаслик керак. Кришнанинг моддий оламга келишидан ягона мақсади - адашиб, шартланиб қолган руҳларни озодликка чиқаришдан иборат. Биз Кришнани севмаймиз, аммо У бизни севади. Биз ҳаммамиз Кришнанинг болалари эканимизни Унинг Ўзи таъкидлайди:(14.4)

*сарва-йонишу каунтейа муртайаҳ самбхаванти йаҳ  
тасам брахма махад йонир ахам биджа-прадах пита*

“Билсанг, эй Кунтининг ўғли, ҳаётнинг барча турларидаги тирик

мавжудотлар Она табиат қўйнида пайдо бўлади, Мен эса - табиатни уруғлантирувчи отаман”.

Ота ҳамиша ўзининг ўғлини севади. Ўғли отасини унутиб юбориши мумкин, аммо ота ҳеч қачон ўғлини эсидан чиқармайди. Бизларга бўлган чексиз муҳаббати туфайли Кришна бизларни туғилиб-ўлишлар азобидан халос этиш учун бу моддий оламга ташриф буюради. У айтадики: “Эй азиз фарзандларим, нимага сизлар мусибатга тўла бу моддий оламда азоб чекиб юрибсизлар? Менинг даргоҳимга қайтиб келинглари - Мен сизларни ҳар қандай мусибатлардан ҳимоя қиламан”. Бизлар барчамиз - Худои Таолонинг фарзандларимиз, бизларнинг ҳар биримизнинг ҳеч қандай ташвиш ва муаммоларсиз бахтиёр яшашга ҳаққимиз бор.

Кришна ҳам бу оламга худди бизлар сингари табиат қонунларига бўйсуниб келади, деб ўйламаслик керак. Санскритча *аватара* иборасининг луғавий маъноси “тушиб келган зот” деганни билдиради. Руҳий оламдан моддий оламга ўз хоҳиши билан тушиб келган зотни *аватара* деб атайдилар. Баъзан Шри Кришнанинг Ўзи тушиб келади, баъзан эса У Ўзининг вакилларини юборади. Жаҳондаги барча динлар - масиҳийлик, ислом, индуизм, буддизм - Худонинг даргоҳидан келган бирор шахснинг таълимотига асосланган. Масиҳийлар Иисус Христосни бу оламдаги шартланган руҳларни қутқариб, озодликка чиқариш учун келган “Худонинг ўғли” деб қабул қиладилар. Бизлар, яъни "Бхагавад Гита" таълимотининг издошлари бунга тўла қўшиламыз. Демак, бизларнинг нуқтаи-назаримиз масиҳийларнинг нуқтаи-назари билан бир хил, мавжуд бўлган озгина тафовутлар эса, замон, тарихий вазият, маданият ва иқлим шароитига мосланиш учун киритилган арзимас ўзгаришлардир. Аммо асосий ғоя ўзгармай қолаверади: Худои Таоло ва Унинг вакиллари бу оламга адашган, шартланган руҳларни озод қилиш учун келдилар.

*йада йада хи дҳармасйа гланир бхавати бхарата  
абхйуттханама адхармасйа тадатманам сриджамии ахам*

“Ҳар гал ҳақиқий дин тушқунликка тушганда ва оламда динсизлик, худосизлик авжига чиққанида Мен Ўзим моддий оламга тушиб келаман, эй Бхаратлар аълоси”(БГ.4.7).

Худои Таоло бизларни жуда қаттиқ қайғуради. У бизларнинг мусибатлардан қийналиб юришимизни истамайди, бизлар эса, аксинча зўр бериб ана шу қийинчиликларга мослашиб олишга уринамыз. Худои Таолонинг ажралмас бир бўлаклари бўлган ҳолда бизлар бу дунёда азоб-уқубат чекиб яшаш учун яратилганимиз йўқ,

шунга қарамай бизлар ҳаётда муқаррар азоб-уқубатлар бўлиб туришига кўникишга ҳаракат қилиб юрибмиз. Бизларнинг ҳаётда чекаётган барча мусибатларимиз бизга танамиз, ақлимиз, бошқа тирик мавжудотлар ва табиий офатлар орқали келади. Биз ҳаётда ана шу азоб-уқубатларнинг бирданига ҳаммасининг, ёки бирортасининг таъсиридан қийналиб кун кечирамиз. Бизларнинг тирикчилик учун курашимиз ана шу азоблардан қутулиш муаммосини ҳал қилишдан иборат, лекин бу муаммони ўзимизнинг заррача ақлимиз билан ҳал этишга қодир эмасмиз. Фақат Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган одамгина шу муаммоларнинг барчасини ҳал этиб, мусибатлардан биратўла халос бўлиши мумкин.

Қачон биз ўзимизнинг азалий, бошланғич табиий ҳолатимизга қайтсаккина ҳақиқий бахтиёр бўла оламиз, "Бхагавад Гита" бизга ана шу мақсадга эришишда ёрдам беришга мўлжалланган. Худои Таолонинг Ўзи ва Унинг вакиллари бизга шу йўлда ёрдам беришга мунтазир. Улар фақат шу мақсадни кўзлаб бу моддий оламга ташриф буюрадилар ва бу оламда юрганида моддий табиат қонунларига бўйсунмайдилар, уларга туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик қоидалари таъсир қилмайди. Кришна Ўзининг бу дунёга келишдан мақсадини тушунтирар экан, Аржунга шундай дейди:(4.8)

*паритранайа садхунам винашайа ча душкритам  
дхарма-самстхапанартхайа самбхавами йуге йуге*

“Тақводор, содиқларни қутқариш ва золимларни яқсон қилиш учун, шунингдек ҳақиқий дин қонунларини қайта-тиклаш учун Мен бу ерга ҳар ҳамонда келиб тураман”.

Кришна бу ерда айтяптики, қачон *дхарма* қонунлари поймол бўлганда Унинг Ўзи ташриф буюради. Санскритча *дхарма* сўзини одатда эътиқод(*вера*) деб таржима қиладилар, лекин эътиқод одатда ҳар хил динларга мансубликни билдиради: ислом, христианлик, индуизм ва ҳоказо. Эътиқод ва *дхарма* тушунчалари бир хил маънони билдирмайди. Бир диндан иккинчи динга, масалан, масиҳийликдан исломга, исломдан индуизмга ўтиб, одам эътиқодини ўзгартириши мумкин. Бирор динни қабул қилиб, иккинчи динни инкор этиш мумкин, лекин, *дхармани* ўзгартириб бўлмайди. Инсоннинг табиати шундай-ки, у ҳамisha кимгадир албатта хизмат қилади: нафсига, оиласига, ватанига, инсониятга ва ҳоказо. Тирик мавжудот хизмат қилмасдан тура олмайди - мана шу, яъни хизмат қилиш хусусияти *дхарма* деб аталади. Хизмат қилмасдан яшашнинг иложи йўқ. Бутун олам хизмат қилишдан иборат: биз кимларгадир хизмат қиламиз, кимдир бизларга хизмат қилади. Шунинг учун биз ўзимизни

мусулмон, масихий ёки индуc эканимизни эсдан чиқаришимиз ва барчамиз Худои Таолонинг заррачалари бўлган тирик мавжудотлар эканимизни ва бизнинг вазифамиз Олий тирик мавжудотга хизмат қилишдан иборат эканини тушуниб етишимиз лозим. Агар биз шуни англаб етсак, албатта ҳақиқий озодликка эришамиз.

Озодлик дегани - моддий табиат таъсирига тушиб қолиб, ўткинчи нарсаларни ўзимизга қиёслаб, адашишдан халос бўлишни билдиради. Мана шу ҳақиқий озодлик деб аталади. Ҳозир моддий тана ичида бўлганмиз учун биз ўзимизни баъзан эркак, баъзан ота, баъзан масихий, баъзида индуc деб атаймиз. Аммо, агар биз ҳақиқатан ҳам озодликка чиқишни истасак, бундай қиёслашларни, адашишларни биратўла эсдан чиқаришимиз керак.

Одам ҳеч қандай вазиятда, ҳеч қачон хўжайин бўла олмайди. Биз хамиша кимгадир хизмат қиламиз, лекин ҳозир бизга моддий адашишлар ўз таъсирини ўтказиб турибди. Биз иш жойида кимгадир хизмат қиламиз, оиламизга, хотинимизга, жамиятга, давлатимизга, ўзимизнинг ҳиссиётимизга, болаларимизга, агар хизмат қилишга ҳеч кимни топмасак ит ва мушукларимизга хизмат қила бошлаймиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кимгадир хизмат қилишга интиламиз - бу бизнинг табиий ҳолатимиз. Агар хотин бола-чақамиз бўлмаса - ит ёки мушук олиб сақлаб, уларга хизмат қила бошлаймиз. Бизнинг азалий табиатимиз шундай бўлгани учун, биз табиатимизга бўйсунушга мажбурмиз. Аммо, биз барча адашиш ва қиёслашлардан халос бўлиб, ҳаётимизни илоҳий муҳаббат билан Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга бағишласак, биз ҳаётда ҳақиқий баркамолликка эришамиз, яъни ўзимизнинг азалий, бошланғич, мангу, ҳақиқий *дхармамизга* эришган бўламиз.

Шундай қилиб, Шри Кришна айтяптики, ҳар гал тирик мавжудотларнинг *дхармаси* тушкунликка тушганида, яъни улар Худои Таолога хизмат қилмай қўйганида Унинг Ўзи бу оламга ташриф буюради. Бошқача қилиб айтганда, қачон тирик мавжудот ўткинчи лаззатлар изидан кувиб, ўзининг ҳиссиёти талабларини бажаришга, нафсини тўйғазишга керагидан кўпроқ эътибор бера бошлаганида Худои Таоло бу ерга ташриф буюради. Масалан, Ҳиндистонда одамлар дин қонунларини нотўғри талқин қилиб, жуда кўп ҳайвонларни қурбонлик маросими баҳонаси билан қурбон қила бошлаган заҳоти Парвардигор Будда қиёфасида ташриф буюрди ва *ахимса*, “ҳеч қандай тирик мавжудотга озор бермаслик” қонунини ўрнатиб кетди.

Юқоридаги шеърда Кришна айтадики, Унинг келишидан яна бир

мақсади - *садху*(такводор)ларни ҳимоя қилишдан иборат. *Садху* - сабр-тоқат тимсолидир, чунки у ҳаётда шунча қийинчилик, қаршилиқларга учрашига қарамай одамларга ҳақиқат илмини ўргатишга ҳаракат қилади. Ҳақиқий *садху* қандайдир миллатнинг, давлатнинг ёки алоҳида жамоанинг эмас - ҳамманинг: бутун инсониятнинг, барча тирик мавжудотларнинг дўстидир. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқий *садху* ҳеч кимга душманлик қилмайди, аксинча, у - ҳамманинг дўсти, шунинг учун у ҳамиша қалби хотиржам, осойишта яшайди. Бошқаларга Худои Таолонинг илмини тарқатиб, уларни мусибатлардан халос этиш йўлида ҳамма нарсадан воз кечган шундай одамлар Худои Таоло учун жуда-жуда азиз, кадрлидирлар. Агар одамлар *садхуни* ҳақорат қилсалар ҳам, унинг ўзи бунга аҳамият бериб ўтирмайди, лекин, Кришна, Худои Таоло *садхуни* ҳақорат қилган одамни ҳеч қачон кечирмайди. "Бхагавад Гита"нинг тўққизинчи бобида айтилганидай, Кришна ҳаммага баробар муносабатда бўлади, лекин барибир У Ўзининг содиқларига алоҳида меҳрибонлик қилади:(9.29.).

*само "хам сарва-бхутешу на ме дवेशйо "сти на приях  
йе бхаджанти ту мам бхактия майи те тешу чапи ахам*

"Мен ҳеч кимга душманлик қилмайман ва ҳеч кимни ўзимга яқин тутмайман. Мен барчага бир хил муносабатда бўламан. Аммо, Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган одам - Менинг дўстимдир, у ҳамиша Менда, Мен ҳам унинг дўстиман".

Кришна барчага баробар муносабатда, аммо "Бхагавад Гита" таълимотини бошқаларга ўргатиб, ҳамиша Кришна онгида ҳаракат қилиб юрган одамга У алоҳида эътибор беради. Шри Кришна ваъда бериб айтадики, Унинг содиқ хизматкори ҳеч қачон ўлмайди: *каунтейа пратиджанихи на ме бхактах пранашияти*(9.31)

Лекин Кришна бу оламга фақат Ўзининг содиқларини қутқариш ва ҳимоя қилиш учун эмас, золимларни яқсон қилиш учун ҳам келади(*вишнайа ча душкритам*). Энг халол, пок виждонли *кшатрийлар* ва Ўзининг содиқлари бўлган учун Кришна бутун оламга беш Пандузода - Аржун ва унинг оға-инилари ҳукмронлик қилишини ва Дурйодхоннинг худобехабар тарафдорларини яқсон бўлишини истаган эди. Кришнанинг бу оламга келишдан учинчи мақсади - ҳақиқий дин, *дхарма* қонунларини қайта тиклашдан иборат эди(*дхарма-самстхапанартхайа*). Шундай қилиб, моддий оламга келар экан, Кришна уч мақсадни кўзлаган: содиқларини ҳимоя қилиш, иблис-золимларни яқсон қилиш ва барча тирик мавжудотларнинг ҳақиқий фаолиятини - *дхармасини* ўрнатиш. У бу

оламга бир мартагина келмайди, У такрор ва такрор келаверади(*самбхавами йуге йуге*), чунки моддий олам шундай яратилган: уни яхшилашга қанчалик уринсанг ҳам, вақт ўтиши билан у барибир яна таназзулга юз тутаверади.

Бу моддий олам шундай яратилганки, биз уни яхшилашга қанчалик пухта ҳаракат қилмайлик, у барибир тобора ёмонлашиб бораверади. Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳамма давлатлар ўзаро битим тузиб, жаҳонда тинчлик ўрнатган эдилар, ҳозир эса учинчи жаҳон урушига зўр бериб тайёргарлик кўриляпти. Моддий оламда *кала*, Вақт ўзини ана шундай намоён этади. Биз чиройли, мустақкам қилиб ажойиб иморат қуришимиз мумкин, 50 йил ўтгандан кейин у эскириб, тўзиб қолади, 100 йилдан кейин эса умуман яроқсиз ҳолга келади. Одамлар ҳам шундай - токи одам ёш, гўзал, навқирон экан ҳамма унга хизмат қилишга, меҳрибонлик қилишга интилади, уни севадилар, унга интиладилар, аммо кексайиб, касалланиб қолганида унинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолади. Моддий табиатнинг бешафқат қонуни шундай: ҳатто энг гўзал нарса ҳам вақт ўтиши билан кўримсиз бўлиб қолади - ҳамма нарсани вақти-вақти билан тартибга солиб туришга тўғри келади. Шунинг учун инсонлар маданиятини тўғри йўлга йўналтириш ниятида Худои Таолонинг Ўзи ва Унинг вакиллари вақти-вақти билан бу оламга келиб турадилар. Шундай қилиб, макон, замон ва шароитга қараб ҳар хил кўринишларда ягона дин қонунларини ўрнатиш ёки уларни қайта тиклаш учун Шри Кришна такрор ва такрор бу дунёга келиб туради.

## **7. Илм - руҳий устозга ишонч ва Кришнага садоқат тимсолида.**

"Бхагавад Гита"нинг тўртинчи бобида Шри Кришна тасдиқлаб айтадики, барча қурбонлик маросимлари ичида энг аълоси - илм ўрганишдир.

*шрейан дравйа-майад йаджнадж джнана-йаджнаҳ парантапа  
сарвам кармакхлам партха джнана парисампйате*

“Эй душманларни яксон қилувчи зот, илм ўрганишдан иборат қурбонлик маросими моддий бойлик қурбон қилишдан афзалдир,

чунки барча қурбонлик маросимлари охир-окибатда барибир илоҳий илм ўрганишга ёрдам беради, эй Притхининг ўғли.(4.33).

Биз фақат ўзимизнинг ғофиллигимиз туфайли моддий табиат билан шартланиб қолганмиз, шунинг учун ҳақиқий илм ўрганиш - барча қурбонлик маросимларнинг энг яхшисидир. Қурбонлик маросими ўтказишдан, риёзат чекишдан, йога билан шуғулланишдан, фалсафий муҳокама-бахслардан мақсад илм ўрганишдир. Илоҳий илм ўрганишнинг уч поғонаси мавжуд: Худои Таолонинг шахсиятсиз кўриниши(Брахман)ни англаб етиш; Худои Таолонинг ҳар бир тирик мавжудотда, ҳар бир атомда мужассам қиёфаси(Параматма ёки Олий Рух)ни англаб етиш; Худонинг Олий Шахсини англаб етиш. Илм олиш йўлида биринчи қадам қўйиш учун одам энг аввало мана шу ҳақиқатни тушуниб олиши керак: “Мен тана эмасман. Мен - мангу руҳман, шу боис менинг вазифам - моддий олам тутқунлигидан халос бўлишдан иборат”. Аслида биз ўтказатган ҳар қандай қурбонлик маросими бизга ҳақиқий илм олишга ёрдам бериш учун мўлжалланган. "Бхагавад Гита"да(7.19) айтилганидай, одам ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширганида ҳақиқий илмни мукамал эгаллаган бўлади: *бахунам жанманам анте джнанавам мам прападйате*. Кришнага ўз ихтиёрини қандайдир ғофил, аҳмоқ одам эмас, фақат мукамал илмга эга бўлган донишманд одам топширишга қодир бўлади, мана шу мукамал илмнинг энг юқори поғонаси бўлади. "Бхагавад Гита"нинг охирида Кришна Аржунга такрор маслаҳат бериб, шундай дейди:(18.66)

*сарва-дхарман паритйаджйа мам экам шаранам враджда  
ахам твам сарва-папехйо мокшайишиами ма шучаҳ*

“Барча динларни тарк эт ва ўз ихтиёрингни Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг окибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан қўрқма”.

Мана шу ҳақиқий илмнинг энг махфий, сирли қисми. Ведавий битикларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкин: илм олишнинг энг юқори поғонаси - Кришнага садоқат. Лекин қандай қилиб биз ўз ихтиёримизни Кришнага топширишимиз мумкин? Худого ўз ихтиёрини топшириш - тўлиқ илмга эга бўлиш демакдир, чунки мукамал илмга эга бўлган одам Васудева, Кришна - ҳамма нарсанинг асоси эканини тушунади. "Брахма-самхита"(5.1)да ҳам шу ҳақиқат тасдиқланади:

*шивараҳ парамаҳ кришнаҳ сач-чид-чананда виграҳаҳ  
анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам*

“Говинда деб аталадиган Кришна - Худонинг Олий Шахсидир. Унинг танаси мангу, руҳий, илм ва лаззатга тўла. У бутун борлиқнинг



манбаи бўлган ҳолда Ўзининг манбаи йўқ, чунки У - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси”.

*сарва-карана* ибораси Кришна - барча сабабларнинг сабабчиси эканини билдиради. Масалан, агар сиз отангизнинг отаси, унинг отаси, унинг отаси ким эканини аниқлаш, бутун авлодаждодингизнинг энг қадимий, бошланғич аждодини аниқлаш имкониятингиз бўлганида эди, сиз охир-оқибатда энг биринчи бобокалон, отага - Худонинг Олий Шахсига бориб етган бўлардингиз.

Албатта, ҳар бир одам Худои Таолони ҳозироқ кўргиси келади, лекин бунинг сира иложи йўқ. Қачон биз мукамал илмга эга бўлиб, бунинг учун зарур сифатларни ривожлантирсаккина Худои Таолони кўра оламиз. Биз Худои

Таолони худди ҳозир бир-биримизни кўриб тургандай яққол кўра оламиз, лекин бунинг учун маълум бир сифатларга эга бўлишимиз, бошқача қилиб айтганда, Кришна онгига эга бўлишимиз лозим. Кришна онгига эга бўлиш, Кришна онги билан яшаш *шраванам* ("Бхагавад Гита" ва бошқа муқаддас китоблардан Худои Таоло ҳақида тинглаш) ва *киртанам* (эшитган нарсаларимизни бошқаларга гапириб бериш ва Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиш, шарафлаб куйлаш)дан бошланади. Ана шундай *шраванам* ва *киртанам* жараёнида биз ҳақиқатан ҳам Худои Таоло билан мулоқотда бўламиз, чунки Кришна мутлақ табиатга эга ва У Ўзининг номидан, киёфаларидан, сифатларидан ва эрмакларидан фарқ қилмайди. Биз Кришна билан муносабат ўрнатган заҳоти У илм нури билан ғофиллик зулматини тарқатиб юборади ва бизга Уни англаб етишга ёрдам беради. Ана шу пайтда бизнинг қалбимизда ҳам мавжуд бўлган Кришна бизнинг руҳий устозимиз вазифасини бажаради. Кришна ҳақида ҳикоялар тинглай бошлаганимизда биз шунча умрлар давомида моддий табиат билан аралшиб юрганимиз сабабли ақлимизга ўтириб қолган моддий иллатлардан поклана бошлаймиз. Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти, лекин Ўзининг содиқ хизматкори учун у энг яхши дўст. Шунинг учун бизнинг қалбимизда Унга яқинлашишга озгина интилиш пайдо бўлган заҳоти У қалбимизда туриб, бизга ҳар хил кўрсатмалар бера бошлайди, шу насиҳатларига амал қилиб биз ҳаётда руҳий жиҳатдан юксала борамиз. Кришна - бизларнинг биринчи руҳий устозимиздир, кейин бизнинг Кришнага бўлган интилишимиз етарли даражада кучайганида, бизга ташқаридан насиҳатлар бера оладиган *садху*, руҳий устозга мурожаат қилишимиз лозим. Қуйидаги шеърда Кришна бунинг қанчалик муҳим эканини айтиб ўтган:(4.34)

*тад виддхи пранипатена парипрашнена севайа*

*упадекийанти те джнанад джнанинас таттва-даршинах*

“Ҳақиқатни англаб олиш учун руҳий устозга мурожаат қил. Унга камтарин саволлар бер ва хизматини қил. Ўзлигини англаб етган зотлар сенга илм беришга қодир, чунки улар ҳақиқатни кўра биладилар”.

Биз ўз ихтиёримизни ҳеч иккиланмай топшира олишимиз мумкин бўлган одамни излаб топишимиз лозим. Албатта, ҳеч ким ўз ихтиёрини бировга топширгиси келмайди. Биз ўзимизнинг зиғирчалик илмимиздан жуда мағрурмиз, шунинг учун: “Наҳотки менга ақл ўргатишга қодир бўлган бирор одам бўлса?” - деб ўйлаймиз. Баъзи бировлар эса, “руҳий юксалиш учун ҳеч қандай руҳий устознинг умуман кераги йўқ” деб ўйлайдилар. Лекин, "Бхагавад Гита", "Шримад Бхагаватам", Упанишадлар сингари ведавий муқаддас китоблар албатта руҳий устоз бўлиши кераклигини таъкидлаб айтадилар. Ҳатто моддий оламда, мусиқа ўрганишни истаган киши тажрибали устоздан мусиқа ўрганиши, муҳандис бўлишни истаган киши эса, университетга кириб, техникани яхши тушунадиган одамлардан илм, ҳунар ўрганиши керак. Шунчаки магазиндан китоб олиб ўқиш билан врач бўлишнинг иложи йўқ-ку. Бунинг учун албатта тажрибали врачлар раҳбарлиги остида илм ўрганиш, уни амалда қўллашни ўрганишимиз лозим. Наҳотки бирор китоб сотиб олиб, уни ўқиш билан бирор ҳунарни мукамал ўрганиб бўлса? Китобда ёзилган нарсани амалда кўрсатадиган биров албатта бўлиши керак. Худои Таоло ҳақидаги илмни ўрганиш учун эса, Худонинг Олий Шаҳси, Кришнанинг Ўзи бизга биз ўз ихтиёримизни топшира оладиган кишини излаб топишни маслаҳат беряпти. Демак, биз аввало ундай одам бизга "Бхагавад Гита" ва бошқа муқаддас китобларда берилган Худои Таоло ҳақидаги илмни ҳақиқатан ҳам бера оладими, йўқми - текшириб кўришимиз лозим. Руҳий устоз танлашга жиддий ёндошиш, шонилмаслик керак. Биз Худои Таоло ҳақидаги илмни ҳақиқатан ҳам мукамал биладиган одамни бор имкониятимизни ишга солиб топишга ҳаракат қилишимиз лозим.

"Бхагавад Гита"нинг бошида Аржун Кришна билан худди дўстлардай суҳбатлашаётган эди. Шунда Кришна Аржундан жангчи бўла туриб, нимага жангда иштирок этишни истамаётганини сўради. Аржун бундай дўстона суҳбат, мунозаралар унга ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бермаслигини тушуниб етганида, ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширди: *ишийас те* “ҳам шадхи мам твам прапаннам - “Энди мен Сенинг шогирдингман, ўз

ихтиёримни бутунлай Сенга топшираман. Илтимос, менга йўл кўрсат!”(БГ.2.7). Айнан шундай қилиш керак - одам ўз ихтиёрини рухий устозга кўр-кўрона топширмасдан, унга мазмунли саволлар билан мурожаат қилиши керак.

Савол бермай туриб шогирд рухий илм олишга қодир эмас. Мактабда ўқиганда ҳам, одатда ҳамиша ўқитувчига ҳар хил мазмунли саволлар берадиган ўқувчи яхши ўқувчи ҳисобланади. Агар ёш бола ҳамиша отасидан: “Бу нима? Бу нима?” деб сўрайверадиган бўлса, демак у фаросатли бола. Агар биз ҳеч қандай савол бермасак, ҳатто энг зўр рухий устозга шогирд бўлсак ҳам, ундан ҳеч қандай илм ололмаймиз - рухий жиҳатдан ривожлана олмаймиз. Лекин, бизнинг бераётган саволларимиз рухий устознинг жаҳлини чиқармаслиги керак. “Ҳозир мен бир савол бериб, унинг қандай рухий устоз эканини текшириб кўраман!” - деб ўйламаслик керак. Биз рухий устозга фақат савол берибгина(*парипрашнена*) қолмасдан, унга хизмат қилишимиз (*севайя*) лозим. Рухий устозига хизмат қилмай юрган одам бекорга савол бераётган бўлади. Лекин, бизга ҳақиқатан ҳам тўғри насихатлар бера оладиган рухий устозни топишга аввал ўзимиз қодир бўлишимиз лозим. Масалан, агар биз олтин ёки бирор қимматбаҳо нарса сотиб олишни истасагу, лекин улар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмасак, шунда ҳам магазинга, заргарнинг олдига борсак, - бизларни дарров алдашга уринадилар. Агар биз магазинга бориб, сотувчидан: “Менга бриллант бериб юборинг!” - деб сўрасак, у бизнинг ҳеч нарсани тушунмайдиган аҳмоқ эканимизни, оддий нарса учун биздан мўмай пул ундириш мумкинлигини дарров тушуниб олади. Рухий йўлда бундай изланишлар ҳеч қандай фойда бермайди. Шогирд аввало ўзининг фикрлаш қобилиятини, тафаккурини ривожлантириши лозим, акс ҳолда рухий юксалишнинг иложи йўқ.

“Веданта-сутра”нинг биринчи насихати шундай: *атхато брахма-джижнаса* - “Энди Брахман ҳақида савол бериш вақти келди”. *Атха* ибораси шуни кўрсатадики, фақат чуқур фикрлаш қобилиятига эга, дунёвий ҳаётдан бутунлай ҳафсаласи пир бўлган заковатли одамгина маъноли саволлар бера олади. "Шримад Бхагаватам"да айтилганидай, шогирд рухий устозидан дунёвий ғофиллик зулматидан, моддий оламдан ташқарида бўлган нарсалар ҳақида сўраши лозим. Моддий оламнинг табиати шундайки, у ҳамиша қоронғу зулматга чўмган, уни фақат оловнинг, қуёшнинг нурларигина ёритиб туради. Рухий устоздан зулмат қоплаган мана шу моддий оламдан ташқарида ётган нарсалар ҳақида сўраш, бу оламдан ташқарида ётган илохий, рухий олам ҳақида савол бериш керак. Фақат рухий олам ҳақида илм олишга

интилаётган одамгина рухий устоз излаши лозим, акс холда рухий устоз излашнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди. Ўзининг шахсий ёки оилавий ҳаётини, моддий аҳволини яхшилаш ниятида "Бхагавад Гита", "Шримад Бхагаватам" ёки "Веданта-сутра" таълимотини тушунишга уриниб юрган одамга рухий устоз излашнинг ҳеч қандай зарурати йўқ. Қачон бизда Брахман ҳақида савол бериш истаги туғилганда, Мутлақ Ҳақиқат ҳақида мукаммал илмга эга бўлган рухий устоз излашни бошлаш керак. Мутлақ Ҳақиқат - Кришнадир. "Бхагавад Гита"нинг еттинчи бобида Шри Кришна шундай дейди:(7.3)

*манушийанам сахасрешу кашичид йатати сиддхайе*

*йататам апи сиддханам кашичин мам ветти таттватах*

“Минглаб одамлардан биттаси баркамолликка интилади. Камолотга эришганлар орасида эса, биргина одам Мени ҳақиқатан ҳам англаб етган бўлиши мумкин”.

Ҳақиқатан ҳам, камолотга эришган илоҳиёт одамлари орасидан биргина одам Кришнани англаб етган бўлиши мумкин. Юқоридаги шеърдан кўриниб турибдики, Кришнани англаб етиш осон эмас. Лекин, шунга қарамай, "Бхагавад Гита"да бу иш унчалик қийин эмаслиги ҳам айтилган:(18.55)

*бхактйа мам абхиджанати йаван йаши часми таттватах*

*тато мам таттватато джнатва вишате тат-анантарам*

“Фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли билангина Худои Таолони асл ҳолида ҳақиқатан ҳам англаб етиш мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида Худои Таолони тўлиқ англаб етган киши Унинг даргоҳига кира олади.(БГ.18.55).

Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган кишининг Кришнани англаб етиши қийин эмас. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида Кришна ҳақидаги илмни мукаммал эгаллаб олиш ва Худонинг даргоҳига, рухий оламга кириш ҳуқуқига эга бўлиш мумкин. "Бхагавад Гита"да айтилганки, жуда кўп умрлардан кейин одам барибир Кришнага ўз ихтиёрини топширади. Шундай экан, нимага ҳозирок ўз ихтиёримизни Кришнага бутунлай топшириб қўя қолмаймиз? Нимага шунча умрлар давомида бу дунёда азоб чекиб, кутиб юришимиз керак? Агар Кришнага ўз ихтиёрини топшириш камолотга эришишнинг энг юқори поғонаси бўлса, нимага ҳозирок энг баркамол инсон бўлиб қўя қолмаймиз? Гап шундаки, ҳар бир одамни ҳамиша ҳар хил шубҳа-ю гумонлар қийнаб юради. Бир лаҳзадаёқ Кришнани англаб етиш мумкин, аксинча, миллион умрлар яшаб ҳам Кришнани англай олмай юравериш мумкин. Бу ҳар

кимнинг ўз хошишига боғлиқ. Агар истасак, Кришнага бутунлай ўз ихтиёримизни топшириб, бир лахзадаёқ *махатма*, буюк инсон бўлишимиз мумкин. Лекин қалбимизда Кришна ростдан ҳам Худои Таоломи, йўқми деган гумон, шубҳалар бор бўлгани сабабли, муқаддас китобларни ўрганиб, шу гумонларни тарқатиб юбориш учун бизга анча вақт керак бўлади. Ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида "Бхагавад Гита"ни ўрганиш бизни ҳар қандай шубҳа-ю гумонлардан поклайди, шунда руҳий камолотга эришиш йўлида биз катта муваффақиятга эришамиз.

Бизларнинг аввал қилган гуноҳ ишларимиз оқибати билан бирга қалбимиздаги барча гумонларни айнан ҳақиқий илм олови ёқиб кул қилиб юборди. Ҳақиқатан ҳам Кришнани англаб етган одамга саволлар бериб, ундан

илм ўрганган киши нималарга эришиши ҳақида Кришнанинг Ўзи шундай дейди:(4.35-37)

*йадж джнатва на пунар мохам эвам йасйаси пандава  
йена бхутанй ашешани дракийасй атманй атхо майй  
апи чед аси папехйах сарвехйах папа-крит-тамах  
сарвам джнана-плавенаива вриджинам сантаришийаси  
йатхайдхамси самиддхо “гнир бхасма-сат куруте “рджуна  
джнанагних сарва-кармани бхасма-сат куруте татха*

“Ҳақиқий ўзлигини англаб етган зотдан ҳақиқий илм ўрганиб, сен ҳеч қачон адашмайсан, чунки ҳақиқий илм сенга барча тирик мавжудотлар Худои Таолонинг ажралмас заррачалари эканини, бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳаммаси Менда ва Меники эканини кўра билишга ёрдам беради. Агар сен ҳатто гуноҳкорларнинг энг пасткаши бўлсанг ҳам, ана шу илоҳий илм кемасига чиқиб, бу мусибатлар уммонини кечиб ўта оласан. Эй Аржун, худди ёнаётган олов ўтинларни ёндириб кулга айлантиргани сингари, ҳақиқий илм олови ҳам дунёвий фаолиятингнинг барча оқибатларини ёқиб кул қилиб юборди”.

Руҳий устоз бизнинг қалбимизда илм оловини ёқади, тобора авж олиб ана шу олов бизнинг аввалги қилган гуноҳларимиз оқибатини ёқиб юборди. Бу дунёда тутқун бўлиб қолаётганимизнинг асосий сабаби - карма, яъни бизнинг дунёвий фаолиятимизнинг оқибатларидир. Одам ўзининг ҳаёти давомида яхши ёки ёмон ишлар қилиши мумкин, бу шеърдаги *сарва кармани* ибораси унинг барча қилган ишларини эътиборга олиб турибди. Моддий олам тутқунлигидан бутунлай озодликка чиқишга интилаётган одам учун ҳар қандай дунёвий фаолиятнинг натижаси ҳам - хоҳ у савоб иш

бўлсин, хоҳ гуноҳ иш - барибир тўсқинлик қилади. Моддий оламда эзгулик гунаси таъсирида бўлган одам савоб, эзгу ишлар қилишга боғланиб қолади, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсир қилаётган одам эса гуноҳ ишлар қилади. Аммо Кришнани англаб, Кришна онги билан яшашга интилаётган киши учун савоб ишларнинг ҳам, гуноҳ ишларнинг ҳам мутлако кераги йўқ. Савоб ишлар одамни кейинги ҳаётида бой, бадавлат, тақводор оилада туғилиш, гуноҳ ишлар эса ночор, маданиятсиз ҳайвонсифат одамлар оиласида, ёки ҳатто ҳайвонлар орасида туғилишга мажбур қилади. Лекин қандай шароитда бўлмасин, моддий оламда туғилиш - асирликка, тутқунликка тушиш, яъни кул бўлиш демакдир. Шунинг учун қалбида Кришна онгини ривожлантиришга интилаётган киши аслида ҳар хил таналарда туғилиш ва ўлишлар тутқунлигидан халос бўлишга интилаётган одамдир. Агар биз моддий, дунёвий ҳаёт азоб-укубатларидан халос бўлишга қодир бўлмасак, бой, бадавлат оилада туғилишнинг қандай маъноси бор? Биз моддий оламда қилган савоб ишларимиз натижасидан роҳатланиб яшаймизми ёки гуноҳ ишларимиз оқибатидан азобланиб яшаймизми - барибир моддий тана олишга мажбур бўламиз, демак ҳар хил моддий мусибатларга албатта дучор бўламиз.

Туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан халос бўлиш учун Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш керак. Ақлимизда ҳақиқий илм олови ёниб турмагани сабабли бизга қандайдир моддий фаолият бизга албатта бахт олиб келадигандай бўлиб туюлади. Ит ёки чўчка ўзининг ҳозирги ҳаёти қанчалик ачинарли аҳволда эканини тушунмайди. Улар ҳақиқатан ҳам ўзларини ҳаётда лаззатланиб яшаётгандай ҳис қиладилар, - Худои Таолонинг моддий қуввати тирик мавжудотнинг ақлини ўғирлаб, ҳаётда ана шундай алдаб қўяди. Бауэри

кўчасида, шундоқ кўчада ҳар хил одамлар маст бўлиб, балчиққа булғаниб, ағанаб ётадилар, лекин уларнинг ҳаммаси: “Биз ҳаётдан лаззатланиб яшаймиз” деб ўйлайдилар. Ўтиб бораётган соғлом фикрли одамлар эса, уларни кўриб: “Қандай бахтиқаро одамлар-а!” - деб ўйлайдилар. Худои Таолонинг алдамчи қувватининг қудрати шундай: ҳатто энг оғир аҳволда яшаб туриб ҳам, биз ўзимизни бахтиёр ҳис қиламиз. Мана шу ғофиллик деб аталади. Лекин инсоннинг тафаккур кўзи очилиб, у ҳақиқатни кўра бошлаганида у ўзининг бахтсиз эканини тушуна бошлайди: “Йўқ, мен бахтсизман. Мен озод бўлишни истайман, лекин озод эмасман. Мен ўлишни истамайман, аммо барибир ўлишга мажбурман. Мен кексайишни

истамайман, лекин кексайишга мажбурман. Мен касал бўлишни, азоб чекишни истамайман, лекин қўлимдан келмайди”. Инсон ҳаётининг асосий муаммолари шундан иборат, лекин, уларга эътибор бермаган ҳолда биз ҳаётда иккинчи даражали муаммоларни ҳал қилиш билан бандмиз. Бу моддий тана ичида кечирадиган умримиз қанчалик қисқа эканини эсимиздан чиқариб, биз иккинчи даражали бўлган иқтисодий муаммоларни ҳал қилишни ўзимизнинг асосий мақсадимиз қилиб олганмиз. Аммо, иқтисодий фаровонликка эришамизми-йўқми, бир неча йилдан кейин барибир умримиз албатта тамом бўлади. Шунинг учун агар биз ҳатто миллион доллар ишлаб топсак ҳам, танани тарк этаётиб, биз улардан маҳрум бўлишга мажбурмиз. Моддий табиат таъсири остида бизнинг бу моддий оламда қилган ҳар қандай дунёвий ишимиз албатта йўққа чиқишини англаб етиш керак.

Биз озод бўлишни истаймиз бутун жаҳон бўйлаб, ҳатто коинот бўйлаб саёҳат қилишни истаймиз. Мангу руҳнинг ҳақиқатан ҳам бунга тўла ҳаққи бор. "Бхагавад Гита" руҳнинг табиатини *сарва-гата* деб таърифлайди, бу дегани у истаган жойида саёҳат қилиб юришга қодир деганини билдиради. Масалан, Сиддхалокада шундай мукамал ҳолатга эришган йоглар яшайди, улар моддий оламнинг истаган жойига ҳеч қандай механик қурилма-самолетларсиз бора оладилар. Моддий тана шароитлари чегарасидан чиққандан кейин биз дарров чексиз қудрат ва имкониятларга эга бўламиз. Бизлар - руҳий зарралармиз, асл ҳолатимизда қанчалик қудратли эканимизни биз ҳозир ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Шунинг ҳатто ўйлаб ҳам кўрмасдан, Ер сайёрасидан озгина юқорига кўтарилган оладиган космик кемалар учуриб, “моддий илм-фанда катта ютуқларга эришдик” деб гердаямиз. Биз космик кемалар тайёрлашга миллион долларлаб маблағ сарфлаймиз, лекин ҳеч қандай маблағ сарфламай коинотнинг истаган жойига сайр қилишга қодир эканимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ана шу руҳий қобилиятларни ривожлантириш учун инсон ҳақиқий илмга эга бўлиши керак. Бу илм аслида ҳозир ҳам бор, фақат уни ривожлантириш лозим. Қадим замонларда одамлар ана шу илмга эришиш учун узоқ йиллар давомида қаттиқ риёзатларга берилганлар, аммо ҳозирги даврда ҳаётимиз ҳар хил ташвиш ва хавотирларга тўла ва жуда қисқа бўлгани сабабли, бунинг иложи бўлмай қолди. Биз яшаётган ҳозирги даврда илм олиш учун фақат биргина йўл қолган, бу йўл - Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш. Бу усулни бизга Парвардигор Чайтанья Махапрабху ўргатиб кетган. Агар шу усул ёрдамида биз қалбимизда ҳақиқий илм оловини ёндиролсак, шу олов

бизнинг барча гуноҳларимиз оқибатини ёндириб, кулга айлантириб юборади ва қалбимизни поклайди.

*на хи джанена садришам навитрам иха видйате  
тат свайам йога-самсиддхах каленатмани виндати*

“Бу дунёда илоҳий илмдан ҳам улуғворроқ ва покроқ ҳеч нарса йўқ. Бу илм - барча сеҳр илмининг етилиб пишган меваси, Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришган зотлар вақти келиб қалбида мана шу илмга эга бўладилар”(4.38).

Мана шу улуғвор ва пок илм нима экан? Бу - бизлар барчамиз Худои Таолонинг ажралмас зарралари эканимиз ва шу боис ўзимизнинг онгимизни ана шу олий онг билан, яъни Кришна онги билан боғлашимиз лозим экани ҳақидаги илмдир. Ҳамма нарса моддий табиат гуналари таъсири остида булғанган моддий оламда мана шу илмдан ҳам покроқ илм йўқ. Эзгулик ҳам булғанишнинг бир тури. Эзгулик гунаси таъсири остидаги одам ўзининг қандай ҳолатда эканини тушунишга қодир бўлади, илоҳий нарсаларга қизиқа бошлайди, лекин унинг камчилиги шундан иборатки, у: “Мен энди ҳамма нарсани биламан. Энди мен мақсадга эришдим!” деб ўйлайди. Шунинг учун, у бу оламни тарк этишни истамайди. Бошқача қилиб айтганда, эзгулик гунаси таъсири остидаги одам қамоқхонада яхшироқ жой топиб олган, шунинг учун қамоқхонадан ташқарига чиқишни истамайдиган одамга ўхшайди. Шундай экан, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остидаги одамлар ҳақида нима дейиш мумкин? Шунинг учун биз ҳатто эзгулик гунасидан ҳам юқори кўтарилишимиз лозим. Одам қачон: *ахам брахмасми* - ”Мен тана эмасман, мен руҳман!” - деб, ўзининг ҳақиқий ўзлигини англаб етганидагина ана шундай илоҳий даражага кўтарилади. Лекин бу ҳам ҳали етарли эмас. Ўзимизнинг асл ҳолимизга қайтиш учун бундан ҳам кўпроқ ҳаракат керак:(18.54)

*брахма-бхутах прасаннатма на шочати на канкшати  
самаҳ сарвешу бхутешу мад-бхактим лабхате парам*

“Илоҳий даражага кўтарилгандан заҳоти одам Олий Брахман табиатига эга бўлади ва унинг қалби қувончга тўлади. У ҳеч нарсадан пушаймон бўлмайди, ҳеч нарсага интилмайди ва барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Шу пайтдан бошлаб одам ўзининг бутун ҳаётини Менга садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлайди”.

*Брахма-бхута* даражасига кўтарилган киши моддий танасини “ўзим” деб ҳисобламайди. Шундай даражага етган одамнинг биринчи белгиси - у ҳамиша қувноқ(*прасаннатма*). Ана шу даражага



эришгандан кейин у ҳеч нарсага интилмайдиги ва ҳеч нарса ҳақида қайғурмайди. Лекин, биз ҳатто ана шу даражага кўтарилиб туриб ҳам, Худога муҳаббат ва садоқат билан илоҳий хизмат қилишда банд бўлмасак, яна дунёвий фаолият гирдобига тушиб қолиш хавфи сақланиб қолаверади. Биз осмонга юқори кўтарилишимиз мумкин, лекин у жойда қандайдир бир сайёраларда қўнишга ҳеч бир жой топа олмай, яна ерга қайтиб келишга мажбур бўламиз. Агар биз Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ, нажот макони топмасак, ҳатто *брахма-бхута* даражасида олган илмимиз ҳам бизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайди. Фақат Кришнага, Худога садоқат билан хизмат қилишда узлуксиз машғул бўлиш билангина яна бу моддий оламга қайтиб келиш хавфидан биратўла халос бўлиш мумкин.

Ҳамиша қандайдир фаолият билан машғул бўлиш - бизнинг азалий табиатимизга хос бўлган хусусият. Бирор иш билан банд қилиб қўймаса, ҳатто ёш бола ҳам тинч ўтирмайдиги. Ёш болани бирор ноҳўя иш қилиб қўйишдан сақлаш учун уни ҳамиша бирор зарарсиз иш ёки бирор қўғирчоқ билан машғул қилиб қўйиш керак.

Бизлар ҳам худди тиниб-тинчимас ёш болаларга ўхшаймиз, шунинг учун бизни ҳамиша руҳий фаолият билан машғул қилиб қўйиш керак. Биз ўзимиз аслида ҳамиша мавжуд бўлган мангу рух эканлигимизни англаб етишнинг ўзи кифоя қилмайди: рухнинг мавжудлигини таъминлаш учун руҳий фаолият билан машғул бўлиш керак. Ҳиндистонда оиласини, бола-чақасини тарқ этиб, тарқидунё қилиб моддий фаолиятни бутунлай тарқ этган, *саннийаси* турмуш тарзи билан яшашга ўтган, кейин анча вақт муроқабани қилиб риёзат чекишга берилгандан кейин, яна ҳар хил эзгу ишлар қилишга - шифохоналар, мактаблар очишга, киришган ёки сиёсатга қўшилиб кетган одамларни кўплаб учратиш мумкин. Мактаблар, шифохоналар куриш - давлатнинг, ҳукуматнинг иши, *саннийасининг* иши - шундай касалхоналар очишги, у ерда одамлар моддий таналарини тизатмасинлар, аксинча шу ўтқинчи моддий таналаридан биратўла озодликка чиқсинлар. Ҳақиқий руҳий фаолиятнинг мазмунини тушуниб етмасдан биз яна дунёвий фаолиятга берилиб кетамиз.

Кришна онги билан узлуксиз яшаш шарофати билан вақти келиб, биз ҳақиқий, мукамал илмга эга бўлиб донишманд бўламиз. Баъзан руҳий юксалиш йўлининг бошида анча қийинчиликларга дуч келиш мумкин, *калена* (вақт ўтиши билан) ибораси шуни кўрсатадики, сабр-тоқат қилиш натижасида биз албатта муваффақиятга эришамиз.

Бунинг учун эса инсоннинг қалбида албатта қатъий ишонч бўлиши керак:

*ираддхавал лабхате джнанам тат-парах самйатендриях  
джнанам лабдхва парам шантим ачиренадхигаччхати*

“Қалбида чуқур иймони, ишончи бор, ҳиссиётини жиловлаб олиб умрини илоҳий илм ўрганишга бағишлаган одам, шундай илм олишга муносиб одам бўлади. Шу илмга эга бўлганида эса, у энг олий илоҳий осойишталикка эришади”(4.39).

Қалби гумонларга тўла, ишончи, иймони йўқ одамнинг Кришнани англаб етиши жуда мушкул бўлади. Ҳатто кундалик турмушда ҳам ишонч жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, самолетга билет сотиб олар эканмиз, у бизни албатта манзилга олиб боришига ишонамиз. Ишонч бўлмаса, ҳатто моддий оламда ҳам яшаб бўлмайди, шундай экан, руҳий фаолиятни-ку айтмаса ҳам бўлади. Хўш, бизда нимага ишонч бўлиши керак? Мўътабар, ҳақиқатан ҳам ишонарли бўлган манбаларга - авторитетга ишониш керак. Сохта компаниянинг билетини сотиб олмаслик керак. Руҳий ҳаётда ҳам "Бхагавад Гита" илмини берган Парвардигор Кришнага ишониш керак. Лекин ана шу ишончни қаердан оламиз? Бундай ишончга биз ҳиссиётимизни жиловлаб олиш ёрдамида эга бўламиз(*самйатендриях*). Биз ҳиссиётимиз талабларини қондириш учунгина моддий оламда тутқун бўлиб юрибмиз. Масалан, агар сиз касал бўлсангиз, врач сизни албатта даволашига ишонишингиз мумкин, лекин, сиз унинг айтганларини қилмасангиз, таъқиқлаган нарсаларини еяверсангиз буни ишонч деб бўладими? Врачнинг даволашига ишонган одам унинг айтганларини қилиши керак. Шундай қилиб, руҳий устознинг насиҳатларига ишонч билан амал қилиш керак, фақат шундагина одам донишманд бўлиши мумкин, фақат донишманд одамгина ҳақиқий осойишталикка эришади - *парам шантим*. Кришна айтадики, ҳиссиётини жиловлаб олган кишининг қалбида тез орада(*ачирена*)

Худои Таолога ишонч, иймон пайдо бўлади, шунда у бу дунёдаги энг бахтли инсон бўлади. Бизнинг ҳақиқий, асл ҳолатимиз ана шундай. Бизга Кришна бераётган насиҳатларни ишонч ва иймон билан қабул қилиб, уларга амал қилиш керак. Қандайдир оддий одамга эмас, энг олий ишончли Зотга ишониш керак. Шунинг учун бизнинг ҳаётдаги ягона вазифамиз - қалбимизга ишонч, иймон уруғини сола оладиган ҳақиқий руҳий устоз топишдан иборат. Кришна - энг ишонарли Зот, Уни англаб етган одамни ҳам ишонарли зот деб қабул қилиш мумкин, чунки шундай одам Кришнанинг ишончли вакили ҳисобланади.

Шунда биз, Кришнанинг вакилининг гапларини тинглаш давомида, худди оч одам овқат еган сайин қорни тўя боргани сингари, қалбимиз тобора осойишта бўлаётганини ҳис қиламиз.

*аджнаш чаираддадханаи ча самшайатма винашйати*

*найам локо “сти на паро на сукхам самшайатманах*

“Аммо, ғофиллик ботқоғига ботган ва иймон, ишончсиз, муқаддас китобларларга гумон билан қарайдиган одамлар Худони англаб етолмайдилар. Ундай одамлар ғофиллик ботқоғига тобора ботиб бораверадилар. Қалби гумонларга тўла одам на бу ҳаётида, на кейинги ҳаётида бахтга эриша олмайди(4.40).

Илм олиш йўлига киришга журъат этмаган одам жуда ночор аҳволдаги одамдир. Журъатсизлик - ғофиллик оқибатидир (*аджнаш ча*). Худои Таолони, Кришнани англаш керакми, йўқми бир қарорга кела олмаган киши бу оламда ҳатто ҳозирги ҳаётида ҳам бахтиёр яшай олмайди, кейинги ҳаётини-ку айтмаса ҳам бўлади. Моддий оламда усиз ҳам азоб-уқубатлар етарли, лекин иймонсиз одам уларни бадтар қийинлаштиради. Шунинг учун унинг аҳволи жуда ачинарли ва хатарли ҳолатда бўлади. Биз банк банкротга, инқирозга учрамаслигига ишонганимиз учун пулларимизни унда сақлаймиз. Агар биз ҳатто банкга, авиакомпанияларга ишонсак, нимага шунча муқаддас китоблар ва буюк донишмандлар энг ишонарли Зот деб тан олган ва ишонган Худои Таолога, Шри Кришнага ишонмаймиз. Шанкарачарйа, Рамануджачарйа ва Чайтанйа Махапрабҳу сингари буюк зотларнинг изидан бориш керак. Шу йўлдан бориб, ҳаётда ўз бурчимизни бажариб юрсак ва ҳеч қачон иймондан, ишончдан айрилмасак, рухий юксалишда албатта муваффақият қозона оламиз.

Аввал айтганимиздай, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган одамни топиб, унга ўз ихтиёримизни топширишимиз ва унинг хизматини қилишимиз керак. Шунда албатта рухий озодликка чиқишдан умидвор бўлиш мумкин. Кўп одамлар Худони кўришга ҳаракат қиладилар, лекин ҳозир бизлар моддий олам шароити билан шартланган ва алданган ҳолатдамиз, шунинг учун оламга, ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қарай олмаймиз. Гарчи биз аслида Брахман ва табиатимизга кўра қувончга тўла бўлсак ҳам, ҳозир биз ўзимизнинг асл ҳолатимизни йўқотган аҳволдамиз. Асл табиатимизга кўра биз *сач-чит-ананда* - илм ва лаззатга тўла мангу руҳлармиз, лекин бизнинг танамиз ҳалокатга маҳкум, ўткинчи, токи унда ҳаёт, руҳ бор экан, у ғофилликка тўла ва бизга ҳар хил азоб-уқубатлар олиб келаверади. Бизнинг сезиш қобилиятимиз мукамал эмас, уларнинг ёрдами билан биз ҳеч қачон мукамал илмга эга бўлолмаймиз.

Шунинг учун "Бхагавад Гита"да айтилганки, агар биз ҳақиқатан ҳам илоҳий илм ўрганмоқчи бўлсак, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган зотларга мурожаат қилишимиз лозим(*тад виддхи пранипатена*). Одатда жамиятда брахманлар руҳий устоз бўлиши керак, лекин ҳозир Кали-юга даврида ҳақиқий билимдон брахманларни, демак ҳақиқий руҳий устозларни топиш жуда қийин. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья Махапрабху бизга шундай насиҳат беради:

*киба випра киба нйаси шудра кене найа*

*йеи кришна-таттва-ветта сеи гуру хайа*

“Кришна ҳақидаги илмни мукамал эгаллаган одам хоҳ у брахман, шудра ёки саннйаси бўлсин, руҳий устоз бўлишга муносиб одамдир”(ЧЧ.Мадхйа.8.128).

"Бхагавад Гита" - Кришна ҳақидаги илмдир, уни англаб олиш учун инсон бутун заковати, тафаккурини ишга солиб, мантиқий ва фалсафий фикрлашлар ёрдамида бу асарни диққат билан ўрганиши керак. Ҳеч нарсага кўр-кўрона ишониш керак эмас. Ҳатто ўзлигини англаб етган ва Мутлақ Ҳақиқатда мустаҳкам турган руҳий устозни ҳам руҳий ҳаёт сирлари ҳақида чуқур маъноли саволлар бериб синаб кўришимиз лозим. У ким бўлишидан қатъий назар - брахман, шудра, америкалик, индусми - агар Кришнани англаш борасидаги саволларимизга жавоб бера олса, демак, у ҳақиқатан ҳам руҳий устоз бўлишга муносиб одам бўлади. Врачга мурожаат қилар эканмиз, биз унинг миллати, оилавий аҳволи билан қизиқмаймиз. Агар у ҳақиқатан ҳам тажрибали врач бўлса, биз унга ўз ихтиёримизни топширамыз: “Доктор, илтимос, мени бу дарддан халос этинг!”

Кришна - илоҳий илм ўрганишнинг энг олий мақсади. Албатта Кришна деганда биз Худои Таолони, ҳамма учун ягона бўлган Парвардигорни назарда тутамиз. Жаҳоннинг турли бурчакларида ягона Худони ҳар хил номлар билан атайдилар, лекин Ведаларга кўра “Кришна” деган ном энг буюк ном ҳисобланади. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья Махапрабху Кали-югада одамларга куйидаги маха-мантрани зикр қилишни тавсия қилган: *Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Харе Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре*. У таъкидлаб айтган эдики, бу усул биз яшаётган даврда ўзликни англаб етишнинг энг самарали усулидир. Чайтанья Махапрабху ҳеч қачон одамларни келиб чиқиши, миллати ёки табақасига қараб бир-биридан ажратмаган. Унинг энг яқин, энг машҳур шогирдлари жамиятнинг энг паст табақаларига мансуб одамлар бўлган. Масалан, Харидас Тхакур мусулмон оиладан чиққан, Парвардигор Чайтанья Махапрабху эса уни намачарйа, яъни

муқаддас номларни зикр қилиш устози қилиб тайинлади. Чайтанйа Махапрабхунинг бошқа икки шогирди Рупа ва Санатана Госвами, аввалги номлари Сакар Маллик ва Дабир Кхас бўлиб, иккови ҳам мусулмон давлатида ҳукумат ишида ишлардилар. Ўша пайтларда индуслар брахманлар бошқа диндаги одамларнинг ишини қилмасликни қатъий назорат қилардилар, агар шундай ҳол юз берса, ундай брахманларни жамиятдан ташқарида деб ҳисоблардилар. Шу боис ака-ука брахманлар ҳам обрў-эътибордан маҳрум бўлган собиқ брахманлар эди. Лекин, шунга қарамай, Чайтанйа Махапрабху Рупа ва Санатанани Кришна ҳақидаги илмнинг энг ишонарли билимдонлари даражасига кўтарди. Бу йўлда ҳеч қандай чеклашга ўрин йўқ: Кришна илмини англаб етган ҳар қандай одам ҳам руҳий устоз бўла олади. Мана шу ягона шарт. Кришна ҳақидаги илмнинг асосий мазмуни эса "Бхагавад Гита"да баён этилган. Ҳозир ана шу нодир илми бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қилиш учун минглаб руҳий устозлар зарур.

Биз тушуниб олишимиз лозимки, "Бхагавад Гита"ни баён этар экан, Кришна бу илми фақат Аржунга эмас, балки бутун инсониятга айтган. Шри Кришнанинг Ўзи айтадики, Кришна ҳақидаги илми ўрганиб, Аржун ҳеч қачон алданиш домига тушиб қолмайди (*йадж джнатва на пунар мохам*). Яхши, мустаҳкам кемада Атлантик океанини бемалол сузиб ўтиш мумкин. Моддий оламни "Ғофиллик океани" деб атайдилар, бизлар эса шу океanning ўртасига тушиб қолган одамлармиз. Шунинг учун Парвардигор Чайтанйа Махапрабху Кришнага илтижо қилиб шундай дейди: (Шикшаштака-5).

*айи нанда-тануджа кинкарам патитам мам вишаме бхавамбудхau  
крипайа тава пада-панкаджа- стхита-дхули-садришам вичинтайа*  
"О Махараджа Нанданинг ўғли (Кришна), мен - Сенинг мангу хизматкорингман, лекин қандайдир сабаблар билан бу ғофиллик уммонига тушиб қолганман. Сендан илтимос, мени мана шу океандан чиқариб ол ва Сенинг нилуфар қадамлари пойида бир гард бўлиб қолишимга рухсат бер!"

Мукамал илм кемасига кўтарилиб, ҳар қандай кўрқувдан халос бўлиш мумкин, чунки агар ҳатто биз энг буюк гуноҳкор бўлсак ҳам, бу кема бизни ғофиллик уммонидан бехатар олиб ўтишга қодир. Аввал айтганимиздай, биз аввалги ҳаётимизда ким бўлганимизнинг аҳамияти йўқ. Ғофиллик ботқоғига ботиб, бизларнинг ҳар биримиз жуда кўп гуноҳлар қилганмиз, шунинг учун ҳеч ким мен гуноҳ қилмаганман деб айта олмайди. Аммо, "Бхагавад Гита"(4.36)да таъкидланганидай, буни ҳеч қандай аҳамияти йўқ, чунки Кришна

хақида илмга эга бўлиб, ҳар қандай одам ҳам руҳий озодликка чиқа олади.

Шундай қилиб, ҳар бир фаросатли одам илм олишга интилиши лозим, ҳақиқий илмнинг энг юқори поғонаси эса Кришна. Ҳозирги даврда жаҳонни ҳар хил чаласавод “олим”лар босиб кетган, улар ўзларича ҳамма нарсани биладиган, одамларни бахтиёр қилиш йўлини биладиган одамлар ҳисобланадилар. Натижада ҳозир жаҳонда турли “изм”лар пайдо бўлган. Ана шундай “изм”лардан энг машҳури коммунизм. Лекин руҳий, ҳақиқий коммунизмнинг илдизлари "Шримад Бхагаватам"да берилган. Унда Нарада муни тушунтирадики, яралган оламнинг ҳамма жойида барча табиий бойликларни Худои Таоло яратиб қўйибди. Биз шуни яхши тушуниб олишимиз лозимки, атрофимиздаги ҳамма нарсани инсон эмас, Худои Таоло яратиб қўйган. Ҳеч бир фаросатли одам буни инкор эта олмайди. “Шри Ишопанишад” асарида бу шундай тасдиқланган(1):

*ишавасйам идам сарвам йат кинча жагатйам жагат*

*тена тйактена бхунджитха ма гридхаҳ касйа свид дханам*

“Оламдаги барча жонли ва жонсиз нарсалар Худои Таолонинг ҳукми остида ва Унинг мулкидир. Шунинг учун ҳар бир одам фақат ўзи учун ажратилган нарсалардан фойдаланиши ва кимнинг мулки эканини эсида сақлаб, бошқа бирор нарсага кўз олайтирмаслиги керак”.

Демак, барча тирик мавжудотлар, энг буюк фаришта Тангри Браҳмадан бошлаб, то арзимас ҳашаротгача ҳар бир тирик мавжудот табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқукига эга. Аммо Нарада муни эслатиб қўйяптики, биз бу бойликларни фақат энг зарур эҳтиёжимизни қондириш учунгина ишлатишимиз мумкин, агар ундан кўпроқ оладиган бўлсак, ўғриларга айланиб қоламиз. Афсуски, ҳозир ҳар бир одам табиатни ўзига бўйсундиришга ва унга ҳукмронлик қилишга интилади. Жуда кўп давлатлар бир-бири билан баҳслашиб, биринчи бўлиб у ерга ўзларининг байроғини тикишга, шу билан Ойни ҳам ўзининг мулки қилиб олишга ҳаракат қилиб, Ойга интиляптилар. Европаликлар биринчи бўлиб Америкага келганида, улар ҳам бу ерда ўзларининг байроғини ўрнатиб, бу ерларни ўзларининг мулки деб эълон қилган эдилар. Одамлар ғофиллиги сабабли ҳар ерга ўзларининг байроғини тикиб, шу ерни ўзларининг мулки деб эълон қилаверадилар. Биз бир лаҳза ҳам байроғимизни қаерга қўяётганимизни ўйлаб қўрмаймиз. Ахир буларнинг ҳаммаси бизники эмас, Худои Таолонинг мулки-ку. Шуни тушуниб етиш - ҳақиқий илмга эга бўлишдир, истаган нарса ўзимники деб ўйлаш эса -

ғофиллик ботқоғига ботишдир. Биз фақат бирор нарсдан фойдаланиш ҳуқуқига эгамиз, лекин бойлик тўплашга ёки ўзлаштириб олишга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Агар сиз кўчага бир қоп дон тўкиб қўйсангиз, каптарлар келиб ундан бир икки дон чўқиб учиб кетадилар. Улар қорнига сикқанидан кўп олмайдилар, шунинг учун ундан озгина еб, яна ўз йўлида давом этадилар. Лекин йўлкага бир неча қоп ун қўйиб, ўтаётган одамларга таклиф қилсангиз, биттаси ўн қоп, бошқа биттаси йигирма қоп олиб кетишга, улови бўлмаган киши эса икки қоп олади. Шу тариқа, табиий бойликлар одамлар ўртасида нотекис бўлинган. Шу ҳам маданият ҳисобланади-ми?! Биз ҳатто каптарлар, ит ва мушуклар биладиган нарсаларни ҳам билмаймиз. Ҳамма нарса Худои Таолонинг мулки ҳисобланади, биз фақат ўзимизга ҳақиқатан ҳам керак бўлган нарсанигина олиб, бошқа нарсага тегмаслигимиз лозим. Мана шу ҳақиқий илм ҳисобланади. Парвардигор бу оламни шундай яратиб қўйганки, унда ҳеч ким ҳеч нарсага муҳтожлик сезмайди. Бу ерда ҳаёт кечириш учун барчага ҳамма нарса етарли, фақат уларни ҳаммага баробар тақсимлашни ўрганиш, билиш керак. Лекин ҳозир бутун олам жуда ачинарли аҳволга тушиб қолган: бировлар керагидан ортиқ нарсаларни жамлаб олган, бошқа бировлар эса, очликдан ўлиб кетяптилар. Шу боис, очликдан қийналаётган одамлар бош кўтариб, айбдорларни жавобгарликка чақиряптилар. Лекин уларнинг қўллаётган усуллари мукамал эмас. Руҳий коммунизмнинг мукамаллиги шундан иборатки, унда ҳар бир одам ҳамма нарса Худоники эканини англаб олиши керак. Кришна ҳақидаги илмга эга бўлиб, биз ҳеч қийналмасдан ғофиллик иллатидан халос бўламиз ва бирор нарсанинг эгасиман деб, бу оламга ҳукмронлик қилишни тарк этамиз.

Аслини олганда бизнинг ҳаётдаги барча мусибатларимизнинг асосий сабабчиси ўзимизнинг ғофиллигимиздир. Ҳуқуқшуносликда қонунни билмаслик жинойтчининг ўзини оқлашига асос бўлолмайди. Агар биз судда “мен қонунни билмайман” деб айтсак ҳам, барибир қилган жинойтимиз учун бизни жавобгарликка тортадилар. Агар одам қандайдир эгри, жинойий йўллар билан бойлик орттирган бўлса ва бу билан давлат қонунларини бузаётганимни билмадим деса, у барибир жавобгарликка тортилади. Бутун жаҳон бўйлаб одамлар илмдан махрум бўлиб, ғофиллиги сабабли азоб чекиб яшяпти, шу боис уларга Кришна ҳақидаги илмни ўргатиб, шу мусибатлардан уларни халос этиш учун минглаб руҳий устозлар керак. Бу илм, айниқса, биз яшаётган даврда жуда зарур. Кришна Ҳиндистонда туғилган, шунинг

учун Кришна хиндларнинг Худоси деб ўйламаслик керак. Аввал айтганимиздай, Кришна Ўзини барча тирик мавжудотларнинг отаси деб айтган(14.4).

Биз, мангу рухлар, Олий Рухнинг ажралмас заррачаларимиз, лекин моддий оламда лаззатланишни истаганимиз сабабли моддий табиат қўйнига солиб қўйилганмиз. Аммо қандай ҳаёт шаклида, қандай танада туғилсак ҳам, Кришна барибир бизнинг отамиз бўлиб қолаверади. Шундай қилиб, "Бхагавад Гита" илми қайсидир бир алоҳида гуруҳ ёки миллат учун эмас, балки бутун олам учун, барча тирик мавжудотлар учун нозил қилиган илмдир. Худои Таолонинг ғофиллик ботқоғига ботган фарзандлари ўзлари билмаган ҳолда очофатларча ўғирлик қилиб юрган ҳозирги даврда "Бхагавад Гита" илмини биладиган ҳар бир фаросатли одамнинг бурчи - мана шу олий илмни барча тирик мавжудотлар орасида кенг тарқатишдан иборат. Фақат шундагина одамлар ўзларининг ҳақиқий, руҳий ҳолатини англаб етадилар ва Худои Таоло билан ўзаро муносабатларини қайта тиклаб, ҳақиқий бахтга эришадилар.

## 8. Кришна ҳақидаги илмга асосланган фаолият

*на мам кармани лимпанти на ме карма-пхале сприха  
ити мам йо "бхиджанти кармабхир на са бадхйате*

“Мени ҳеч қандай фаолият булғай олмайди ва Мен ҳеч қандай фаолиятнинг натижасига боғланиб қолмайман. Мана шу ҳақиқатни англаб етган одам ҳам фаолият ва оқибатлар чангалига ўралиб қолмайди(БГ.4.14).

Бу оламдаги ҳамма нарса карма чангалига тушиб қолган. Маълумки, бир квадрат миллиметр жойда миллионлаган микроб ва бактериялар яшайди. "Брахма-самхита"да айтилганки, *индра-гопа* деб аталадиган энг кичик микробдан, то жаннат шоҳи Индрагача бўлган барча тирик мавжудотлар ўз фаолиятининг оқибатлари, яъни карма тузоғига илинган. Бизларнинг ҳар биримиз ўз фаолиятимизнинг оқибатларига асосан яшаймиз, уларнинг яхши ёки ёмонлигига қараб, ҳаётда гоҳида қийналиб азоб чекамиз, гоҳида лаззатланиб



роҳатланамиз. Токи биз ўзимизнинг қилган ишларимиз оқибатидан лаззатланиб ёки қийналиб юришга мажбур эканмиз - бу дунёда моддий тана ичида тутқун бўлиб қолаверамиз.

Тирик мавжудот қийналиши ёки лаззатланиши учун табиат уни шунга мос келадиган моддий тана билан таъминлайди. Ҳар хил мақсадларга эришиш учун ҳар турли таналар берилади. Масалан, йўлбарснинг танаси бошқа ҳайвонларни ўлдириб, эндигина жон таслим қилган ҳайвоннинг гўшти билан озиқланиш учун яратилган. Чўчканинг танаси ҳам маълум вазифа бажариш учун мўлжалланган: бу танада тирик мавжудот ҳар хил сассиқ ахлатлар билан озиқланиши керак. Одамнинг тишлари эса мева ва сабзавотларни чайнаш учун мўлжалланган. Бу таналарнинг барчаси тирик мавжудотга унинг аввалги ҳаётида кўрсатган фаолиятига қараб берилади. Шунинг учун бизнинг кейинги ҳаётимизда оладиган танамиз ҳозирги ҳаётимизда кўрсатаётган фаолиятимизга боғлиқ. Лекин, юқорида келтирилган шеърда Шри Кришна таъкидлаб айтяптики, Унинг илоҳий кароматларини англаб етган киши ўз фаолиятининг барча оқибатларидан озод бўлади. Биз ҳаётда шундай яшашимиз керакки, кейинги ҳаётимизда яна моддий олам исканжасига тушиб қолмайлик. Бу бемалол амалга оширса бўладиган иш. Бунинг учун фақат Кришнани ва Унинг

кароматларининг илоҳий табиатини англаб етиш, У руҳий ва моддий оламда қандай ҳаракат қилишини тушуниб олиш лозим.

Кришна бутунлай илоҳий табиатга эга, шунинг учун ерга ташриф буюрар экан, У бизларга ўхшаб фаолият кўрсатмайди. Биз ўз фаолиятимиз натижасидан лаззатланишга интиламиз, Кришнанинг эса бундай нияти йўқ. Кришнанинг кўрсатаётган фаолияти ўз оқибатлари билан Уни бу оламга боғлаб қўймайди. У ўз фаолиятининг натижаларидан лаззатланишга интилмайди (*на ме карма-пхале сприха*). Биз эса, бирор ишни бошлашдан олдин ундан қандайдир фойда кўришни режалаштириб қўямиз, ана шу фойда эса бизга ҳаётимизни лаззатлироқ қиладиган нарсалар билан таъминлаш имконини беради, деб умид қиламиз. Шартланган тирик мавжудотнинг ҳар қандай ҳаракати асосида лаззатланиш истаги ётади. Аммо, Кришна бундай истаклардан бутунлай озод Шахс, чунки У - Худонинг Олий Шахси, яъни ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган Ўзига тўла бутун Зот. Кришна бу сайёрада бўлган пайтида Унинг жуда кўп севгилиси, 16.000дан ортиқ хотини бўлган, шунинг учун Уни жуда эҳтиросларга бой Зот деб ҳам атайдилар. Лекин, аслида мутлақо бундай эмас.

Биз Кришна билан ўзаро муносабатларимизнинг табиатини тушуниб олишимиз керак. Моддий оламда бизлар ҳар биримиз бошқа бировлар билан ҳар хил муносабатлар билан боғланганмиз ва ота ёки она, эр ёки хотин, ёки фарзанд вазифасини бажарамиз. Аслида эса бу оламда намоён бўлаётган ҳар қандай муносабатлар бизнинг Худои Таоло билан бўлган ўзаро муносабатларимизнинг бузилган аксидир, холос. Моддий оламдаги ҳамма нарса Мутлақ Ҳақиқатдан тарқалган, лекин замон таъсири остида уларнинг Мутлақ Ҳақиқат билан бир бўлган руҳий хусусиятлари ўзгаради.

Бизнинг Кришна билан ўзаро муносабатларимиз қандай кўринишда бўлса ҳам, улар мангу табиатга эга. Агар биз Кришна билан ўзаро дўстлар сингари муносабатда бўлган бўлсак, бу дўстлик мангу, ҳатто моддий танамиз ўлгандан кейин ҳам давом этаверади. Моддий оламда одамлар орасидаги дўстлик муносабатлари ошиб борса бир неча йил давом этади, кейин эса ора бузилиб кетади: шунинг учун бу дўстлик бузилиб кўринган, ҳақиқий эмас, вақтинчалик туйғудир. Фақат Кришна билан бўлган ўзаро дўстона муносабат ҳеч қачон бузилмайди, ўзгармайди, Кришнани ўзимизга хўжайин қилиб олсак, биз ҳеч қачон алданиб қолмаймиз. Агар биз Кришнани худди ўғлимиз сингари севсак, ишончимиз комил бўлсинки, биз Ундан ҳеч қачон айрилиб қолмаймиз. Агар У бизнинг севгимиз бўлса, у барча ошиқларнинг энг аълоси бўлади ва биз ҳеч қачон ундан айрилмаймиз. Кришна - ягона Парвардигор, Олий Ҳукмдор, шунинг учун У чексиз ва Унинг содиқларининг ҳам сон-саногии йўқ. Агар содиқларидан бирортаси Уни ошиқ ёки эри сифатида севмоқчи бўлса, Кришна унинг истагини рўёбга чиқариб, шундай вазифаларни бажаради. Биз қалбимизда Кришна билан қандай муносабат ривожлантиришни истасак, У бизни шундай муносабатда қабул қилади. Кришна бу ҳақда "Бхагавад Гита"да шундай дейди:(4.11)

*йе йатха мам прападйате тамс татхаива бхаджами ахам  
мама вартманувартанте манушйах партха сарвашах*

“Одам ўз ихтиёрини Менга қанчалик топширса, Мен шу даражада унга марҳамат кўрсатиб, мукофотлайман. Ҳар ким ҳаётдаги ҳар бир ҳаракатида Менинг йўлимдан юради, эй Притхининг ўғли”.

Кришнанинг хотинлари аввалги ҳаётларида Кришнага эрга чиқиш ниятида қаттиқ риёзатга берилган эдилар. Шукадева Госвами "Шримад Бхагаватам"да айтганки, худди шундай, Кришна билан бирга ўйнаб юрган подачи болалар ҳам аввалги ҳаётларида Кришна билан дўст бўлиб, бирга ўйнаб юриш имкониятига эга бўлиш учун

каттиқ риёзатларга берилиб яшаганлар. Шундай қилиб, Кришнанинг ҳамроҳлари, хотинлари ва дўстлари оддий тирик мавжудотлар эмас. Биз Кришна онги ҳақида ҳеч нарса билмаганимиз сабабли, унга жиддий эътибор бермаймиз. Лекин руҳий юксалишнинг бу усули шу қадар улуғворки, унда бизнинг барча истакларимиз мукамал равишда мужассам бўлган. Қалбимизда Кришна онгини ривожлантириб, биз қалбимизда яшириниб ётган энг махфий орзу-истакларимизни ҳам тўла рўёбга чиқара оламиз.

Кришна дўстларга муҳтож эмас, У ҳеч ким билан бирга ўйнаб юриши шарт эмас, лаззатланиш учун Унга аёлларнинг ҳам, уйланишнинг ҳам кераги йўқ. Биз қалбимиз тўрида яшириниб ётган истакларни амалга ошириш учун уйланмоқчи бўлиб ўзимизга қайлик ахтарамиз, аммо Кришна Ўзига тўла бутун(*пурнам*). У ҳеч нарсага муҳтож эмас. Қашшоқ одам минг доллар пулга муҳтож бўлиши мумкин, лекин миллионер одамнинг бундай эҳтиёжи йўқ. Агар Кришна - Худонинг Олий Шаҳси бўлса, Унинг бирор нарсани орзу қилишга, исташига қандай ҳожат бўлиши мумкин? Унинг Ўзи бошқа барча тирик мавжудотларнинг истакларини амалга оширади. Одам фақат умид қилиши мумкин, Худои Таоло эса амалга оширадиган Зот. Агар Кришнанинг бирор истаги қолган бўлса, бу Унинг мукамал Зот эмаслигидан, яъни Унга нимадир етишмаётганидан далолат берган бўларди. Шунинг учун Кришна айтадики, унинг ҳеч қандай истаги йўқ. Кришнанинг номларидан бири - Йогешвара(барча йогларнинг ҳукмдори), шунинг учун У истаган нарсанинг ҳаммаси шу заҳотиёқ амалга ошади. Шу боис Кришнанинг бирор нарсани исташи ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Фақат Ўзининг содиқларининг истакларини амалга ошириш учунгина У кимнингдир эри, кимнингдир севгилиси, кимнингдир дўсти бўлади. Биз Кришнани ўзимизнинг дўстимиз, хўжайинимиз, ўғлимиз ёки севгимиз деб тан олсак ҳеч қачон пушаймон бўлмаймиз. Ҳар бир тирик мавжудотнинг Кришна билан алоҳида шахсий муносабати бўлади, лекин шу муносабатлар ҳозир ғофиллик қобиғи билан қопланиб, сезилмай қолган. Шунга қарамай, агар қалбимизда Кришна онгини ривожлантира бошласак, вақти келиб ана шу азалий муносабатлар албатта қайта тикланади.

Худои Таоло Ўзига тўла бутун, Унинг ҳеч ким олдида ҳеч қандай мажбурияти йўқ, шунга қарамай, У бу дунёга келганида бошқаларга ўрнак кўрсатиш учун бенуксон ҳаракат қилади. Худои Таолонинг бу дунёда кўрсатган фаолияти Уни моддий оламга боғлаб қўймайди, мана шу ҳақиқатни тушуниб етган одам ҳам ўз фаолиятининг барча

оқибатларидан халос бўлади.

*эвам джнатва критам карма пурваир апи мумукиубхиҳ  
куру кармаива тасмат твам пурваих пурватарам критам*

“Ўтган замонларда барча озод руҳлар Менинг илоҳий табиатим ҳақидаги илмга эга бўлганлар ва шу илм асосида ҳаракат қилганлар. Шунинг учун сен уларнинг изидан бориб ўз бурчингни холис бажаришинг керак”(4.15).

Кришна онги билан яшаш усули руҳий ҳаётда катта юксалишга эришган буюк устозлар изидан боришни талаб этади. Буюк устозларнинг, буюк донишмандларнинг, содиқларнинг ва карма-йога қонун-қоидаларига амал қилиб яшаган буюк такводор шохларнинг изидан борган одам ҳам руҳий озодликка чиқади.

Курукшетрадаги жанг пайтида Аржун агар жангда қатнашсам, бу гуноҳларим оқибатида моддий оламга боғланиб қоламан деб кўрққан эди. Лекин, Кришна уни агар у Худои Таоло учун жанг қилса, ўз фаолиятининг натижаларига мутлақо боғланиб қолмаслигига ишонтирди.

*ким карма ким акармети кавайо “ни атра мохитаҳ*

*тат те карма правакшиями йадж джнатва мокийасе “шубхат*

“Ҳаракат нима-ю ҳаракатсизлик нима эканини аниқлай олмай ҳатто чуқур тафаккурга эга заковатли одамлар ҳам қийналиб қоладилар. Ҳозир Мен сенга ҳаракат нима-ю, ҳаракатсизлик нима эканини тушутириб бераман. Бу илмга эга бўлиб сен ҳаётда барча мусибатлардан халос бўласан”(4.16).

Ҳақиқатан ҳам одамлар фаолият, ҳаракат(*карма*) нима-ю, фаолиятсизлик, ҳаракатсизлик(*акарма*) нима эканини билмайдилар. Бу ерда Кришна айтяптики, фаолиятнинг табиати ҳатто буюк донишмандлар(*кавайаҳ*) учун ҳам жумбоқ бўлиб қолаверади. Қандай ишлар пок, қандай ишлар нопок, қандай ишлар буюрилган, қандай ишлар таъқиқланган эканини, қандай ишларга мукофот берилади-ю, қандай ишлар учун жазо берилишини яхши тушуниб олиш керак. Ҳар қандай фаолиятнинг асосини ташкил этадиган қонун-қоидаларни тушуниб олгандан кейин биз моддий олам тутқунлигидан халос бўла оламиз. Шу боис, танамизни тарк этаётиб, бошқа бир моддий танага кирмасдан, руҳий оламга, Худонинг даргоҳига бориш имконига эга бўлиш учун қандай ҳаракат қилишимиз лозимлигини яхши тушуниб олишимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. "Бхагавад Гита"да (11.55) Шри Кришна пок, тўғри фаолият кўрсатиш қонун-қоидаларини очик равшан тушунтириб берган:

*мат-карма-крин мат-парамо мад-бхактаҳ санга-варджитаҳ*

*нирваираҳ сарва-бхутешу йах са мам эти пандава*

“Азизим Аржун, ҳаётини Менга садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлаган, кармали фаолиятга интилиш ва фалсафий фикрлашлар билан онги булганмаган, ҳамма ишини фақат Мен учун қиладиган, Мени ҳаётининг энг олий мақсади деб биладиган ва ҳар бир тирик мавжудотга дўстона муносабатда бўладиган киши шубҳасиз Менинг олдимга келади”.

Бутун "Бхагавад Гита"нинг мазмунини тушуниб олиш учун мана шу битта шеърнинг ўзи кифоя. Одам ўзининг ҳамма ишларини Менга, яъни Худои Таолога бағишлаши керак. Бу нимани билдиради? "Бхагавад Гита"нинг охириги кўрсатмасида ҳам айнан шу ҳақда айтилган: Кришна Аржунга ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир дейди(18.66).

Аржундан ўрناق олиб биз ҳам ҳаётда фақат Кришнага ёқадиган, Уни мамнун қиладиган ишларни қилиб яшашга ўрганишимиз лозим. Инсон ҳаётининг мазмуни ҳам шундан иборат, лекин аксарият одамлар буни билмайдилар. Ғофиллигимиз сабабли, биз ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларга бериламиз ва биринчи навбатда тана билан боғлиқ бўлган ишларни қилишга интиламиз. Кришна Аржуннинг жангда иштирок этишини истади. Гарчи Аржун аввал жанг қилишдан бош тортган бўлса ҳам, барибир жангда иштирок этди, чунки Кришнанинг хоҳиши шундай эди. Биз ҳам ҳаётда Аржундан ўрناق олиб яшашимиз лозим.

Албатта, Кришна Аржуннинг ёнида юрган, ҳар хил кўрсатмалар бериб, ҳамиша унинг ишларини тўғрилаб, тартибга солиб юрган, лекин биз нима қилишимиз керак? Аржунга Кришна шахсан Ўзи кўрсатма бериб турган, аммо бизнинг ёнимизда Кришна бўлмагани учун биз Унинг кўрсатмаларидан маҳрумимиз, деб ўйламаслик керак. Инсон учун ҳаётда зарур кўрсатмаларнинг ҳаммаси "Бхагавад Гита"нинг охириги бобида берилган. Шу ерда инсон ҳаётда қандай фаолият билан машғул бўлиши аниқ равшан кўрсатилган:(18.68-69).

*йа идам парамам гухйам мад-бхактешв абхидхасйати  
бхактим майи парам критва мам эвашиятй асамшайаҳ  
на ча тасман манушйешу кашчин ме прийа-криттамаҳ  
бхавита на ча ме тасмад аниаҳ приятаро бхуви*

“Мана шу энг махфий сирни Менинг содиқларимга ошкор этган одам албатта Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига киради ва охири-оқибатда Менинг даргоҳимга келади. Бу дунёда Мен учун ундан азизроқ, кадрлироқ одам йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам”.

Демак, бизларга "Бхагавад Гита" таълимотини тарғибот қилиш

ва одамларни Худои Таолони, Кришнани англаш йўлига олиб келиш вазифаси юклатилган. Аслини олганда, барча одамлар Худони англаб етмагани сабабли ҳаётда қийналиб, мусибат чекиб юрибдилар, шунинг учун биз Худои Таоло ҳақидаги илмни бутун оламга тарқатишимиз лозим. Парвардигор Чайтанйа Махапрабхунинг бу дунёга келишдан мақсади ҳам айнан шундай: одамларга Кришна онги билан яшаш фалсафасини ўргатишдан иборат эди. У айтган эдики, мана шу ишни қилаётган одам ким бўлишидан қатъий назар ҳақиқий руҳий устоз ҳисобланади. "Бхагавад Гита" ва "Шримад Бхагаватам"да инсон қандай қилиб қалбида Кришна онгини қайта тиклаши ва ривожлантириши мумкинлиги ҳақида жуда кўп айтилган. Парвардигор Чайтанйа Махапрабху мана шу икки муқаддас китобни алоҳида ажратиб кўрсатган ва издошларидан жаҳоннинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғига Кришна ҳақидаги илмни олиб боришларини илтимос қилган. Шри Чайтанйа Махапрабху Кришнанинг Ўзи эди, шу боис Унинг айтганларини ҳам худди Кришнанинг кўрсатмаси ўрнида қабул қилиш керак. Лекин, "Бхагавад Гита" таълимотини ҳар ким ўз билганича талқин қилмаслиги керак - бу таълимот асл ҳолида қандай бўлса, одамларга уни шундайлигича тақдим этиш лозим. Жуда кўп одамлар "Бхагавад Гита" таълимотини ўз истакларига қараб талқин қилишга уринадилар, лекин Кришнанинг содиқлари сифатида бизнинг вазифамиз - Кришнанинг сўзларини одамларга ҳеч ўзгартирмасдан асл ҳолида етказишдан иборат.

Баъзан, Кришна учун хизмат қилиб юрган одамнинг қилаётган ишлари ҳам дунёвий фаолиятга ўхшаб кетади, лекин аслида ҳечам бундай эмас. Аржун ҳам худди оддий жангчидай жанг қиларди, лекин у ўз фаолиятининг оқибатлари чангалига тушиб қолмади, чунки у Кришна онги билан, Худонинг хоҳиши билан жанг қилган эди. У гўё дунёвий ишларни қилаётгандай бўлиб кўринса ҳам, натижаси умуман бошқача бўлди. Кришна буюрган ҳар қандай иш қандай бўлишидан қатъий назар, ҳеч қачон карма оқибати олиб келмайди. Албатта, уруш, жанг қилиш яхши иш эмас, лекин, баъзан Курукшетрада бўлгани сингари, уруш муқаррар бўлган вазиятлар учраб туради. Аксинча, ҳаётга дунёвий кўз билан қарайдиган одамлар назарида энг яхши фаолият бўлиб кўринган хайрли ишлар - бошқаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, хайр-садақа ёки инсонпарварлик ёрдами бериш бутунлай дунёвий фаолият ҳисобланади. Шундай қилиб, одамнинг қилаётган иши эмас, унинг шу ишни қандай онг билан бажараётгани муҳим аҳамиятга эга..

*кармано хатха-його апи боддхавйам боддхавйам ча викарманах*

*акарманаш ча боддхавйам гахана карmano гатиҳ*

“Ҳар хил фаолиятларнинг чигал тугунини англаб олиш жуда қийин. Шунинг учун фаолият ўзи нима, қандай амаллар таъқиқланган, қандай ишлар рухсат этилган эканини билиб олиш жуда муҳим”(4.17).

*Карма* қонуни жуда чигал, шунинг учун *карма*, *викарма* ва *акарма* орасидаги фарқларни яхши тушуниб олиш керак. Қачон биз ҳаётда Кришна онги билан яшай бошласак, ҳамма нарса ўз ўзидан ўз ўрнига тушиб кетади. Акс ҳолда, моддий олам тўрига тушиб қолмаслик учун ҳамиша қайси ишлар таъқиқланган, қайси ишларни қилиш мумкинлигини аниқлаб юришга тўғри келади. Кундалик ҳаётда агар билмасдан бирор қонунни бузиб қўйсақ ҳам, жавоб беришимизга тўғри келади. Табиат қонунлари жуда мукамал, хатосиз ишлайди ва ҳеч қандай қонунбузарликни жазосиз қолдирмайди. Табиат қонуни бўйича олов куйдиради, ҳатто унга ҳеч нарсадан беҳабар ёш бола яқинлашса ҳам, олов уни ҳеч иккиланмасдан куйдириб юборади. Шунинг учун оқибатда табиат қонунлари ҳар хил мусибатларга дучор қилмаслиги учун фаросатли одам чуқур ўйлаб, қандай фаолият кўрсатишини белгилаб олиши керак. Демак, қандай ишлар қилиш мумкин ва қайси ишлар таъқиқланган эканини билиб олиш керак.

*Карма* ибораси ҳар бир одам учун Худои Таоло белгилаб қўйган муқаддас бурчларни(савоб), *викарма* ибораси эса ана шу вазифаларга зид бўлган ишларни(гуноҳ), *акарма* ибораси эса, ҳеч қандай оқибат келтирмайдиган ишларни билдиради. Баъзан *акарма* ҳам қандайдир оқибат олиб келадигандай бўлиб туюлиши мумкин, лекин аслида бундай эмас. Агар одам бевосита Кришнанинг хоҳиши, амри, кўрсатмасига биноан ҳаракат қилса, унинг бу иши *акарма* бўлади ва бу ишлари унга ҳеч қандай оқибат, натижа олиб келмайди. Масалан, давлатни бошқариб турган ҳукумат белгилаб қўйган қонунларга кўра кимдир онгли равишда бировни ўлдирса, у ўлим жазосига маҳкум этилади. Мана шу *викарма*, яъни белгиланган вазифаларга зид бўлган иш ҳисобланади. Лекин, ҳукумат бизни ҳарбий хизматга чақирса, у ерда биз буйруққа бўйсуниб кимнидир ўлдирсак, бу ишимиз учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмаймиз. Мана шу *акарма* деб аталади. Биринчи ҳолатда биз ўз хоҳишимиз билан ҳаракат қилдик, иккинчи ҳолатда эса - ҳукуматнинг кўрсатмасига биноан. Худди шундай, Кришнанинг раҳбарлиги остида қилинган ишлар ҳам *акарма* деб аталади, чунки бундай ишлар ҳам ҳеч қандай оқибатларга олиб келмайди.

*карманй акарма йах пашйед акармани ча карма йах  
са буддхиман манушийешу са йуктаҳ критсна-карма-крит*

“Фаолиятсизликда фаолиятни, фаолиятда фаолиятсизликни кўра билган киши одамлар ичида фаросатлиси ҳисобланади. Ундай одам ҳатто ҳар хил ишлар қилиб юрган бўлса ҳам илоҳий даражага кўтарилган одамдир”(4.18).

*Акарманинг* табиатини англаб етган ва бундай фаолият ҳеч қандай оқибат келтирмаслигини англаб етган киши ҳаётни тўғри тушунган одамдир. Аммо, *карма* оқибатларидан қутулишни ўйлаб юрган одам(*акармани*), аксинча унинг тузоғига тушиб қолади. Агар одам ўзининг ҳаётида Кришна онгидаги ишларни, яъни Худонинг хоҳишига мос бўлган ишларни ҳамиша биринчи ўринга қўйиб яшаса, ҳатто ҳар хил ишлар билан машғул бўлиб юрган бўлса ҳам у руҳий жиҳатдан озод шахс бўлиб қолаверади. Курукшетра жанггоҳида фақат Аржуннинг бир ўзи жанг қилгани йўқ, у ерда Дурйодхоннинг ҳамтовоқлари ҳам бор эди. Нимага Дурйодхондан фарқли равишда Аржун жанг қилиш билан боғлиқ фаолиятининг оқибатларига дучор бўлмай қолганини яхши тушуниб олиш керак.

Бир қараганда уларнинг иккови ҳам жанг қилдилар, лекин Аржун Кришнанинг кўрсатмасини бажариб жанг қилди, шунинг учун ўзи қилаётган ишларнинг оқибати учун жавобгар эмас. Демак, Кришна онги билан ҳаракат қилаётган одамнинг ҳар қандай фаолияти ҳеч қандай *карма* оқибатларига олиб келмайди. Агар одам ҳақиқатан ҳам шуни тушуниб етса, у жуда фаросатли, чуқур тафаккурга эга одам (*са буддхиман*) ҳисобланади. Одамнинг қилаётган ишларини эмас, уни шу ишларни қилишга ундаётган сабабни кўра билиш керак.

Аслида Аржуннинг жанг майдонида қилаётган ишлари мақтовга лойиқ ишлар эмасди, лекин у бу ишларни Кришнанинг хоҳиши билан қилгани учун ҳеч қандай оқибатларга дучор бўлмади. Биз ҳар хил ишлар билан машғул бўлиб, уларни жуда мақтовга лойиқ ишлар деб ҳисоблашимиз мумкин, аммо агар бу ишларни Кришнанинг хоҳиши билан, яъни Кришна онгида қилмаган бўлсак, бундай фаолиятимиз барибир бизга қандайдир оқибат олиб келади. Дунёвий нуктаи-назар билан қараганда, Аржуннинг биринчи ҳолати, яъни жанг қилишдан бош тортгани тўғрироқдай бўлиб туюлади, лекин руҳий жиҳатдан бу нотўғри қарор эди. Ҳар хил савоб ишлар натижасида биз қандайдир натижаларга эришамиз: бадавлат, маданиятли одамлар хонадонида туғиламиз, чиройли танага, олий маълумотга эга бўламиз. Гуноҳ ишлар оқибатида эса, аксинча, ҳароми чандаллар хонадонида ёки



хайвонлар орасида туғиламиз, ҳаётда ғофил, саводсиз бўлиб қоламиз, нодон ва хунукбашара бўламиз. Аммо, ҳатто қилган хайрли ишларимиз натижасида бой-бадавлат хонадонда туғилсак ҳам, барибир фаолият ва оқибат қонунларини четлаб ўта олмаймиз. Шунинг учун бизнинг инсон танасида кечадиган ҳаётдаги биринчи вазифамиз - моддий олам қонунлари таъсиридан бутунлай халос бўлишдан иборат. Токи биз шуни англаб етмас эканмиз, бизни бой-бадавлат хонадонлар, бойлик, гўзаллик, дунёвий илм ўрганиш ўзига махлиё этаверади. Шуни англаб етиш керакки, ҳатто бу дунёда яшаш учун ҳамма қулай шароитларга эга бўлиб ҳам туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик азобларидан халос бўла олмаймиз. Шунинг учун Кришна бизни огоҳлантириб, "Бхагавад Гита" (8.16)да шундай дейди:

*а-брахма-бхуванал локаҳ пунар авартино "ржуна  
мам упетйа ту каунтейа пунар джанма на видйате*

“Энг олий сайёрадан, то энг қуйи сайёрагача, моддий оламнинг барча сайёралари мусибатлар маконидир. Бу ерда ҳамиша туғилиш ва ўлишлар қайта-қайта такрорланаверади”.

Ҳатто моддий оламнинг энг олий сайёраси бўлган Брахмалокада ҳам туғилиш бор, ўлиш бор. Бундай азоблардан қутулиш учун Кришнанинг сайёрасига бориш керак. Албатта, бой, гўзал, ёш, навқирон бўлган яхши, лекин

бундай ҳолат қанча вақт давом этади? Мангу ҳаёт эса - умуман бошқа нарса. Маълумотли, бой, гўзал бўлиб эллик, олтмиш, юз йил яшаш мумкин, лекин бизнинг ҳаётимиз эллик йил эмас, юз йил эмас, ҳатто минг йил ҳам эмас, мангу давом этади. Биз аслида мангу руҳмиз, шунинг учун яна шу мангу ҳаётга қайтишимиз лозим. Бизнинг ҳаётдаги ягона вазифамиз шундан иборат, шу мақсадга эришиш учун эса Худони, Кришнани англаб етиш, Кришна онги билан яшаш лозим.

Агар биз Кришна онгида бўла туриб танамизни тарк этсак, биз бу моддий оламга яна қайтиб келмаймиз. Ҳозирги яшаш шароитимизни яхшилашга уринмасдан бу моддий оламни биратўла тарк этиб кетиш керак. Қамокхонадаги одам ўзининг аҳволини яхшилаш учун яхшироқ жойга ўтиб олишга ҳаракат қилади, қамокхона раҳбари уни биринчи даражали маҳбуслар яшайдиган шароитга ўтказиб қўйиши мумкин. Лекин, бирор фаросатли одамни биринчи даражали маҳбус бўлиш ўзига жалб этолмайди, онги етарли киши қамокхонадан бутунлай озодликка чиқишга интилади. Моддий оламда бизлар барчамиз қамокда, ҳар хил даражадаги маҳбуслармиз. Қандайдир илмий унвони бор одам эмас, аксинча ҳаётнинг ҳақиқий

муаммолари ҳақидаги мана шу ҳақиқатни англаб етган одам ҳақиқатан ҳам илмли одамдир.

*йасйа сарве самарамбхаҳ кама-санкалпа-варджитаҳ  
джджанагни-дагдха-карманам там ахуҳ пандитам буддхаҳ*

“Ҳиссиётларини лаззатлантиришга интилмайд фаолият кўрсатиб юрган одам мукаммал илмга эга кишидир. Донишмандлар ундай одамнинг фаолиятининг барча оқибатлари мукаммал илм оловида ёниб кул бўлиб кетади, деб айтадилар(4.19).

*пандитам* ибораси “маълумотли” деган маънони англатади, *буддхаҳ* ибораси эса “илмли” деганни билдиради. "Бхагавад Гита"нинг ўнинчи бобида ҳам шундай сўзлар бор: *буддха бхава-саманвитаҳ*(10.8). "Бхагавад Гита" таълимотига асосан, университетда олинган илм ҳақиқий илм эмас, ундай одамни илмли одам демайдилар. "Бхагавад Гита"да барча тирик мавжудотларга нисбатан бир хил муносабатда бўлган киши ҳақиқий илмга эга одам дейилган(5.18).

*видйа-винайа-сампанне брахмане гави хастини  
шуни чаива шва-паке ча пандитаҳ сама-даршинаҳ*

“Ҳақиқий илмга эга бўлган камтарин донишмандлар олим ва тарбияли брахман, сигир, фил, ит ва ит гўшти ейдиган ҳаромини бир-бирдан ажратиб қарамайдилар”.

Ҳиндистондаги ведалар маданиятига кўра азалдан маълумки, билимдон брахман жамиятда энг юқори поғонада турадиган мўътабар одам ҳисобланади. Ҳақиқий илмга эга камтарин брахманнинг назарида шундай брахман ит ёки ит гўшти ейдиган ҳароми одам билан баробар туради. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқий илмга эга киши одамларнинг бирини олий, бирини пасткаш деб бир бирдан ажратмайди. Бу нима, брахман кўчадаги итдан яхши эмас деганими? Албатта, йўқ! Лекин илмли брахман вақтинчалик таналарга эмас, тана ичидаги мангу рухга эътибор бергани сабабли уларга руҳий жихатдан баробар кўз билан қарайди. Ҳар бир тирик мавжудотда мангу руҳни кўра олиш қобилиятига эга бўлган одамни *пандит* деб атайдилар, чунки аслида ҳар бир тирик мавжудот мукаммал руҳий бутун бўлган Зотнинг ажралмас руҳий заррачасидир. Барча руҳий заррачалар бир хил, фақат улар ҳар хил моддий таналар билан қопланган, холос. Энг мўътабар одам юпун, йиртиқ кийимларда юрган бўлиши мумкин, лекин, бу унга муносиб ҳурмат кўрсатиш шарт эмас, дегани эмасда. "Бхагавад Гита" моддий танани руҳнинг кийиб олган кийимларига ўхшатади:(2.22)

*васамси джджирнани йатха вихайа навани грхнати наро “парани*

*татха шарирани вихайа джирнанй анйани самйати навани дехи*  
“Худди одам эски кийимини ташлаб янги кийим кийгани сингари, рух ҳам кекса ва яроқсиз бўлиб қолган танасини ташлаб, янги танага ўтади”.

Тирик мавжудотга қараб туриб, у аслида мангу рух эканини кўра билиш керак. Ана шундай илохий назарга эга бўлган одам *пандит* деб аталади. *Пандит* қандай сифатларга эга бўлишини, унинг илмлилик даражаси қандай эканини Чанакйа Пандитнинг гапларидан билиб олишимиз мумкин: “Донишманд одам ўз хотинидан бошқа аёлларнинг барчасини онаси ўрнида кўради; ўзиники бўлмаган ҳар қандай бойликни кўчадаги ахлат ўрнида кўради; бошқа тирик мавжудотларнинг мусибатини эса ўзининг мусибати деб озорланади”. Парвардигор Будда айтган эдики, ҳатто хайвонларга ҳам на тил билан, на қўл билан бирор озор етказмаслик керак. Ҳақиқий *пандитнинг* сифатлари ана шундай ва ҳар бир маданиятли одам ана шу сифатларни ўзида ривожлантиришга ҳаракат қилиши лозим. Шунинг учун одамнинг қанчалик билимдон эканини унинг дипломига ёки илмий унвонига қараб эмас, балки унинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурига, ана шу тасаввурига асосланган фаолиятига қараб аниқлаш лозим. “Бхагавад Гита”даги *пандит* иборасининг мазмун-моҳияти шундан иборат. *Буддха* ибораси муқаддас китобларни мукамал биладиган одамни билдиради. Муқаддас китобларни ўрганиш ва ҳақиқат илмини англаб етишнинг натижаси “Бхагавад Гита”да шундай таърифланган:(10.8)

*ахам сарвасйа прабхаво маттах сарвам правартате  
ити матва бхаджанте мам будха бхаво-саманвитах*

“Мен барча руҳий ва моддий оламлар манбаиман. Ҳамма нарса Мендан пайдо бўлган. Мана шу Ҳақиқатни англаб етган донишмандлар Менга садоқат билан ҳолис хизмат қиладилар ва бутун қалби билан Менга сиғинадилар.”

Биз атрофимизда кўриб турган ҳамма нарса Кришнадан чиққани сабабли, Кришна - ҳамма нарсанинг бошланғич манбаи эканини англаб етган одам муқаддас китобларнинг мазмунини тўла тушуниб етган одам, *буддха* деб аталади. Миллион йиллардан бери куёш бутун коинотни ёритиб турибди, лекин барибир ўзи ўзгармай қолаверади. Худди шундай барча руҳий ва моддий қувватлар ҳам Кришнадан чиққан. Мана шу ҳақиқатни англаб етган ҳар бир одам Кришнанинг содиқ хизматкори бўлади.

Шундай қилиб, бу моддий оламда ҳиссий лаззатларга берилишни тарк этган ва ҳаётда Кришна онги билан фаолият кўрсатиш лозим

эканини англаб етган одамни ҳақиқий илмли одам деб айтиш мумкин. Моддий оламдаги ҳар бир одамнинг ҳаракатини эҳтирос(*кама*) бошқариб туради, фақат ҳақиқий донишманд одамгина *кама* таъсирига берилмайди(*кама-санкалпа-варджитах*). Лекин буни қандай амалга ошириш мумкин? *Джнанагни-дагдха-карманам*. Илм олови унинг барча гуноҳлари оқибатини ёқиб юборади. Мана шу покланишнинг энг самарали усулидир. Агар биз *раджа-видйа*, Кришнани англашнинг илоҳий илмини англаб олишга интилсак, ҳаётимиз чуқур маъно, мазмунга тўла бўлади, чунки *раджа-видйа* - барча илмлар шоҳидир.

## Мундарижа

1. Раджа-видйа - илмлар шоҳи
2. Самсара чегарасидан ташқаридаги илм
3. Кришнанинг қувватлари ҳақида илм
4. Буюк руҳлар, махатмалардан олинган илм.
5. Парампара, руҳий устозлар силсиласи орқали олинган илм
6. Кришнанинг бу дунёга келишлари ва кўрсатган кароматлари ҳақида илм.
7. Илм - руҳий устозга ишонч ва Кришнага садоқат тимсолида
8. Кришна ҳақидаги илмга асосланган фаолият